# “ҲАР КУНИНГ ЎЛСИН НАВРЎЗ...”

**Давра суҳбати**

**Юртимизда баҳор айёми-Наврўз нишонланаётган айни кунларда республикамизнинг бир гуруҳ зиёлилари - Ўзбекистон Қаҳрамонлари Озод Шарафиддинов, Паркент тумани “Заркент” ширкат хўжалиги раиси Тожибой Ризаев, шунингдек Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Турсунали Қўзиев, таниқли бастакор Дилором Омонуллаева, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти проректори, тарих фанлари номзоди, доцент Музаффар Комиловларни таҳририятимизга таклиф этдик. Улар ўзларининг Наврўз ҳақидаги мулоҳазаларини биз билан ўртоқлашдилар.**



**Давра суҳбатини Озод ШАРАФИДДИНОВ бошлаб берди.**

- Донишмандларнинг биридан: “Дунёда энг паҳлавон нима?” деб сўрашибди. Шунда у: “Буғдой донаси” деб жавоб берган экан. Назаримда донишманд бу ўринда буғдой донасининг устида ётадиган қанча тупроқ, қанча тошларни назарда тутгандир, лекин буғдой донаси шуларни ҳам ёриб чиқади. Аслида эса бу ҳаётнинг қудратидандир. Гап шундаки, Наврўз байрами, ҳар йилги табиатнинг уйғониши ҳаёт қудратининг намоён бўлиши билан боғлиқ. Бу пайтда кун билан тун тенг бўлади. Бизни қуршаб турган мулки борлиқда, осмон ажойиб товланадиган, қуёш чарақлаб чиқадиган кун бўлади. Анҳордаги сув ҳам ажиб товланади. Эҳтимол, Наврўз зардуштийлик давридан қолгандир. Инсоният асрлар давомида ўзининг заҳматли меҳнатининг якунини байрам сифатида нишонлаб келган. Наврўз ҳам шулар жумласига киради. Шу боис у инсоният учун улуғ кунлардан бири, айни шу кунларда биз ризқу насибамизни ерга қалаймиз. Мустақиллик йилларида биз бу байрамни нишонлашнинг янги-янги шаклларини йўлга қўйдик. Энг аввало, у эзгулик байрами сифатида юртдошларимиз руҳиятига сингиб бормоқда.

**Дилором ОМОНУЛЛАЕВА:**

- Озод ака, дарҳақиқат, Наврўз биз учун янгиланиш, покланиш, сиз айтгандек эзгуликлар байрами. Афсуски, ана шу бебаҳо қадрият ҳам Шўролар замонида беаёв топталди. Болалигимда хотирамда муҳрланиб қолган бир воқеани айтиб берай.

Биз ўша пайтлар кўп қаватли уйларнинг бирида турардик. Бир гал ён қўшнимизнинг уйига узоқдан қариндоши келди. Аммо мезбондан дарак йўқ, эшиги қулфлоғлиқ эди. Меҳмон анча вақт кутди. Онам унга ачинди шекилли бир чойнак чой чиқариб берди. Бу вақт оралиғида атрофни шом қоронғуси қоплаган, мезбондан дарак ҳам йўқ эди. Шунда дадам ва онам уни уйга олиб кириб меҳмон қилган, узоқ жойдан келган мусофир бизникида бир кеча тунаб кетганди. Янглишмасам, ўша кун ҳам Наврўз эди. Эҳтимол Наврўзни эзгулик, маънан юксалиш сари қўйилган қадам деб билган дадам ва онам шу эзгуликни унга раво кўргандир. Ҳар қалай мендаги Наврўз ҳақидаги илиқ хотиралар ўша болалик кунлари билан боғлиқ. Афсуски, кейинги вақтларда кишиларга эзгулик улашиш, уларнинг кўнглига йўл топиш шоир айтмоқчидек: мушкул ишга айланиб бормоқда.

**Музаффар КОМИЛОВ:**

- Тарихий маълумотларга кўра, умрбоқий бу байрамнинг келиб чиқиши уч ярим минг йиллик мозийга эга. Унинг юзага келиши ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Баъзилар уни пешдодийлар сулоласи ҳукмдори Жамшиднинг тахтга ўтириши билан изоҳлашса, яна бошқа бир ривоятга кўра унинг юзага келиши Сулаймон пайғамбарга нисбат берилади. Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний эса ўзининг “Осорул боқия” номли асарида Наврўз байрами Туронзамин ва Эрон ҳудудларида қадимдан нишонланиб келганини айтади. Улуғ риёзиётчи аллома, ҳассос шоир Умар Ҳайём бу байрамга бағишлаб “Наврўзнома” номли китоб битганини маълум.



Шўролар замонида Наврўз байрами диний удумлар сирасига киритилиб, уни нишонлаган кишиларнинг қаттиқ қатағонга учрагани бугун сир эмас. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Наврўз турфа хил диний тасаввурлар, ақидаларга йўғрилиб кетгани ҳам тарихий ҳақиқат. Аслида, Туронзамин ҳудудларига араблар бостириб киришидан минг йиллар муқаддам Наврўз байрам қилинган. Шу боис бу байрам қадимиятга дахлдор.

**Турсунали ҚЎЗИЕВ:**

- Музаффар ака, боя сиз бу байрамнинг шўролар замонида қаттиқ қатағон қилингани ҳақида гапирдингиз. Менинг хотирамга муҳрланиб қолган бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Янглишмасам 80-йиллар эди. Ўшанда биз Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманига боргандик. У ерда йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда фақатгина дала-қирларда Наврўзни нишонлаган кишиларга партиявий жазо қўллаш масаласи муҳокама этилди. Йиғилишни олиб бораётган райком вакили баҳор айёми ҳақида жуда қўпол иборалар ишлатди. Орияти келган кекса отахонлардан бири эса унга эътироз билдирди. Шунда туман фаоли: “Биламан, сизлар Наврўз баҳонасида тоғу даштларга чиқиб диний маросимлар ўтказасизлар”, деган эди. Бундан шу нарса маълум бўладики, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга болта уриш орқали бизнинг том маънодаги миллий менталитетимизга путур етказиш асосий мақсад бўлган.



Ваҳоланки, миллий эътиқод, иймон туйғулари кучли бўлган инсон маънан бой, юксак инсоний ғояларга содиқ бўлади. Куни кеча Юртбошимиз Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлганида ҳудди шу ҳақда гапирди. Бу борада рассомларимиз ҳам четда тургани йўқ. Айниқса, бир қатор мўйқалам усталари, юртдошларимиз қалбида миллий ифтихор туйғуларини жўш урдирадиган мукаммал асарлар яратиш устида иш олиб бормоқда. Энг асосийси, бу йилги Наврўз айёми дастурхонимиз тўкинчилиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги хайрли қадам бўлсин.

**Тожибой РИЗАЕВ:**

- Турсуналижон, сиз фаровонлик, тўкин-сочинлик ҳақида гапириб қолдингиз. Дарҳақиқат, дастурхони тўкин, халқи фаровон юртнинг эртасига ишонч бўлади. Оламлари ўзини бардам, тетик ҳис қилади. Албатта, ҳар бир жойда Наврўз ўзига хос шукуҳ, катта тайёргарлик билан кутиб олинади. Лекин қишлоқда кутиб олинадиган Наврўз бошқача бўлади, десам янглишмайман. Илик узилди пайтлари бошланганда қариялар “Наврўзга етиб олсам” дея ният қиладилар. Ризқу насибасини ерга қадаб, фаровонлик яратишга интилаётган боболеҳқон “Наврўзгача экиб олайлик”, “Наврўзгача чопиқ қилайлик” дея ҳаракатини жадаллаштиради. Наврўздан кейинги кунларни эса улар учун синов даври, аниқроғи меҳнат қилишнинг энг қизғин палласи, дейиш мумкин.

Кейинги пайтларда қишлоқ жойларда фермерлик ишларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятига самарали ҳисса қўшиш мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тамойилларига айланиб бормоқда. Шу жумладан, бизнинг хўжаликда ҳам қатор ишлар амалга оширилаётир. Бир неча йиллардан бери Наврўз кунларида халққа сумалак тарқатиш, моддий кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш биз қиладиган ишларнинг асосийларини ташкил этмоқда.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ:**

- Тожибой ака, бугунги иқтисодий аҳвол ҳақида тўхталдингиз. Наврўз айёми арафасида бу мавзу хусусида жиндак тўхталиб ўтсак. Гап шундаки, тадбиркорлар ва тадбиркорлик ҳақида кўп ёзилаяпти, кўп чиқишлар бўлаяпти. Лекин ҳали ҳамон бу борада арзирли ютуқлар қўлга киритилмаган. Назаримда, тадбиркор озодлигини юзага чиқариш керак. Тадбиркорни озод қилишнинг учтагина шарти бор. Биринчиси, ерни унга тўла ҳуқуқ билан бериш. Уларга қанча экиш, қандай суғориш кераклигини биров ўргатмаслиги зарур. Қанчага сотиш ҳам ўзининг иши бўлиши керак. Иккинчидан, тадбиркорни турли хил майда текинхўрлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ. Авваллари, битта одам ишласа, еттита одам тепасида турарди. Ҳозирда эса етмишта одам етиб келади. Тадбиркорлар атрофида таъмагирлар кўпайиб кетган. Агар тадбиркорга кредит бериладиган бўлса, камида 15 фоизини қолдириб кетиш керак. Ҳеч ким буни сўраб ҳам ўтирмайди. Учинчиси, солиқ масаласи: Бир америкалик ўртоғим бор, у ҳозир шу ерда яшайди. Етмишлардан ошиб қолган. Яқинда Америкадан қайтди. У негадир хуноб эди. Табиийки, бунинг сабабини сўрадим. Шунда ўртоғим: “Мен солиғимни тўлолмай қайтдим”, деб жавоб берди. Бизда бундай тушунча йўқ. Иложи борича даромадимизни яширишга уринамиз. Холбуки, солиқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам бериш керак. Тадбиркорни янги ишларга рағбатлантирмоғи лозим. Минг карра ачиниш билан айтиш мумкинки, бу бизда ҳали аҳлоқий маданиятнинг етишмаслигидан далолатдир.

**Дилором ОМОНУЛЛАЕВА:**

- Менинг назаримда, кўпгина ишларимизда сансоларлик, бошбошдоқлик авж олаётгандек. Биргина қўшиқчилик соҳасини олиб қарайлик. Авваллари бизда саноқли қўшиқчилар бўлар эди. Афсуски, улар кейинги вақтларда ёмғирдан кейин пайдо бўладиган қўзиқориндек бодраб, кўпайиб бормоқда. Сон бору сифат масаласи чатоқ. Ғарб мусиқалари “ўғирланиб”, уларга бўлар-бўлмас савиясиз шеърий матнлар “ёпиштирилаяпти”. Бу биз учун фожиали ҳол, албатта.

Аммо, шундай бўлсада - биз ижодкорлар, умуман санъат аҳли Наврўзга жуда катта тайёргарлик кўрдик. Наврўз шодиёнаси кунларида мустақиллик майдонида байрам концерт дастури намойиш этилади. Бунга Республикамизнинг турли бурчакларидан фольклор-этнографик жамоалар, вилоят театрларининг фаол ижодий гуруҳлари жалб этилади. Шуни таъкидлаш жоизки, халқимиз истеъдодларга, катта-катта қобилият эгаларига бой. Бу ҳам бизнинг юксак миллий менталитетга эга эканлигимиздан далолатдир. Хабарларингиз бор, ўтган йили Наврўз шодиёнаси кунларида бевосита муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилган Ўзбекистон давлат консерваториясиининг янги, муҳташам биноси фойдаланишга топширилган эди. Мен ҳозирги кунда ана шу санъат даргоҳининг эстрада хонандалиги кафедраси мудирасиман. Албатта, ҳар бир байрамда камчиликлар билан бир қаторда ютуқлар ҳақида гапиришга ҳаққимиз бор. Ижодкор сифатида байрам шодиёналари ҳақида ҳам, эришилаётган ютуқлар ҳақида икки оғиз гапириб ўтсам.



Бунга қатор фестиваллар, кўрик-танловларнинг ўтказилаётганлиги исботдир. Яқинда Мақомчилар кўрик-танлови ўтказилди. Бундан ташқари консерваториямизда “Азиз она юртимиз наволари” номли концерт дастури бўлиб ўтди. Шогирдларимиз бу анжуманларда қатнашиб биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Бу биз учун фахр, албатта. Яна бир гапни мамнуният билан қайд қилиб ўтмоқчиман, 2001 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали том маънода халқимизнинг Наврўз байрамига айланиб кетди.

Ана шундай шодиёналар юртимизда тез-тез ўтказилиб турилса, қандоқ яхши!

Албатта, ҳар бир халқнинг қадриятлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шу жумладан бизнинг халқимиз ҳам бундан мустасно эмас. Наврўз эса Туронзамин халқларининг муштарак байрамларидан биридир. Унинг келиб чиқиши ва бардавомлиги бизнинг буюк тарихга эга эканлигимизнинг, ота-боболаримизнинг юксак умуминсоний ғояларга содиқлиги рамзидир.

**Давра суҳбатини Хидирали ПАНЖИЕВ ёзиб олди.**

---

**Юрган дарё**

# БЕШКЕНТ ТОЛАСИ

***Дарвоза пештоқидаги битикни ўқиб билдимки, керакли манзилга етиб келибмиз. Бу хушманзара маъво - Бешкент пахта тозалаш заводи. Мазкур ташкилот ҳақида бу ердаги жамоа аъзолари ҳақида кўп бор илиқ сўзлар эшитгандик. Ҳамма эшитганларимиз чин бўлиб чиқди.***

-Бултурги йилда, - дейди жамият раиси Иноят Очилов, - заводимиз 28 минг 787 тонна хомашё қабул қилиб олган эди. Ана шу ҳосилдан 10 минг 40 тонна тола ишлаб чиқарилди. Даромадимиз 2 миллиард 471 миллион 255 минг сўмни ташкил этди. 98 миллион 898 минг сўм соф фойда олишга эришилди. 8 минг 305 тонна тола хорижга чиқарилди. Биздан тола сотиб олган Италия, Англия, Бельгия, Жанубий Корея, Швейцария, Австрия, россиялик мутахассислар сотиб олинган маҳсулот сифатидан хурсанд эканликларини айтишяпти. Биз ҳам бундан қувонамиз, албатта.

Бу каби ютуқларга эришишда тажрибали механик Шокир Мустафоев, техника назорати бўлими бошлиғи Исмоил Қодиров, ишлаб чиқариш илғорларидан Нодир Жумаев, Улуғбек Абдуллаев, Нортош Шарипова, Аҳмад Раҳмонов, Исмоил Бобоёров, Одил Боқиев, Ражаб Рўзиев, Собир Тўйчиев, Расул Мирзаевларнинг катта улуш қўшаётганларини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчимиз. Улар ўзларига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажариб кўпчиликка ибрат бўлишаяпти.

Жамоа аъзолари қўлга киритаётган ижобий кўрсаткичларда бу ерда яратилган қулай шароитлар, имкониятлар катта аҳамият касб этаяпти. Чунки, бизда одамларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар яратилганки, бу масалага бундан кейин ҳам алоҳида эътибор билан қараймиз. Одамларимиз ошхона, чойхона хизматидан хурсанд эканликларини яширмаймиз. Ишчиларга бепул сут бериш йўлга қўйилган. Бизда ўртача ойлик иш ҳақи 40 минг сўмдан ошади. Бундан ташқари уларга вақти-вақти билан мукофотлар бериб борилади...



Корхона раҳбарининг сўзларини тинглар эканмиз, вилоятдаги бошқа корхоналарни кўриш, у ерлардаги ўзгаришлар билан танишиш фикрига тушдик. Шу мақсадда вилоят “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасига йўл олдик. Бирлашма раҳбари Рустам Жўраев билан суҳбатлашганимизда масала анча равшанлашди.

-Вилоятимизда 12 та пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятлари ишлаб турибди. Уларнинг деярли ҳаммасида эришилаётган натижалар кишини қувонтиради, - деб сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — 2002 йилда 323667 тонна пахта хомашёси қайта ишланди. Олинган тола 34 фоизни ташкил этди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 51315563 минг сўмдан ошиб тушди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу олдинги йилга нисбатан 113 фоизга кўп. Қўлга киритилаётган ютуқларимизнинг яна бири шу бўлдики, бултур 1202326 минг сўм соф фойда олишга эришилди. Рентабеллик 4,2 фоиздан ошди. 111239 тонна толанинг 104071 тоннаси хориж давлатларига жўнатилди. 2002 йилда 169130 тонна техник чигит Косон, Қарши, Шаҳрисабз ёғ-экстракция заводларига жўнатилган эди. Тола сифати 96 фоизни, момиқ сифати 100 фоизни ташкил этди. Шаҳрисабз, Қарши, Яккабоғ, Ғузор, Косон, Чироқчи, Бешкент, Нишон, Муборак пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятларида тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси ошиғи билан бажарилди.

Бу йил ҳур диёримизда қутлуғ мустақиллик байрамининг ўн икки йиллиги нишонланади. “Пахтасаноат” жамоаси аъзолари қутлуғ байрамни ёруғ юз билан кутиб олишни дилга тугишган. Улар ўз сўзларига амалий иш билан жавоб беришларига шубҳа йўқ. Бу йил эл хирмонига камида 410 минг тонна “оқ олтин” тўкилиши мўлжалланган. Ҳосил бундан ҳам кўп бўлиши мумкин: Чунки йил яхши келаяпти. Табиат бизга тантилигини кўрсатаётир. Вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиб дарёларимиз тўлиб оқаяпти, сув омборлари оби ҳаётга тўлмоқда. Ҳа, бу йил сув, демакки ҳосил ҳам кўп бўлади.

Яхши ниятни дилга жойлаб уруғлик, сара чигит тайёрлаб қўйганмиз. Ўзимизга етиб-ортади.

-Бу йил Наврўз байрами қандай қарши олинмоқда?

-Наврўз янги кун дегани. Демак, бу байрам ўзи билан бирга янги кунни, баҳорни, меҳнат айёмини бошлаб келади. Борлиқ ёшаради. Дов-дарахтларга “жон” киради. Наврўз деҳқонни далага чорлайди. Ҳадемай осмонимиз узра қуёш ҳар қачонгидан кўпроқ нур соча бошлайди. Қир-адирлар янги либосга ўралади. Аҳил жамоамиз аъзолари ана шу улуғ байрамни муносиб туҳфа билан қарши олишмоқда. Янгидан-янги боғ-роғлар барпо этилмоқдаки, буни барча жамоалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Байрам кунлари катта дошқозонларда сумалак пишади. Тўкин дастурхон ёзилиб одамларимиз байрам шодиёнасидан баҳраманд бўладилар. Илғор жамоалар учун алоҳида мукофотлар ажратилган.

**Бозор ЭРКОРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**




# QISHLOQDA DUV-DUV GAP



## "ҚОВУН ТУШИРДИ"

***Воқеа рўза кунларида юз берган эди. Қайнотаси қизи билан Турсуналини ифторликка чақириб қолди. Қизиқ бўлди-ю! Турсунали рўзадор бўлмаса!***

Тўғри, рўзанинг бошида бир-икки кун тутиб кўрди. Кўп овқат еб ўрганганi учунми, иши пича оғирлиги туфайлими, пешинга бормай сулайиб қолаверди. Ўшандан бери (Худо кечирсин-у) "оғзи очиқ".

Минг қилса-да, янги куёв. Хотинини олдига солиб қайнотасиникига тўлиб-тошиб кириб борди. Тузалган дастурхон бошида рўзадорлардек ўтириб шом азонини кутди. Қайнотасининг "Рўза бўлсангиз керак-а?" деган сўроғига ҳам сиполик билан бош ирғаб қўя қолди. Ифторлик пайти ҳамма қатори "оғиз очди". Дастурхондаги ноз-неъматларга "уятчанлик" билан қўл узатди. Кўп ўтмай, паловхонтўра сузиб келтирилди. Турсунали бироз тўйиб қолгани учунми икки-уч ошамдан сўнг қўлини артди.

-Вой, болам! Нега олмадингиз, яна бир-икки ошам...

-Йўқ, ойижон, бўлдим, - қимтинибгина лабини арта бошлади Турсунали. - Ўзи қорним тўқ эди. Боягина чойхонада оғайнилар билан ўтириб ошхўрлик қилувдик. Ўша ердан чиқдим-у, қизингиз билан бу ёққа...

**Иқбол ХУМОЮН**

## ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

***Табиий газ энди тортилган кезлар, маҳалламизда бир одамнинг уйида қувур ёрилиб, ундан катта миқдорда газ отилиб чиқди.***

Илгари бундай ҳолатга дуч келинмаганиданми ёки газ эндигина қишлоққа кириб келганиданми, кимга мурожаат қилишни ҳеч ким билмасди. Қишлоқдаги яккаю ягона пайвандчининг ҳам боши гаранг.

Табиий газ ходимларини қаердан қидиришу, қаерга телефон қилиш кераклигини бирор жон билмайди. Кўпчилик йиғилган бўлсада, ҳаммаси томоша қилишу "ҳозир ўт кетади-ёв" дейишдан нарига ўтишмайди. Шу пайт орқароқда ўйланиб ўтирган Абдужалил ака бошини қашиганча гап бошлади.

-Энди бундай қилсак, биродарлар, - ҳамма унинг оғзига қараб турибди. Зора шу Абдужалил тушмагурдан биринчи бор яхши фикр чиқса, деган хаёлда. - Ўйланиб ўтирганимиздан фойда йўқ. Яхшиси, шу чиқаётган газга гугурт чақсак-да, ўт ўчирувчиларни чақирсак.

Орага ноқулай жимлик чўкди. Шу пайт йиғилганларнинг орасидан кимдир пиқиллаб кулиб юборди. Кейин шундай кулгу кўтарилдики, бу кулгининг садоси бир ҳафтагача Абдужалилни кўчага чиқмайдиган қилиб қўйди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ**

## "ГАП УҚМАС КАШАНДА"

***Бу воқеани тижорат иши билан Хоразмга қатнайдиган самарқандлик бир танишим айтиб берганди: "Урганч" шоҳбекатида чўнтагимдан "Marlboro" қутисидаги охирги сигаретани тутатган эдим, одмигина кийинган ўрта ёшли бир киши лабига "Прима" қистириб келиб қолди.***

-Оға, алиштирсак майлими?

Ғалати бўлиб кетдим. Ҳар доим бир хил сигарета чекаман. Қўлимдагини берворай десам — охиргиси.

-Ака, мен "Прима" чекмайман, - дедим узрли оҳангда.

-Алиштирворайлик, - деди ҳалиги киши пинагини бузмай.

-Тушунинг, бу охиргиси. Мен фақат "Marlboro" чекаман.

-Алиштирайлик, деятирман, - деди у негадир аччиқланиб.

Бўғилиб кетдим. Ўхшатиб сўквормоқчи бўлиб турганимда боядан бери бизни кузатиб турган бир танишим кулимсираб келдида, ёндирғич чиқариб "инжиқ" ҳамсуҳбатимга тутди. Қизиқ, у сигаретини тутатиб, раҳмат айтганча нари кетди. Ҳайрон бўлиб елка қисдим.

Кейин билсам, хоразмчада "алиштириш" шунчаки "тутатиб олиш" дегани экан...

Шу-шу ҳамқишлоқ оғайниларим мени кўришса, "алиштирмаймизми?" дея ҳазиллашишади".

**Рустам БЕК**

Сурур

# ГУЛЛАТАР, ЯШНАТАР ҲАР ДИЛНИ

***Варрак учираётган болани кўп марта кузатгансиз. Шунда қалбингиз осмон бўлиб кетади. Унинг кўзидаги Варрак бўлиб учиб юрган Завқни кўрасиз. Варрак билан гўё болакай ҳаммаҳаммадан баландда сезади ўзини, юксакликка интилади.***

Сўлим Косонсой ҳудудига кириб борарканмиз, бир тўп бўлиб варрак учириб юрган болакайларни кўриб беихтиёр ана шу ўйлар хаёлимиздан кечди. Боланинг ҳар бир хатти-ҳаракатида унинг орзуси ётади, демак, юксакликка интилаётган варраклар бу болаларнинг орзуларига ўхшайди. Варрак учираётганлардаги завқни биз – катталар ҳис қилолмаслигимиз боиси эса болалардан кўра орзу-умидларимиз



чекланганлиги, улар каби ҳаётга кўп талаб қўймаслигимиз, имконият, мавжуд шарт-шароитлар билангина кифояланишимиздир. Юксаклик сари кураша олмаслигимиз, тўғрироғи, ҳаётимизни орзуларимиздек қуришда дуч келган тўсиқлар бизни изланишдан мосуво этади. Кўп ўтмай тушкун кечган ўйларимиз тумандай тарқалди ва бундан қувондик. Болакайлар сингари шижоат, ўзига ишонч, интилиш ва изланишни бир умр ҳаётига дастуриламал қилган инсонларни Косонсойда учратдик. Фермерлар билан суҳбатлашсангиз, дилингиз ёришади. Яширмаймиз, ҳозир турмуш икир-чикирлари билан ўралашиб қолиб, баъзан бирор муаммога дуч келса, ўзиданмас, ўзгалардан нолийдиганлар оз эмас. Косонсойлик фермерларимиз фаолияти билан танишиб, ўшандай кимсаларга "Излаган имкон топаркан-ку!" дегимиз келди.

* * *



**Зокиржон Мусаев, "Истиқбол" фермер хўжалиги раиси.**

Фермер хўжалиги ихтиёрида 250 гектар ер бўлиб, асосан ғалла ва пахта етиштирилади.

Камтарин ва дилкаш Зокир ака билан суҳбатимиз экин-тикиндан бошланиб, Наврўзга қалалди. Чунки фермер айни пайтда байрам тадориги билан машғул экан.

-Кимга қанақа, билмадим-у, лекин мен баҳорда кўпроқ яшагим, кўпроқ ҳаётга интилгим келади, - дейди Зокир ака самимийлик билан. – Ҳаётга, одамларга муҳаббат кучаяди. Ҳатто қурт-қумурсқаларнинг қимирлаб қолиши, қушларнинг уя ташвишида бўлиши, чўпоннинг қўрасини қирадирга алмаштириши... бизга ўхшаган ер билан тиллашадиганларнинг далани макон қилишимиз ҳаётнинг қайта жонланиши, тўғрими?! Албатта... биз – фермерлар қишда ҳам ер ташвиши, экин ташвиши билан бўламиз, лекин қишдан зерикасан киши. Ана шунда баҳорни соғинасан.

Зокир аканинг бироз шоирона, аммо киши завқини уйғотадиган бу сўзларини тингларканмиз, Наврўз байрамини қай тарзда нишонлаши билан қизиқдик.

-Фермер хўжалигимизда 60 нафар киши ишлайди. Уларга байрам дастурхони қиламиз, ҳар бирининг оиласи, болаларига совға-салом берамиз. Биласизми, чумолидай тиним билмай ишлаётган ҳар бир ишчим (ёшидан қатъи назар)нинг байрамларда кўнглини кўтаришга бор кучимни сарфлайман. Яширмайман. Баъзида қаттиққўллик билан улардан ишнинг самарасини талаб қилиб, кўнгилларини оғритган пайтларим ҳам бўлади. Байрам баҳона булар унутилади. Ҳар бир одамга меҳримни байрамларда кўрсатаман.

Ҳар Наврўзни 6 қизим, куёвларим, невараларим даврасида қарши оламан. Байрам арафасида бири-биридан ширин қизларим ота уйига келишиб, онаси – Сабоҳатхон билан сумалак қайнатишади. Ана шундай пайтларда шу кунга етказганига шукр қиламан.

Отам оламдан ўтгач, бош фарзанд бўлганим учун мактабни битирибоқ ишлай бошладим. Механизатор эдим. Меҳнатдан бошимиз чиқмасди-ю, лекин елкамизга офтоб тегмасди. Эгнимизда битта кўйлак, ейишимиз қуруқ нон, чой. Шунда ич-ичимдан эзилардим. Мактабни битириб ўқитувчи бўлмоқчи эдим. Адабиётни яхши кўрардим, ҳозир ҳам бўш пайтим китоб ўқиш билан ўтади. Орзуларим ушалмаганидан афсусланардим.

Мустақиллик йилларигача механизатор бўлиб ишладим. Сўнг 1994 йилда дастлаб 10 гектар ер олиб, фермерликни бошладим. Кам бўлмадим. Ҳамма қийинчиликлар унут бўлди...

Дарвоқе, кўрсаткичлардан шу маълум бўладики, "Истиқбол" фермер хўжалиги, мана бир неча йилдирки, ғаллаю пахтадан шартномани ортиғи билан бажаради. Хўжалик ихтиёрида 12 та техника бор. Барчаси замонавий русумда. Ишчилар учун қурилган дала шийпонида эса барча зарур шарт-шароитлар муҳайё. Буларнинг барчаси Зокиржон аканинг тиришқоқлиги, изланувчанлигининг самараси эканлигига ишондик.

* * *

**Ҳамидхон Мўйдинхўжаев, "Чашмаи сафед" фермер хўжалиги раиси.**

Фермер хўжалиги 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, ихтиёрида хусусий кичик корхона ва 110 гектар ер бор. Корхона бугунги кунда 12 турдаги сут маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Унинг бир кунлик қуввати 5 тонна сутни қайта ишлашга тенг. Корхона Германия технологияси билан жиҳозланган бўлиб, ундан чиқарилаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан истеъмол талабига тўлиқ жавоб беради ва республикамизнинг кўпгина вилоятларида сотиш йўлга қўйилган.

"Чашмаи сафед"да 112 нафар косонсойликлар иш билан таъминланган ва уларнинг 80 фоизи ёшлар. 400 бошдан зиёд қорамол бўлиб, уларга озуқа ҳам хўжалик еридан олинади.

Эндиликда гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш тараддуди кўрилмоқда.

Ҳ.Мўйдинхўжаев "Ташаббус-2000" кўрик-танловининг "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича ғолиби.

"Чашмаи сафед" ҳақида пойтахтимизда эшитгандик. Унинг раиси қаттиққўл, ишига ниҳоятда пухта, деб таъриф беришганди.

Ҳамидхон ака билан учрашганимизда, бу таъриф айни ҳақиқатлигига амин бўлдик. Фақат у кишини дастлаб ишда учратолмадик. Чунки куни кеча Ҳаж зиёратидан келганди, дейишди. Раис то идорасига етиб келгунча "Чашмаи сафед"даги иш жараёни билан танишдик.

Корхона маҳсулотларига талаб катта экан. Демак, иш ҳам шунга яраша.

Бизни кўпроқ ишчиларнинг моддий таъминоти қизиқтирди.

-18-25 минг атрофида пул оламиз. Тўғри, бу унчалик катта пулмас, лекин гўшт, ёғ ҳар ойда оилавий аҳволимизга қараб берилади. Ҳар куни икки маҳал бепул иссиқ овқат ҳам бор. Ишимизга қараб ҳақ тўлашади, - дейди ўзини Зафар деб таништирган йигит.

- Бу ерда меҳнат билан банд бўлиб, эгнимиз бут, қорнимиз тўқ бўлгани яхши-да, - дейди қақажон сут соғувчи қиз.

Шу орада бироз чарчоқ сезилиб турган чеҳрасига қандайдир нур инган Ҳамид ака ҳам келди.

-Энди... элга озми-кўпми нафимиз тегса, шунинг ўзи бахт-да, - Ҳамидхон ака камтаринлик билан сўз бошлади. Табиатан камгап бу инсон билан суҳбатимиз, очиғи, лўнда савол-жавоб билан кечди. Даставвал, Ҳаж зиёрати қабул бўлишини тиладик.

-Муқаддас фарзимизни бажаришни анча вақтдан буён дилимга тугиб юрардим, Ҳажга бориб савоб олишдан олдин шу ердаги бевабечораларга ёрдам қилиш, уларнинг кўнглини кўтаришни маъқул кўрдим. Насиб экан, шу йил зиёратга бордик.

Ўрни келди деб, қандай хайрия ишларини амалга ошираётганликларини сўраганимизда Ҳамидхон ака жилмайиб "Шу-шу ишни қилдик, десам, мақтангандай бўламан. Элдан сўранг, эл баҳо беради", деди.

Ҳақиқатан, кейинроқ билдикки, "Чашмаи сафед" жойлашган хўжаликдаги барча кам таъминланганларга мунтазам равишда гўшт маҳсулотлари бепул бериб келинаркан. Муҳими, "Чашмаи сафед" оталиғида "Ёшлик массиви"да 280 ўринли мактаб қурилиб, шу йил Мустақиллик байрамига тўёна қилиш режалаштирилибди. Қурилиш жадал бораётганининг гувоҳи ҳам бўлдик.

-Эрта-индин сумалак қайнатамиз, буғдой ҳам униб қолди. Агар қолсанглар, сумалакдан тотиб кетардинглар, - бояги қақажон сут соғувчи қизнинг бу таклифига бажонидил рози бўлардигу, аммо ҳали косонсойлик бошқа фермерлар билан ҳам суҳбатлашишимиз лозим эди.

Дарвоқе, "Чашмаи сафед"да Наврўзни катта байрам қилиб кутиб олиш, элга ош бериш тайёргарлиги кўрилаётган экан. Йўлингиз тушса, Сиз ҳам "Чашмаи сафед"га ўтинг!

* * *

**Карима Бобохонова, "Тошкент" фермер хўжалиги раисаси.**

Фермер хўжалиги 1996 йилда ташкил топган ва ҳозирда 100 гектар ерда ғалла ва пахта етиштирилади.

Косонсойликлар Карима опани "Ая" деб эъзозлашаркан.

-Ая жуда қаттиққўл-у, аммо кези келса улардан меҳрибон, мурувватли инсон йўқ, -уни яқиндан билганлар шундай дейишди.



Косонсой фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари Ёқубжон акага Ая билан учрашмоқчилигимизни айтганимизда "Кеча унинг бироз мазаси йўқ дейишувди, уни ишида топишинглар даргумон, уйида бўлса керак" дегач, иккиланиб қолдик. Таваккал қилиб фермер хўжаликнинг дала шийпонига йўл олдик. Не ажабки, Аяни ўша ерда учратдик.

-Касалман, деб кўрпа-тўшак қилиб ётаверсанг, вақт ўтади. Вақт эса мен учун бебаҳо. Тўғри, саломатлик ҳаммага азиз, менга ҳам, аммо соғликни ҳам унутмаган ҳолда ишлаймиз-да. Баҳорда бир кун ҳам иш орқага сурилмаслиги керак, – Ая ўзини ниҳоята тетик , бардам тутарди.

-Аёлман, деб ўзимни авайлаш менга ёт. Мен оилада она, бекаман, лекин далада аёллигимни унутаман. Айниқса, ерга меҳринг тушса, баъзан уйинг ҳам кўзингга кўринмай қоларкан. Яшириб нима қилдим, кун исиб то совуқ тушгунча мана шу дала шийпонидан жилмасликка ҳаракат қиламан. Келиним бор, уй ишлари унинг бўйнида.

Аяни кўп савол бериб ортиқча уринтиришни истамасдик.

-Касалхонада даволанинг, дейишди дўхтирлар. Касалхонада бўлмасаям, даволанаяпман. Лекин ҳар куни даламга келиб, бирров қилинаётган ишларни ўз кўзим билан кўриб кетмасам, кўнглим тинчимайди. Байрам яқин, сумалак, ҳалим дегандай. Шийпонда ҳам Наврўз куни байрам қиламиз. Ишчиларим кўп эмас, 13 нафар. Уларнинг ҳар бири унумли ишлашга интилишади. Шунга яраша меҳнат ҳақидан ташқари ҳар ойда ун, ёғ, гўшт берилади.

-Каримахоннинг иш фаолияти ҳақида газеталарда кўп ёзишган. Аммо мен Каримахонга таъриф беришда, биринчи галда "ажойиб бека" дердим, - дейди Аянинг турмуш ўртоғи Рустам ака. – У қўлигул чевар. Яна таомларни шундай ширин қиладики... Барака топсин, келин ҳам қайнонасининг тарбиясини олган.

Каримахон доим иш-иш дейди-ю, лекин рўзғорни, оила ҳаловатини унутмайди. Ҳаммасига қандай улгураркин, ҳайронман...



Рустам аканинг бу ҳайратига жавобан шоир айтмоқчи, аёл бир қўлида бешигу, бир қўлида дунёни тебратади, дегимиз келди.

* * *

**Маматхон Муртазаев, "Турсунхонобод" фермер хўжалиги раиси.**

Хўжалик ихтиёридаги 45 гектар ерга ғалла ва сабзавот экилади. 30 нафар ишчи меҳнат қилади. Айнан шундай номдаги чойхона ҳам эл хизматида.

-Биз чуқур илдиз отган бақувват дарахтлар олдида худди ниҳолдаймиз-да, – Маматхон ака самимийлик билан шундай деркан, сўзини изоҳлайди. – Уч йил бўлди иш бошлаганимизга. Мақтовга арзирлик кўп ишлар қилишга улгурганимиз йўқ ҳали.

Тўғри, ердан ҳосилни режадан ортиғи билан кўтаряпмиз. Бу сўзларнинг замирида косонсойликларга хос камтаринликни сездик. Аслида "Турсунхонобод" "тетапоя қилаётган" фермер хўжалик бўлса-да, фаолияти таҳсинга лойиқлиги, кўрсаткичлари ошаётганлиги, келажаги порлоқ эканлигини эшитгандик.

Маматхон акани билганлар "Отасига тортган. Отаси ҳам ниҳоятда ишбилармон ва очиққўл инсон эди. Ҳали йўл қуриб, эл дуосини олган, ҳали кам таъминланган оиланинг ўғилчалари суннат тўйини қилиб берган, хуллас, ўз манфаатимас, ўзгалар қайғуси билан яшарди. Маматхон ҳам шундай", дея фермернинг "Ёшлик" фуқаролар йиғинидаги барча хайрия ишларига бошқош бўлишини айтишганди. Бу ҳақда сўз очганимизда, Маматхон ака "Ақлимни танибманки, отамнинг ўгитларига амал қилиб яшайман. Бундан кам бўлмадим.

Отам айтарди: "Эл корига ярамасанг, инсонман, деб кўкрак кермагин. Эл назарига тушмасанг, қуриган дарахтман деб ҳисоблайвер. Чунки унинг на сояси бор, на меваси".

Эл назарига фақат яхшилик билан тушасан. Имконим бор экан, бир ночорга беминнат ёрдам қўлини чўзсам, шу-да яхшилик!" – деди.

Айниқса, Маматхон аканинг ҳар йили Наврўз арафасида қариялар, кам таъминланганларга байрам совғаларини уйма-уй юриб улашиши, "Ёшлик"даги мактаб, боғчаларда болаларга байрам дастурхони қилиб ва элга ош тортиши, бу Наврўзни ҳам шундай кутиб олишга ҳаракат борлигини билдик.

-Наврўз шундай байрамки, ҳамма уни қувонч билан кутиб олиши керак. Қувонч эса ҳар бир дилни яйратади. - Маматхон аканинг бу "ақида"си кўнгилларни эзгуликка, меҳр-мурувватга ундайди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

---

# ВОҲАНИНГ БОШ КЕНТИ

***Кўҳна Хоразмнинг маърифатпарвар хонларидан бири Абулғозий Баҳодирхон асос солган Урганч шаҳри истиқлолдан сўнг буткул янгича қиёфа касб этди.***

1646 йилда Абулғозий хонлик марказини Кўҳна Урганчдан Хивага кўчиргач, бу муқаддас шаҳарнинг номи ўчмасин; деган истак билан шаҳар аҳолисининг бир қисмини Хоразмнинг сўлим жойига кўчириб келди ва уни Урганч деб атай бошлади.

Яшариш фасли бошланиши билан вилоят маркази – Урганч ўзгача чиройга бурканади. Шаҳарнинг қоқ ўртасига ўрнатилган бахту истиқлолимиз абадийлиги рамзи бўлмиш муқаддас Хумо қуши теварагидаги фаввоaлардан камалакранг биллурий томчилар жилваланиб кўкка интилади. Шовот каналининг чап соҳилида қад ростлаган Миллий қаҳрамонимиз, она Ватан ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди бобомизнинг салобатли ҳайкали ва унга туташ "Авесто" боғи ёки буюк донишмандлар ал-Хоразмий, Беруний, Огаҳий, Абулғозий Баҳодирхонларнинг ўчмас сиймолари, "Хотира хиёбони"нинг ўзи бир олам. Замонавий услубда қурилган маъмурий ва турар жой бинолари... Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан руҳланган шаҳарликларнинг яратувчан меҳнатлари самарасидир. Улар шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида муайян натижаларга эришмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда хусусий сектор улушини ошириш, хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, иқтисодиётта чет эл инвестицияларини жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилаяпти. Йўл ёқалари ва бинолар атрофини кўкаламзорлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, даволаш масканларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар, зарур дори-дармонлар билан таъминлаш шаҳар ҳокимлигининг диққат-эътиборида. Шаҳар ҳокимлигига тажрибали раҳ-



Фасл

бар, жонкуяр инсон Жумабой Сапарбоевич Ўтамов бош бўлгач, бундай тадбирлар кўлами янада кенгайди.

Иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлган ишлаб чиқаришга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, қўшма корхоналар барпо этиш бўйича изланишлар олиб борилаётгани қувончли ҳолдир. Ўтган йилда шаҳар иқтисодиётига 13 миллиард 276 миллион сўмлик инвестиция жалб қилинди. Шунинг 7 миллиард 736 миллион сўми ёки 10 миллион 176 минг доллари чет эл инвестициясидир. Ушбу маблағлар ҳисобига шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари, вилоят касалхонаси ва кўп қаватли биноларда таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, бу ерда қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Хоразм-метэкспо-савдо уйи" Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси ташкил қилинди Шаҳарда фаолият кўрсатаётган 13 та қўшма корхоналар томонидан 4 миллиард 241 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва турли маиший хизматлар кўрсатилди. Бу эса йил давомида шаҳарда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг салкам бешдан бир қисмини ташкил этади. Шаҳардаги "Нуртоп" Туркия-Ўзбекистон қўшма корхонаси, экскаватор ишлаб чиқарувчи ва қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш заводлари маҳсулотлари қўшни вилоятлар ва чет элликларга ҳам манзур бўлмоқда.

Яқин ўтган вақт ичида шаҳарда 321 та хўжалик субъекти янгидан ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 317 таси ёки 98 фоизи ўрта ва кичик бизнес субъектларидир. Уларни ҳар томонлама, хусусан, молиявий томондан қўллаб-қувватлаш, яъни имтиёзли кредитлар ажратиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шулар ҳисобига 729 та янги ишчи ўринлари яратилган. Шаҳар аҳолисига жамоат транспорти хизмати кўрсатиш аҳволи яхшиланмоқда. Вилоят бўйича олинган янги русумдаги 60 та "Отайўл" кичик автобусларининг 19 таси шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатаяпти.

Шу кунларда бу ерда одатий қурилиш ва ободончилик ишлари билан бир қаторда "Умид ниҳоллари - 2003" спорт ўйинларига ҳам жиддий ҳозирлик кўрилаяпти. Бир сўз билан айтганда, "Обод маҳалла йили"да Урганчнинг янада обод ва гўзал бўлишига ишончимиз комил.

**Қ.МУРОДОВ**

# ОРОЛ БЎЙЛАРИДА ЎРИК ГУЛЛАДИ!

***Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,***
***Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.***
***...Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин гулгул,***
***Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.***

**Алишер НАВОИЙ**

***Қорақалпоғистон Республикаси овул ва шаҳарларида Наврўз байрами тантаналари бу йил бирмунча олдин бошланди.***

Марказий Осиёда ягона ҳисобланадиган Қўнғирот сода заводи қурилаётган Устюртдаги Кийиксой мавзеси-ю Мўйноқ туманининг энг олис овуллари, Қизилқум яйловларидаги чўпон-чўлиқлар, Тахтакўпир шоликорлари, Тўрткўл пахтакорлари, Элликқалъа чўлқуварлари, хуллас барча меҳнат жамоаларида, яшариш ва янгиланиш байрамини ғоят баланд руҳда нишонлай бошладилар. Кайвонилар дошқозонларда сумалак қайнатишда бош-қош бўляпти. Нуроний отахонлар ҳар хил миллий байрамлар ўтказилиши учун ёш-ялангларга оқ фотиҳа бермоқдалар.

Байрам арафасида Қорақалпоғистоннинг айрим овуллари ва посёлкаларида, Қизилқумдаги яйловларда чўпонлар ҳузурида бўлиб, Наврўз тантаналарида иштирок этдик.

## "АМИРОБОД" АМФИТЕАТРИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

Элликқалъа туманидаги "Амиробод" овули аҳолиси Наврўз арафасида муносиб совға олишди. Овулдаги салкам ўн гектарлик боғ марказида амфитеатр фойдаланишга топширилди. Ҳашар йўли билан қурилган янги иншоотга Наврўзни нишонлаш учун мингдан кўпроқ ота-оналар, ёшлар йиғилишди. Барча оҳорли, миллий кийимлар кийишган. Чеҳраларда шодлик ва севинч тўлқинлари мавж урадди. Ўйин-кулги, ёшларнинг қаҳқаҳаси баралла эшитилади. Амфитеатрнинг бир чеккасидаги чўғдек гиламлар тўшалган сўриларда ҳар хил мева-чевалар, миллий таомлар билан безатилган тўкин-сочин дастурхон теварагида йигирма нафарга яқин қариялар кўр тўкиб ўтирибди. Юз ёшдан кўпроқ умр кечирган Отабой ота, овулнинг ёшуллиларидан Ҳикматулла ҳожи, Отахон ака, Ибодулла ҳожилар дамба-дам юзига фотиҳа тортиб, ёшларни дуо қилишади. Овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Шокир Сапоев бир неча ёрдамчилари билан миллий таомлар кўрик-танловига кўз-қулоқ бўлиб юришибди. Полвонлар беллашувини бу йил мучал ёшини нишонлаётган 8 нафар болалар бошлаб беришди. Хўроз ва қўчқор уриштириш томошаларининг ихлосмандлари фикр-мулоҳазаларини баралла изҳор қилишади.

Биз фурсат топиб овул оқсоқоли Ш.Сапоевни гурунгга тортамиз.

-Овулимизда 5 та аҳоли яшаш пункти бўлиб, 9 мингдан зиёд одамлар истиқомат қилади, - дейди у киши. Асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланамиз. Ҳар йили мўл-кўл маҳсулот етиштириш – аҳолининг тўқ-фаровон яшашига омил бўлаяпти. Масалан, ўтган йили ҳар гектаридан 45,5 центнердан 1012 тонна буғдой, 1450 тонна пахта сотилди. Шу боис бугун халқимиз Наврўз тантаналарини юқори савияда, шодлик-хурсандчилик билан ўтказмоқда.

Ёшлар спортига катта эътибор берилаяпти. 10 ва 28-мактабларда кураш, каратэ тўгараклари ишлаб турибди. Бугунги байрам тантаналарида ҳам асосан ёш спортчилар хизмат қилиб, томошабинларни хушнуд қилмоқда. Улар орасида ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Жавлон Ортиқов, полвон Қудрат Бегимбетов, Азизбек Нуржоновлар бор.

## ТОЖИГУЛ РАИСНИНГ ИККИНЧИ БАҲОРИ

"Тоза Амиробод" ширкат хўжалиги марказий қўрғони бугун эрталабдан одамлар билан гавжум бўлди. Хўжаликнинг минг нафарга яқин аъзолари, ўқувчи ва талабалар, отахон ва онахонлар бу ерга Наврўз байрамини нишонлашга тўпланишди. Байрам иштирокчилари шўх-шодон, кайфиятлар аъло. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Ширкат хўжалигининг 705 нафар пудратчилари ўтган йилни самарали якунлаб, Қорақалпоғистон Республикасида олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Давлатга 1416 тонна пахта, 810 тонна буғдой, 112,8 тонна оқ жўхори ва макка дони, 130 тонна сабзавот, 75 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берилди. Пудратчиларга 60 тонна буғдой тарқатилди. "Тоза Амиробод"чилар амалдаги йил мўл ҳосили учун тайёргарликни барвақт бошлаб юбордилар. Жами 2 минг гектардан зиёд экин майдонлари шудгорланди, сифатли қилиб шўри ювилди. Бу юмушларга раис бош-қош бўлаяпти. Олдин раис ўринбосари, овул оқсоқоли бўлиб самарали ишлаган Тожигул Аширова, мана бу йил иккинчи баҳорни ширкат хўжалиги раиси сифатида кутиб олаяпти. Ишнинг кўзини



биладиган, ташаббускор бу шаддод қиз раҳбар бўлган мазкур хўжаликда амалдаги йил ютуқлари янада кўпаяди. Наврўзи оламни олам-олам шодликлар, кўтаринки руҳ билан кутиб олган катта-ю кичикнинг азми-қарори ана шундай! Яхши кунда, муборак дамларда қилинган ниятлар, албатта ижобат бўлгай!

## ТАДБИРКОРНИНГ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Қодирбердининг касби қурувчи. Тошкент политехника институтини битказгач, Беруний туманининг кўпгина хўжаликларида, "ЖанубийҚорақалпоқсувхўжалигиқурилиши" трестида муҳандис-қурувчи бўлиб ишлади. Мустақилликдан кейин ўзи туғилиб ўсган Ўрозбой Жуманиёзов номли фермер хўжаликлар бирлашмасига ёрдамчи хўжаликка раҳбар бўлиб келди. "Баҳодир ва К" фирмасини очди. Лекин Қодирберди Авазимбетовни кўп йиллардан буён қизилмия (буян) илдизини олиш, қайта ишлаб, экстракт ва концентрат тайёрлаш фикри безовта қилар эди.

"Интилганга толе ёр", деганларидек, уч йиллик елиб-югуришлар натижаси ўлароқ, Хўжайли туман ўрмон хўжалиги билан шартнома тузиб, Қорабойли участкасидан 10 гектар буянзор ажратиб олди. Экиш ва илдиз олишда анчагина тажриба тўплади. Тошкентдаги товар биржаси орқали 30 тонна буян илдизи хорижга сотилди. Эндиликда ишни кенг кўламда ташкил этиш мавриди келди. Мамлакат Ботаника, ўсимлик кимёси, фармацевтика институтлари олимлари билан ҳамкорликда қизилмия (буян) экиш, илдизини қайта ишлаш технологияси тайёрланди. 400 гектар ер ажратиб берилди. Маркетинг ишлари олиб борилди.

Энг муҳими, хорижлик ҳамкорлар топиш керак эди. Германиянинг Гамбург шаҳридаги "Юнус Трайдент ГМБХ" компанияси билан "Lico-Roots"



қўшма корхонаси тузилди. Ушбу бўлган қўшма корхона Наврўз байрами арафасида Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. Беруний туман ҳокимлиги кўмагида қўшма корхона учун бино ажратилди.

Тадбиркорнинг таъкидлашича, қизилмия (буян) илдизини Қорақалпоғистонда қайта ишлаш ҳар томонлама фойдалидир. Айни пайтда Оролбўйида қизилмия илдизини қазиб олиш, хорижга жўнатиш иши билан асосан "Қорақалпоқбуян" ҳиссадорлик бирлашмаси шуғулланади. Унинг Нукус, Кегайли ва Қўнғирот туманларида илдиз олувчи, буян экиш билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар бор. Аммо, пахта яккаҳокимлиги даврида буянзорлар бузилиб, пахта экилди.

-Бизнинг қўшма корхонамиз буян экиш, илдизини олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланади, - дейди Қодирберди Авазимбетов. – Демак, хомашё эмас, тайёр маҳсулот олинади. Экологик мураккаб вазиятда истиқомат қиладиган аҳолига сифатли дорилар тайёрлашга, лак-бўёқ саноатини ривожлантиришга ҳиссамизни қўшамиз. Яқин келажакда эса қишлоқ хўжалигида етиштирилган бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш имкони туғилади. Камида 400 кишилик янги иш ўринлари яратилади.

## ҚИЗИЛҚУМ ЯЙЛОВЛАРИДА

"Қизилқалъа" ширкат хўжалиги Қорақалпоғистондаги қоракўлчиликка ихтисослашган турдош 8 та хўжаликлар орасида пешқадамлардан ҳисобланади. Умумий майдони 63 минг гектарни эгаллаган Қизилқум яйловларидаги 40 та отарларда салкам 15 минг бош қўй-қўзилар боқилмоқда. Улар 3 та фермага бирлашган бўлиб, бугунги Наврўз байрами тантаналарида қатнашиш учун ҳар бир отардан бир чўпон хўжалик марказига таклиф қилинди. Наврўз байрами тантаналарини оқинлар айтишув билан бошлашди. Хўжаликдаги ёшлар ансамблининг хушовоз қизлари қорақалпоқ, қозоқ ўланлари ва термалари билан байрамга янгича руҳ бағишлади. Аммо аксар чўпон-чўлиқлар эса яйловларда, қўй-қўзиларни боқиш билан шуғулланмоқда. Шунинг учун ҳам "Қизилқалъа" овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Азамат Дарёбоев ҳамроҳлигида Қизилқум яйловларига йўл олдик.

Ака-ука ферма мудирлари Бектурсун ва Қувончбой Пўлатов бир кун олдин чўпонлар ҳузурига жўнаб кетишган экан. Бугун эса №3-ферма мудири Собир Қоражонов энг олис яйловларга отланди. Улар ўзлари билан йил-ўн икки ой қўй-қўзи изидан юрадиган қоракўлчиларга Наврўз совғалари беришди.

Шу куни марказдан 180 километр узоқликдаги Сипали яйловига етиб бордик. Баҳор нафаси билан Қизилқум ўзгача тус олган. Қум бетини кўк майсалар қоплаяпти. Юлғунлар ҳам кўк олаяпти. Бундай кўринишлар Қорасов, Тузқудуқ, Бузон, Қорасўр, Шақшақолган, Оқ уй, Сейил, Ойимтўбе, Шубартубе яйловларида ҳам кўзга яққол ташланади. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган чорвадор Сарсенбой оға Аҳмедов ўтган йилги натижани бу йил ҳам такрорлаш, яъни бир отардан икки отар олиш имкони бор эканлигини комил-ишонч билан таъкидлади.

-Чунки, - дейди тажрибали чўпон, - ёғингарчилик мўл бўлди. Ем-хашак етарли. Қўй-қўзилар соғлом. Раҳбариятимиз ҳам бизга етарли шароитлар яратиб берган. Раҳмат, бугун Наврўз байрами билан табриклашди.

Чўпонлардан Урозали Кеулов, Райҳон Алжонов, Жумаддин Оқхўжаев, Райбек Оқхўжаевларнинг кайфиятлари аъло, байрамона. Ҳаммаси қўзилатиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилганини мамнун ҳолда айтишди. Бироқ улар қоракўлчиликда ҳали ҳам ташвиш-у муаммолар бор эканлиги, айниқса, қоракўл тери, жун харид нархи қаноатланарли эмаслигини таъкидлашди.

* * *

"Бухон-Мерей" ширкат хўжалигининг "Чуқурқоқ" овули шундайгина "Қоратоғ – Учқудуқ" асфальт йўлининг бўйида жойлашган. Юзга яқин хонадон, 33-мактаб, қишлоқ врачлик пункти, кутубхона бор. Биз овулга келганимизда қувончли воқеа гувоҳи бўлдик.

Мактаб илмий бўлим мудири Бахитжон Сонсизбоев туман марказлашган кутубхоначилик тизимининг 15-филиали учун 2 хонали бино қуриб фойдаланишга топширган экан.

-Кутубхона мактабнинг битта тор хонасига жойлашган эди, - дейди Бахитжон. – Болалар билан маслаҳатлашиб, уй қошидан 2 хонали шинамгина бино қуриб олдик. Фарзандларим Жумағали, Мусоғали, Лизо, Асел ва ўзим ҳеч кимдан кўмак олмасдан ишладик. Қизим Асел шу филиал мудираси. 7123 дона ҳар хил адабиётлар бор. 510 китобхон фойдаланади. 3 жойда кўчма кутубхонаси бор. Ҳафта – ўн кунда янги китобларни яйловларга етказамиз. Хуллас, кутубхона нормал ишлаши учун баҳоли қудрат ёрдам берганимиздан мамнунмиз.

## "ТОЗА БОҒЁП"ЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

Кейинги йўлимиз Тўрткўл туманидаги "Тоза Боғёп" овулига бўлди. "Қирққиз-Гулдурсин-Тўрткўл" магистрал асфальт йўл бўйида жойлашган овулнинг маркази "Намуна" ширкат хўжалиги идораси олдидаги майдонга тумонот одам йиғилган. Дид билан безатилган столларда ҳар хил миллий кийимлар кийишган аҳоли Наврўз байрами тантаналарини бошлаб юборишган экан. Овулда бир неча миллат вакиллари оғзибирлик билан, тинч-тотув яшаб, яратувчанлик меҳнати билан машғул бўлишаяпти. Бугун ўзбеклар билан бирга қозоқ миллати вакили Асанбой оға Бектурдиев, Алишер оға Бисеров, туркманлардан Ҳожи оға Бегалиев, Қурбон оға, Нури оға Бердиев, узоқ Латвиядан келин бўлиб тушган Марианна Греткутте, юз билан юзлашган Сапарбой ота Наримов, Ободон момо Байрамовалар байрам дастурхонининг тўридан жой олишган. Ёшлар хизматда. Сумалак, кўк сомса, гўжа ва бошқа миллий таомлар дастурхонга пешма-пеш тортилаяпти.

Бир сўз билан айтганда тўкин-сочинлик. Ҳа, ҳавас қилса арзигулик мўлкўлчилик "Тоза Боғёп"ликларга насиб қилибди. Бу албатта, юртимиз тинчлиги, одамларнинг баракали яратувчанлик меҳнатларидан манфаатдор бўлиб, ер ҳақиқий эгаларини топганлиги шарофатидир. Хўжалик бошқаруви раиси Бобожон Сапоев тақдим қилган далилларнинг гувоҳлик беришича, "Намуна" Тўрткўл тумани фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликлари орасида ўтган йилни энг яхши кўрсаткичлар билан якунлаган. Яъни 512 гектарга чигит экиб, салкам минг тонна пахта топширилган. Пилла, ғалла, чорвачилик режалари ҳам кўзланганидан анча зиёд бажарилган. Айниқса, томорқалардан фойдаланиш бўйича ютуқлар алоҳида таъкидлашга арзигулик. Ҳар бир хонадондаги 24 сотих деҳқон хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳамиша Нукус, Тўрткўл, Қўнғирот бозорлари расталарини тўлдириб туради. Деярли барча хонадонларда боғ бор. Тилими тилни пайвандлайдиган қовунлар ҳам "Тоза Боғёп"ликлар шуҳратига шуҳрат қўшаяпти.

-Амалдаги йил мўл ҳосилига пух-



та тайёргарликлар кўрилди, - дейди раис Бобожон Сапоев. – 470 гектарга чигит экишни режалаштирганмиз. Экин-тикин ишларига барча нарса тахт. Шунингдек, 173 гектардаги кузги буғдойдан ҳам юқори ҳосил олиш ниятимиз бор. 67 гектарга шоли, 60 гектарга кунгабоқар экилади. 25 гектарда сабзавот, 20 гектарда полиз етиштирамиз. Барча пудратчиларимиз ана шу мақсадларга эришиш учун комил ишонч билан баракали меҳнат қилаверади. Чунки улар қанча кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашса, манфаатдорлиги шунча ортади.

...Раис ҳақ гапни айтди. Қаерда манфаатдорлик кўнгилдагидек бўлса, ўша жойда тўю томоша ҳам кўп бўлади. Бундай лафзи ҳалол инсонларга Найрўз байрамини хушхандон ўтказиш ҳам хўб ярашади.

* * *

Биз бориб кўрган овуллар-у яйловларда Наврўз тантаналари кўтаринки руҳда, миллий ўйин-кулгилар, спорт мусобақалари, ҳар хил томошалар, тўкин дастурхонлар ёзилган ҳолда ўтди. Айниқса, ёшлар орасида ота-боболаримиз яратган мумтоз ашулалар-



ни давом эттирувчи талант соҳиблари кўпайгани, елкаси ер искамаган полвонлар етишиб чиққани қувонарли бўлди. Тантаналар қатнашчилари бир-бирини мустақил мамлакатимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашди.

Биз ҳам Оролбўйига хуш келибсан, азиз Наврўз, деймиз.

Зеро, шоир айтганидек:

**Истиқлол шонини қучган эй диёр,**
**Бағрингда яшасин ҳамиша баҳор!**

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!
MEDICAL COTTON INTERNATINOL LTD
ЎЗБЕКИСТОН ЛИХТЕНШТЕЙН ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИНИ НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.КЕЛГУСИ ИШЛАРИГА ЮТУҚЛАР, СОҒЛИҚ, МУСАФФО ОСМОН ТИЛАЙДИ. ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТИШДА ЗАФАРЛАР ЁР БЎЛАВЕРСИН!

**Водийларни яёв кезганда**




***Бахмал тумани инсониятнинг илк бешиги тебранган обод ва сўлим гўшалардан биридир. Тоғ-қоя тошларига ибтидоий одамлар чизиб қолдирган ов тасвирлари, тош асри топилмалари – қайроқтошлар, давлат пойтахти мақомидаги Сарюзи қўрғони, Данғара тепа қолдиғи, Науқат шаҳри харобалари, Нўша Равон йўли бунга гувоҳ.***



Бахмалда асосан чорвачилик билан шуғулланган қадимий сўғд қабилалари ўтроқ бўлмаган ҳолда ҳаёт кечирганлар.

Археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Бахмалда кушонлар даврида хўжалик жиҳатдан анчагина юксалиш бўлиб, ирригация иншоотлари бирмунча ривожланади. Қадим Бурнақан (ҳозирги Сарюзи) қўрғонига Туркистон тоғ тизмаси этагидан дарёнинг ҳар икки соҳили бўйлаб сопол қувурлар орқали ер ости канализацияси келтирилган.

Бахмалликларнинг аждодлари бундан икки минг йил бурун сунъий суғориш шохобчаларини амалда синай бошлаганлар. Сувсиз майдонлардаги экин ерларига ҳаёт бағишланган. Бутун Туркистон тоғ тизмаси этаклари бўйлаб, айниқса, Қорабулоқ, Олдошмон, Бойкўнғир, Палохмоннинг кўз илғамас кенгликларидаги кўҳна канал типидаги ариқ излари, боғу роғ ва серунум далаларнинг полиз қолдиқлари, катта-кичик ҳовуз ўринлари ҳозиргача кишини ҳайратда қолдиради.

Қорабулоқ қишлоғидаги кўҳна ариқ ўзанидан топилган тубида тешиги бор сопол кўза антик сув ўлчови вазифасини ўтаганлиги ўзига хос антиқа кашфиётдир.

Ҳозирда ҳам Бахмал тумани ерларининг каттагина қисмини сув билан таъминлайдиган Туятортар канали ҳам боболардан қолган қадрли меросдир.

Сангзор дарёси билан туташувчи бу муҳим канал қурилиши билан боғлиқ турли ривоятлар бор. Каналнинг Туятортар деб номланиши ҳақида ҳам антиқа ривоят бор:

Эмишки, канал ишлари авж олган пайтда қўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезилиб, хон бир бойга қирқ нафар қарол беришни амр қилибди. Бой эса амрингиз бош устига, қирқ ишчи берайми ёки қирқ ишчи юмушини уддаловчи бир ишчи берайми? - дебди.

Хон бир кишига рози бўлибди. Бой қаролни чақириб хон навкарларига топширибди.

Маълум бўлишича, бу одам ниҳоятда тақводор бўлиб, Қуръон оятларини такрор-такрор қироат қилар, қиладиган иши эса фақат канал йўналишига белги қўйиб беришдан иборат экан. Унинг бу юришини кўролмаган ғанимлар кунлардан бир куни қарол саждага бош экканда бўйнига қилич солишибди. Танадан айрилган бош пастликка юмалаб, у тўхтаган ерда оқ туя пайдо бўлади. Шундан сўнг канал йўналишини то Аламли қишлоғигача шу туя белгилаб берган. Нима бўлганда ҳам ота-боболаримиз устига оғир юк ортилган туянинг мумкин қадар текис йўл танлаб юришини яхши билишган ва ундан канал қурилишида унумли фойдаланишган. Шунинг учун ҳам мазкур канал Туятортар деб номланган экан.

## САНГЗОР ШИДДАТИ

Сангзор унча катта дарё эмас, лекин энг тез оқади. Шунинг учун кўп жойни сув билан



таъминлайди. Бахмалликларнинг шиддати ҳам шу дарёга ўхшайди. Қолаверса, Бахмалнинг беўхшов табиатидаги тантилик, гўзаллик одамларининг қалбига саховат, мардлик бўлиб кўчган.

Кейинги йилларда Бахмал туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўринда бозор муносабатларини қарор топтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни янги технологиялар асосида юксалтириш, янги иш жойларини ташкил этиш, демократик жамиятга мос бозор инфраструктурасини такомиллаштириш борасида катта тажрибалар қўлга киритилди. Туманда янги саноат корхоналарининг ишга туширилиши кўплаб янги иш ўринларини юзага келтирди. Туманда ҳам кўплаб хусусий тадбиркорлар ва фермерлар эркин фаолият юритишиб, юрт фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўшишаётир.

Мавжуд имкониятларни излаб топганликлари натижасида кейинги йилларда туман иқтисодиётида юксалиш кўзга ташланаётир. Туманда саноат корхоналари томонидан ўтган йили 5895,0 минг дона ғишт, 230 тонна оҳак, 25,3 декалитр арoқ, 30,1 декалитр вино, 48 минг дона минерал сув, 25 минг дона яхна ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Янги саноат корхоналарини барпо қилиш, мавжудларини янги замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш учун туманга четдан 113 минг АҚШ доллари қийматига тенг янги технологик ускуналар олиб келинди.

Бахмал катта имкониятларга эга туман. Фақат изланиш ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш керак. Буни бахмаллик иқтидорли тадбиркор инсонлар аъло даражада эплашаётир. Бу заминдаги шифобахш булоқларнинг сувини ичган киши минг дарддан фориғ бўлади. Ҳозирги вақтда Бахмал шифобахш суви қадоқланиб, савдога чиқарилаётир. Бу сувни қўшни давлатларга ҳам олиб кетишаётир.

Бахмалнинг тоғларидаги ўсган.ҳар бир гиёҳи ҳам, суви ҳам, тоши ҳам бойлик. Бу муболаға эмас. Бахмалда мармарнинг энг аъло нави қазиб олинмоқда.

Туманда ўтган йили Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигидаги "Самарқанд консерва" қўшма корхонасининг "Бахмал консерва" шўъба корхонаси очилди. Айни пайтда ушбу шўъба корхонани мустақил корхонага айлантириш чоралари кўрилмоқда. Корхонада шу йилдан бошлаб йилига ўртача 625 тонна томат пастаси, 171 тонна олма концентрати ишлаб чиқариш ва ҳар йили ўртача 250 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилиш мўлжалланаётир.

## "ТАШАББУС"НИНГ АҲАМИЯТИ

Иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти ҳар бир фуқаронинг ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намойиш этишга, ўз юртининг, ўз оиласининг фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Истиқлол туфайли одамлар онгида юз берган ўзгаришлар, боқимандалик кайфиятининг аста-секин йўқолиб бориши, иқтисодиётимизни юксалтиришнинг муҳим шарти бўлган хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имконини берди.

Бахмал туманида ҳам тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Туман ҳокимининг қарорига асосан "Туманда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаш" тузилган бўлиб, у мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бахмалда ҳозирги кунда 1134 та хўжалик юритувчи субъект фаолият юритмоқда. Якка тартибдаги тадбиркорлар сони эса 961 тани ташкил этади. Улар маҳаллий бюджетга ўтган йили 38596 минг сўм пул туширишди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда тадбиркорлар ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловларининг аҳамияти катта бўлаётир.

Натижада туманда ишлаб чиқарилган халқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорида хусусий секторнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётир. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ишлаб чиқаришдаги улуши саноатда юз фоизни, қишлоқ хўжалигида 93 фоизни, маиший хизматда 68 фоизни, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда 40 фоизни ташкил этди.

Маълумки, бозор ва бозор муносабатларини мулк эгалари пайдо бўлмасдан тасаввур қилиш қийин. Чунки бозор, иқтисодий эркинлик ўзига хос кишилар – мулк эгаларисиз амал қилолмайди. Ҳар қандай иқтисодий ривожланган мамлакатда ҳал қилувчи куч мулкдорлар синфи ҳисобланади.

Бахмалда ҳам истиқлол туфайли мана шундай мулкдорлар пайдо бўлди ва бўлмоқда. Демак, келажакда туманнинг. иқтисодий ривожланиши учун ишончли замин бор. Булар Бахмалнинг шижоатли тадбиркор инсонларидир.

## МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

Бахмалдаги кўплаб қишлоқларнинг номлариёқ узоқ тарихимизнинг қайсидир даврларидан ёдгорлик бўлиб қолганлиги бу заминнинг ўтмишдаги ўрнига бир ишорадек. Қўрғонтепа, Данғара, Оққўрғон, Нўшкент, Сарюзи қўрғони, Ўсмат, Новқа, Темирқадам қишлоқларининг барчаси қадим тарихнинг изларидир.

Сойқишлоқ яқинида топилган "Сукунат" тепалиги зардўштийлик динига оид энг мукаммал даҳма сифатида катта аҳамиятга эга обидадир. Молгузар тоғидаги Қирқ чилтон ғори ҳақида эса кўплаб афсона ва ривоятлар бор. Ушбу тоғнинг энг баланд чўққисида Малик Аждар зиёратгоҳи бор. Бу улуғ зотнинг асл исми Абдумалик бўлиб, Малик Аждар лақабидир.



Ривоят қилишларича, бу улуғ зот ислом оламининг донгдор намоёндаси бўлган. У киши ислом динини тарғиб қилиш учун Моварооуннаҳрга келган. Ҳазрат инсон маскан қурган бу тоғ чўққисига хонақоҳ қурилган, пастида булоқ бор. Ҳайратланарлиси шундаки, булоқ суви қалқиб туради: на оқади, на қурийди. Бу мўъжизавий булоқ сувидан ичиш, сахоба қадамжосини тавоф қилиш учун узоқ-яқиндан келган зиёратчилар қадами узилмайди.

Туман марказидаги Қўрғонтепа пойида эса ҳазрат Усмон ота зиёратгоҳи бор. Бу киши ҳақида Самарқанддаги Шоҳи Зинда ривоятига ўхшаш ҳайратли афсона кезиб юради. Ҳазрат кофирлар таъқибидан қочиб, шу тепа пойига яширинади ва сирли равишда ғойиб бўлади. Замонлар ўтиб, эътиқодга собит халқимиз бу жойни муқаддас деб билган ва мўъжазгина ҳужра қуриб, ичига ҳазрат Усмон ота учун рамзий тобут қўйдилар. Ўсмат номи ҳам Усмон ота номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки тарихий асарларда Ўсмат шаҳарчаси Ўсманд, Усманд, Усмат, халқ орасида эса Ўсмат ота номлари билан тилга олинади.

Бахмалдаги Темирқадам қишлоғининг этагида бутун мусулмон оламига машҳур бўлган Хўжа Кўндаланг зиёратгоҳи бор. Ривоят қилишларича, у киши ислом оламининг танилган сахобаларидан бири бўлиб, асли исми Хожа Зайниддинхон бўлган. Оллоҳнинг суйган бандаси бўлган бу улуғ зот ислом оламига келган барча балоларга кўндаланг туриши шартини қабул қилган экан.

Оймоқ чўққиси пойидаги зиёратгоҳни аксарият кишилар Новқа ота деб атайдилар. Аслида бу муқаддас жой Биби Нақадир. Демак, Нақа лақабли туя миниб келган аёл шаънига қўйилган.

Ривоятга кўра қадим замонда бир подшоҳ ўтган бўлиб, унинг гўзалликда тенгсиз ягона



қизи бўлган экан. Қиз балоғат ёшига етганда ғойибдан ҳомиладор бўлиб қолади-ю, отасининг қаҳрига дучор бўлади. Бу айтиб бўлмас сирни сирлигича сақлаб қолиш учун подшоҳ қизини эл уйқуга кетганда Нақа лақабли нор туяга миндириб юртидан номаълум томонга ҳайдайди. Узоқ йўл босган ҳомиладор қиз бир тоғ пойига келиб, тўлғоқ ҳиссини сезади. Туясини чўктириб панароқ жой излашга тушади. Бу жой ҳозир ҳам Норчўкти ошуви, деб аталади. Тоғ томонга талпина-талпина ҳозирги булоқ ўрнига йиқилиб, кўз ёради. Гўдаги ва ўзини поклаб олиш илинжида сув излайди. Сув тополмай гўдаги ёнига қайтиб келса, унинг ер тирнаётган бармоқлари орасидан зилол сув чиқиб ётган эмиш. Лекин кўп ўтмай она-бола шу ерда оламдан ўтади. Ҳозир ҳам ушбу булоқда беш панжа изидан сув чиқиб турибди.

-Бахмалнинг ҳар бир қаричида кўҳна тарих мужассам,- дейди тумандаги «Дониёр» фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали деҳқон Мавлон Исмоилов.-Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

## БАҲОДИРЛАР ЧИҚАДИ БУНДАН

Бахмалда қадим-қадимдан от спорти, яъни кўпкари жуда ривожланган. Халқда чавандоз полвонларни ниҳоятда ҳурмат қилишган, эъзозлашган. Бахмал табиати бу ерда яшовчиларнинг жисмоний жиҳатдан кучли бўлишига ёрдам берган. Кўплаб бахмаллик полвонлар довруғи узоқ-узоқларга таралган.

Албатта, полвон бўлиш, спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароит керак. Туман ҳокимияти ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш учун қишлоқларда, асосан мактабларда спорт билан шуғулланиш учун барча имкониятларни ишга солаётир. Ўтган йили бир неча спорт иншоотлари ишга туширилди.

Ҳозирги кунда Бахмалда 475 та спорт шохобчаларида саккиз мингга яқин ёшлар спортнинг 8 тури билан мунтазам шуғулланаётир. Бу йил эса ҳар бир мактабда спорт зали қурилиши режалаштирилаётир. Бу ишлар асосан ҳашар йўли билан амалга оширилади.

Насиб этса яқин йилларда жаҳон спорт ареналарида бахмаллик спортчилар юртимиз шарафини ҳимоя қилиши шубҳасиз.

## ОҚ ТОНГЛАР, ОППОҚ ТОНГЛАР

Бахмалда кишини ҳайратга соладиган нарса-бу ерда ўзгача гўзаллик билан тонг отади. Қуёшнинг илк шуъласи Ойқорнинг чўққиларидаги азалий қорликларга тушганда ҳали пастликни туннинг сурмаранг пардаси тарк этмаган бўлади. Тоғ чўққиларидан бошланган ёруғлик уни секин-секин кўздан узоқлаштиради.



Шунинг учун Бахмалда тонг оппоқ бўлиб отади. Бу Ойқор тоғларидаги азалий қорликлар билан боғлиқдир. Маҳаллий халқ: "Шу тоғдан қор кетса, дастурхондан нон кетади" дейишади. Ҳақиқатда бу тоғларда йил бўйи қор туради.

Бутун табиат уйғонди. Бахмалликлар эртанги кун ризқ-насибасини яратиш учун зўр шижоат ва ғайрат билан ишга киришдилар. Улар Бахмалнинг оқ тоғлари каби гўзал туманнинг порлоқ келажагини яратиш иштиёқидалар. Уларнинг ниятлари ҳам Ойқор тоғларидаги қордек оппоқ ва боқийдир.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

# АЙДАРКЎЛДАН ҚЎЙ СУҒОРГАН ЧЎПОНЛАР

Арафа



**Нурота тизма тоғлари этагида жойлашган “Нурота” наслчилик ширкат хўжалигининг бепоён яйловларига ҳам кўклам ўз сепини ёйди. Қир-адирлар кўм-кўк тусга кириб, гўё бахмалдек товланади.**

Узоқ-узоқларда кўзга чалинадиган чўпон отарлари гўё яшил уммон узра сузиб бораётган оппоқ кемаларга ўхшайди. Адоқ тарафда эса узунасига чўзилиб кетган Айдаркўл офтоб нурида зарҳал тасмадек жимирлаб товланади. Хуллас, кўкламда бу маскан ҳам бениҳоя гўзал қиёфага кириб, яшнаб кетади. Тўғриси, бундай тароватли манзарани мукаммал тасвирлашга қалам ҳам ожизлик қилади.

“Нуроталик” чорвадорлар ушбу дамларни орзиқиб кутишган эди. Чунки ҳадемай улар учун ҳам масъулиятли давр — қўзилатиш мавсуми бошланади. Улар ана шу тадбирни бекаму кўст, пухта ўтказиш учун аллақачон барча зарур чораларни кўриб қўйишган эди. Насиб этса, бу йил ҳам юзлари ёруғ бўлишларига чўпонларнинг ишончи комил.

-Хўжалигимиз меҳнаткашлари, барча пайчилар чорвачилик ва деҳқончиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Президентимиз фармонлари ҳамда ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга татбиқ этишга астойдил ҳаракат қилишмоқда, - дейди “Нурота” наслчилик ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Зайнутдин Омонов. — Натижада хўжаликнинг иқтисодий салоҳияти йиллан-йилга мустаҳкамланиб бораяпти. Мисол учун, ўтган йили мавжуд 29 минг 908 бош совлиқдан ўртача 110,5 тадан қўзи олинган эди. Шунинг 22 минг 246 боши ўстиришга қолдирилди. 7,5 минг дона сифатли қоракўл тери олиниб, ҳар бири ўртача 8500 сўмдан сотилди.



Дарҳақиқат, хўжалик чорвадорлари кейинги пайтларда ушбу тармоқда сезиларли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Республикамизда қоракўлчиликни янада ривожлантириш, унинг довруғини дунёга ёйишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишаяпти. Бунинг учун тармоқда иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштириш, наслчилик ишларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Дарвоқе, “Нурота” чўпонлари ва мутахассислар ҳамкорлигида сур қоракўл қўйларининг “Олмос”, “Зармалла” сингари бир қанча истиқболли типлари яратилганлиги ҳам шундан далолат беради.



Кези келганда, яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Самарқанд шаҳрида уюштирилган наслли қўчқорларни сотиш бўйича республика аукционида хўжалик чорвадорлари биринчи ўринни эгаллашди. Улар савдога қўйган наслли қўчқорларнинг ҳар бири нақ 210 минг сўмдан нархланди.

Яқинда бир гуруҳ ўзбекистонлик чорвадорлар ва мутахассислар Копенгаген халқаро мўйна марказининг таклифига биноан у ерда бўлишиб, улкан аукционда иштирок этиб қайтишган эди. Ана шу иштирокчилар орасида “Нурота” ширкат хўжалиги раҳбари Зайнутдин Омонов ҳам бор эди.

-Дания сафари чоғида дунёнинг турли чеккаларидан ташриф буюрган ҳамкасбларимиз билан учрашиб, ўзаро фикр алмашдик, - дейди Зайнутдин ака. — Жаҳон бозорида қайси турдаги қоракўл териларга талаб юқори эканлиги билан ҳам қизиқдик. Маълум бўлишича, ҳозир қалам гулли, қовурға гулли, ясси гулли қоракўл териларининг бозори чаққон экан. Биз ҳам келажакда ушбу маҳсулотнинг ноёб, харидоргир турларини яратиш устида иш олиб бораяпмиз. Ишқилиб, яқин келажакда Копенгаген аукционида ўзбек қоракўлларининг ҳам довруғ таратишига ишончимиз комил.

“Нурота” наслчилик ширкат хўжалиги аъзолари нафақат чорвачилик, балки лалми деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб, яхши натижаларни қўлга киритишаяпти. Айниқса, ўтган йил бу борада жуда баракали келди. Улар мавжуд 1886 гектар майдонга лалми ғалла экиб, ҳар гектаридан режада белгиланган 10 центнер ўрнига амалда ўртача 18 центнердан ҳосил олишди. Давлатга 652 тонна сара дон топширилиб, бу борадаги шартномавий режа 144 фоизга удаланди.

2002 йили хўжаликда жами 611 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шундан 169 миллион сўм соф фойда олинди. Самарадорлик 38,2 фоизга етказилди ва ушбу кўрсаткич олдинги йилдагига нисбатан 3 фоизга оширилди. Эътиборли жиҳати, чўпонларнинг ҳар бирининг ойлик маоши ўртача 56 минг сўмданга тўғри келди. Бу эса уларнинг ўз ишларига бўлган муносабатини янада яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Табиийки, хўжаликнинг иқтисодий қуввати нечоғли юксалса, бундан биринчи галда унинг аъзолари, пайчилар манфаат кўришади. “Нурота”да йиллик фойда ҳисобидан қарийб 17 миллион сўм пайчиларга дивиденд сифатида тарқатилаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

-Бултур кам даромадли оилалар, ёлғиз қариялар, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига умумий ҳисобда 8,5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатдик, - дейди хўжалик етакчиси. — Режадан ортиқча етиштирилган ғалла ҳисобидан 26 тонна буғдойни ҳам бепул улашдик. Кам қонли аёлларга дори-дармон ва ўқувчиларга дарсликлар сотиб олиш мақсадлари учун ҳам 500 минг сўм ажратилди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан хўжалик марказида бунёд этилган “Отахонлар чойхонаси” кексаларимизнинг энг севимли масканига айланган.



Бу ерда аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда янги тегирмон, гилам ва кигиз ишлаб чиқарувчи, тикувчилик, бетон ғишт тайёрлаш цехлари ташкил этилган. Бундай хайрли тадбирлар натижасида қўшимча 83 та ишчи ўрни юзага келганлиги таҳсинга сазовор.

Таъбир жоиз бўлса, ҳар қатра сув тиллога тенг бўлган “Нурота” ширкат хўжалигида одамлар омилкорлик билан иш юритиб, боғдорчилик соҳасини ҳам ривожлантиришга ҳаракат қилишаяпти. Хусусан, улар томчилатиб суғориш усули билан 40 минг туп мевали дарахт ниҳолларини парваришлашмоқда. Ишқилиб, яқин вақтлар ичида хўжалик ўзининг шириндан-шакар олма-ю анорлари, ўрик ва шафтолилари билан ҳам тилга тушса, ажабмас. Ўтган йили 18 оила ижара шартномаси асосида Фозилмон тоғи этакларида картошка экиб, яхши ҳосил олишган эди. Ана шу усул бу йил ҳам давом эттирилади.

Сирасини айтганда, “Нурота”лик чорвадору деҳқонлар ҳам кўнгилларига бир дунё орзу-умидларни тугиб яшашаяпти. Уларнинг эртанги эришажак ютуқлари бугунгидан-да залворлироқ бўлишига ишончимиз комил.

**Ғ.ЭШМУРОДОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

**Суратлар Б. АКРАМОВники.**

*Мана, бугун Наврўзи олам,*
*Дўстларимга гуллар тутарман.*
*Қайлардасан, севгили эркам...*
*Қўлимда гул, сени кутарман,*
*Умрим бўйи чорлаб ўтарман:*
*-Сен баҳорни соғинмадингми?*

**Абдулла ОРИПОВ**


**МУЛКИ АЗИМ, ТАРИХИ ҚАДИМ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**



***Бугун биз ҳурмиз, бахтиёрмиз. Тер тўкиб қилган меҳнатлар маҳсулини ғанимлар ташиб кетадиган замонлар ортда қолди. Ўзбекистоннинг номи ёнига “Мустақил” деган муборак сўз олтин ҳарфлар билан ёзилди. Бу кунларнинг қадрига етиш, аждодлар руҳини шод этмоқдир. Истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида тадбиркору ишбилармонлар қўлни қўлга берайлик!***



***Бухоролик тадбиркорлар номидан хусусий тадбиркор Л.Ҳаётов барчангизни диллерга қувончлар билан кириб келган мўъжизакор Наврўз билан муборакбод этади. Илоҳо толеларимиз нурли бўлсин!***





**ШОДЛИКЛАР МАЛИКАСИ – НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

***Жаҳон илму фани ва маданиятига Абу Али ибн Синодек улуғ алломани, Имом ал-Бухорийдек буюк муҳаддисни, Рудакийдек беназир шоирни, тожик ва ўзбек халқининг мутафаккири Аҳмад Донишни, ёзувчи Садриддин Айнийдек жамоат арбобини, Абдурауф Фитратдек атоқли олим ва маърифатпарварни етиштириб берган Бухоро замини муқаддасдир. Шу тупроқда ризқ-насиба — дон ундираётган ва уни қайта ишлаб, эл дастурхонига тортиқ этаётган “Бухородонмаҳсулотлари” ҳиссадорлик жамияти жамоаси мамлакатимиз аҳлини баҳор айёми — Наврўзи олам билан табриклайди.***



# МОЛИЯВИЙ МАДАД МЕВАСИ

***Банкимиз Наманган вилояти иқтисодида салмоқли ўрин тутади. Шаҳар ва туман бўлимларида 5,4 мингга яқин мижозга универсал банк мақомида хизмат кўрсатиб келинмоқда.***

Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири этиб банк капиталини ошириш, мижозларга юқори даражада банк хизматларини кўрсатиш, самарали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш орқали мустақил мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшиш, деб белгилаб олганмиз.

Агар ўтган йилга назар ташлайдиган бўлсак, берилган кредитнинг умумий миқдори 7 миллиард 255 миллион сўмдан ортди. Улар асосан қишлоқ хўжалиги, саноат, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, 2002 йилда ажратилган 6 миллиард 31 миллион сўм кредит мижозлар томонидан самарали фойдаланилиб, банкка ўз вақтида қайтаришга эришилди. Банкимизнинг асосий барқарорлик кўрсаткичи бўлган жамланма капитал 2 миллиард сўмга етиб, бу ўтган йилгидан 600,9 миллион сўмга кўпдир.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг иқтисодий пойдеворини таъминлаш ва хусусий мулкчиликни ривожлантиришда "Пахта Банк" юритаётган барқарор фаолиятнинг аҳамияти катта. Биргина пахта йиғим-терими мавсумини оладиган бўлсак, теримчи ва ҳашарчиларнинг иш ҳақи учун 6 миллиард 343 миллион сўм нақд пул берилди ва унинг мақсадли ишлатилиши ишчи гуруҳи томонидан назорат қилиб борилди. Қишлоқ хўжалиги, таъминот-тайёрлов ва саноат корхоналарининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича мониторинг ўрнатилган. Ўтган йили ушбу корхоналарни ривожлантириш учун жами 3 миллиард 354 миллион сўм қисқа муддатли кредит ажратилди ва 1 миллиард 330 миллион сўмлик факторинг хизмати кўрсатилди.

Жумладан, "Ўзагромашсервис" тизимидаги корхоналарга эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 51 миллион сўм кредит ва 557,7 миллион сўм факторинг ажратилди. Бу маблағлар кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ инфратизилмасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Чунончи, уруғ, ўғит, техника, нефть маҳсулотлари учун ҳамиша кредит линиялари очиқ.



Уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларда газ ва сув ўлчаш асбоб-ускуналари ўрнатиш дастури алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, ҳамон газ ва сув ўлчагич асбоблари ўрнатиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Ажратаётган кредитларимиз қисман бўлса-да, ана шу хайрли мақсадга сарфланмоқда. "Вилоятгазтаъминот" шўъба корхонасига газ ўлчагичлар сотиб олиш учун 20 миллион сўм кредит ажратиб, бу борадаги муаммоларнинг ечимига ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кредитларимиз хўжалик ва корхоналарнинг узлуксиз, бир маромда фаолият кўрсатиши, маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2002 йил 17 декабрдаги йиғилиши баённомасига асосан фермер хўжаликларидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини кредитлашни ташкил этиш самарали йўлга қўйилган. Санацияга тортилган ширкат хўжаликларининг молиявий ҳолатлари ойма-ой таҳлил қилиб борилмоқда. Улардаги дебиторлик-кредиторлик қарзлари аҳволи, махсус ҳисоб рақамига тушган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳам доимий назоратда.

**Хизмат**

Юқорида таъкидлаганимдай, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш фаолиятимизда етакчи ўрин тутади. Ўтган йили бундай субъектларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори бир миллиард 320 миллион сўмдан ортиб кетди. Ушбу кредитларнинг бир миллиард 101 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келади. Имтиёзли микрокредит миқдори эса 472 миллион сўмга етди.

Ўтган йили ана шу кредитлар ҳисобига 1100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Шунинг қарийб 40 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига тўғри келади. Бу тармоқда фаолият бошлаган тадбиркорларга 379 миллион сўм кредит берилиб, бунга улар техника, асбоб-ускуналар, уруғлик, чорва моллари сотиб олишди.

2002 йилда фермер хўжаликлари вилоятда етиштирилган ғалланинг 16 ва пахтанинг 21 фоизини етказиб беришди. Эндиликда улар орасида йирик мулкдорлар, катта ер эгалари пайдо бўлди. Табиийки, бу ҳол техника ва ускуналарга бўлган талабни ҳам оширмоқда. Мулкдорларнинг ана шу эҳтиёжини қондириш учун трактор сотиб олишга ҳам кредит бериш йўлга қўйилди. "Пахта Банк" вилоят бошқармасининг Поп туман бўлими томонидан Аҳмад Яссавий номли (280 гектар ери бор) ҳамда "Мунаввар тонг" (73 гектар) фермер хўжаликларига ўз маблағларимиз ҳисобига 7 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. Шу ўринда яна бир гап: натижада ҳар икки фермер хўжалиги ҳам пахта-ғалла етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришиб, давлат буюртмасини биринчилар қатори адо этди. "Она ер саховати" кичик корхонаси (Мингбулоқ тумани) эса бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан берилган 25 миллион сўм кредитга мева қуритиш линияси сотиб олди. Бунинг самараси шу бўлдики, қишлоқ шароитида янги иш ўринлари бунёдга келди, аҳолининг боғ ва томорқасида етиштирилган хом ашёни шу ернинг ўзида қабул қилиш ва қайта ишлаш имкони пайдо бўлди.

Фаолиятимиз муваффақиятини таъминлаётган муҳим омиллардан яна бири узлуксиз ишлаб турган минибанклардир. Улар компьютер ва бошқа техник воситалар, "модем" алоқаси билан таъминланган. Биргина Поп туманидаги минибанк 320 га яқин мижозга намунали хизмат қилмоқда. Учқўрғон тумани марказидан 12 километр олисдаги чекка Қўғай қишлоғидаги бундай шохобча ҳам мижозларимизни кўпайтириш билан бирга уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Айни пайтда АТ "Пахта Банк" вилоят бошқармаси томонидан хорижий кредит линияси ҳисобидан кредит олиш учун 9 та лойиҳа тайёрланган. Чуст туман агрофирмаси қошида мевадан шарбат ва пюре тайёрлаш лойиҳаси Бош банк томонидан маъқулланди. Ҳозирда ушбу лойиҳа экспертиза учун ва келгусида молиялаштириш учун ЕТТБга тақдим этилган. Бунинг учун 1 миллион 780 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш кўзда тутилган.



Умуман, жорий йилда бизнес-режага мувофиқ 6 миллиард 641,1 миллион сўм қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш режалаштирилган. Йил давомидаги фаолиятимиздан 738 миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаб турибмиз. Шу кунларда пластик карточкали тўлов тизимини жорий этиш, савдо шохобчаларига терминаллар ўрнатиш режалаштирилмоқда. Банк жараёнлари бўлимида банкомат ўрнатилди ва ишга тушди.

Мақсадимиз ўрта ва узоқ муддатли кредитлар салмоғини кўпайтириб, иложи борича кўпроқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган. Бу билан хизмат сифати яхшиланиб, барқарор мижозлар сони кўпаяди ва берган кредитларимиз самарадорлиги ортади.

**Муҳаммадали НИЁЗОВ,**
**акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи.**

# ДУО ОЛТИН ЭМАСМИ?

***Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги Ховос бирлашган шифохонаси ҳовлисига кирган одамнинг бу ердаги файзу тароватни кўриб, бахри-дили очилади.***



Қўли гул ижодкор, истеъдодли усталарнинг меҳнатлари туфайли бу ер энг чиройли масканларидан бирига айланибди. Муолажа хоналари, палаталар, ошхона, коридорлар дид билан безатилгани кишининг кайфияти, руҳини кўтаради. Йўлакчалардаги юмшоқ поёндозлардан юрар экансиз, ўзингизни пойтахтдаги нуфузли санаторийдагидек ҳис қиласиз. Демак, марказдан узоқда, чекка бир шаҳарчада ҳам шундай шароитларни яратса бўларкан. Ҳамма гап ташкилотчиликда экан.

-Ички касаллар бўлимида даволандим, - дейди меҳнат фахрийси Абдуллажон Ширинбоев, - шифокорларга минг раҳмат, дардимга даво топишди, дори-дармон, шароитларни айтмайсизми, беморларга эътибор кучли.

Темир йўл фахрийси Келдиёр Қаршиев, Янгиер шаҳридан тиббиёт билим юрти ўқитувчилари Г.Убайдуллаева, С.Нормуродовалар ўз миннатдорчиликларини ёзиб қолдиришибди.

-Беморни тезроқ, яхши даволаш учун энг аввало тўғри ташхис қўйиш керак, - дейди шифохона бош шифокори Абдуғани Вайдуллаев. – Аниқ ташхис учун эса замонавий диагностика аппаратлари керак. Бизда ана шундай замонавий тиббий технологияга асосланган диагностика ва муолажа аппаратлари: рентген, компьютер кардиограмма, УЗИ аппарати, ошқозон-ичакни текширув эндоскопия аппарати ва 60 миллион сўмлик турли аппаратлар мавжуд. Яқинда 10 миллион сўм турадиган ингалятор ва Чехияда тайёрланган когулятор олдик. Буларнинг ҳаммаси беморлар хизматида.

Шифохонада Отамурод Турдимуродов, Омонбой Очилов, Ўлмасқул Ғойипов, Матлуба Шокирова каби тажрибали шифокорлар беморлар дардига даво топишяпти. Ўғилой Нурмуҳамедова, Сайёра Ражабова, Муҳаббат Ортиқова, Марҳамат Мадаминова каби ҳамшираларнинг маҳоратидан, меҳрибонлигидан беморлар ҳамиша хурсанд бўлишяпти.

Эътироф этиш керак, айрим

**Тиббиёт**

шифохоналарда таъмирлаш ёки жиҳозлар олиш учун маблағ топилмаслиги мумкин. Шифохона бу ишларга маблағни қаердан топаяпти?

- Ойига 1,5 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатамиз, - дейди Абдуғани



Вайдуллаев. – Биз кўпгина ишларни, яъни, таъмирлаш ишлари ва бошқа харажатларни қоплаш учун маблағни ўзимиз топамиз. Давлат бизга қачон таъмирлаб берар экан, деб кутиб ўтириш, бугунги замон раҳбарига ярашмайди. Бизда асосан темирйўлчилар ва уларнинг оилалари бепул даволанади. Лекин шу билан бирга пуллик хизматни ҳам ташкил қилганмиз. Бошқа беморлар учун шартнома асосида барча хизмат тури прейскурантини тузиб, муолажа хоналарига осиб қўйганмиз. Барча даволаш ишларини юқори даражада бажарганлигимиз туфайли бошқа жойлардан ҳам шифо истаб келишади. Мисол учун жарроҳлик бўлими энг замонавий аппаратлар билан жиҳозланган. Лазер ва сунъий нафас олдирувчи аппаратлар ёрдамида энг мураккаб операциялар ҳам муваффақиятли ўтказилаяпти. Жарроҳлик бўлимида ошқозон резекцияси, ўт-тош касалликлари, холиситит, эхинакок (жигар ва ўпкадаги), бачадон ўсимталари, қулоқ, бурун, томоқ касалликлари бўйича жарроҳлик амаллари муваффақиятли ўтказилмоқда.

Беморлар дардига дармон топиш, унинг ташвишига шерик бўлиш, ҳамдардлик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Йилига 2,5 минг нафардан зиёд беморлар даволанадиган каттакон бир шифохонани бошқариш, унинг майда-чуйда муаммоларидан бошлаб каттасигача ҳал этишнинг ўзи бўлмайди. Бозор иқтисодиёти шароити раҳбардан ташаббускорликни, изланишни талаб қилади. Шифохона бош ҳакими фақатгина қўли енгил жарроҳгина эмас, балки одамлар қалбига йўл топа оладиган, янгиликка интилувчан инсон ҳамдир. Шу боис ҳам минглаб одамлар олқишига сазовор бўлаяпти.

Тиббиёт масаласига бағишланган йиғилишда вилоят раҳбари Ховос бирлашган тармоқ шифохонасининг бош шифокори Абдуғани Вайдуллаевни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатди.

Байрам арафасида темирйўлчилар маданият саройида "Балли, ҳамширалар" кўрик-танлови ўтказилди. Бу ерда 5 нафар шифохона ҳамширалари ўз маҳоратлари, билимлари, топқирликларини намойиш этдилар. Бундай кўрик-



танловлар ёшларимизнинг касбга бўлган меҳр-муҳаббатини оширади. Биз меҳри дарё, қалби пок шифокорларимизни Наврўзи олам билан муборакбод этиб, хайрли, саховатли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Ш. ХОЛМАТОВ.**



# ТЕГИРМОННИНГ ГУВИЛЛАШИ ХУШ ЁҚАР ДОИМ...



***Нон – жаннат неъмати, уни эъзозламайдиган халқ йўқ. Қадимги юнонлар Афинада новвойга тилла ҳайкал қўйганлар. Бу хусусда айтилмаган сўз, битилмаган ривоят қолган эмас. Улар орасида ушбу ҳам бор.***



Шайтондан сўрабдилар:

-Кесак ейсанми?

У саволга савол билан шундай жавоб қилган экан:

-Ейман, фақат буғдой унидан қўшиб берасизми?..

Дон ҳақида, нон тўғрисида яна дунё тургунча гапириш мумкин. Тегирмоннинг ўзи ҳам мўъжизадай нарса. Ўзбек тегирмон деганда айқирган сувни, 40-50 пудлик гардим тошни, бир маромдаги ғувва-ғувва шовқинни ўйлайди. Дейдиларки, охир замоннинг тала-тўпида Исосага (Дажжолнинг эшаги) эргашмайдиган, унинг макридан омон қоладиган саноқли мўминлардан бири тегирмончи ва унга буғдой келтирган ғаллакор бўлар экан. Боиси, икковлари ҳам меҳнатлари маҳсулига маҳлиё ҳолда иссиқ нонннинг хаёлига ғарқ бўлишаркан. Шу пайт ҳаммани йўлдан оздириб ортидан эргаштириб кетаётган Дажжолнинг карвонидаги ёлғон шодиёналар тегирмоннинг ғувва-ғувваси туфайли қулоқларига кирмай қолармиш...

Замонавий тегирмонларда ҳам ўша сурон бор, албатта. Бироқ на сув, на тош сўрамайдиган бу тегирмонга электр энергияси кифоя. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган корхона 1963



йили ишга тушган. Орадан қирқ йил ўтиб, дастгоҳлар эскирган, қуввати кетганди. Бир кеча-кундузда белгиланган 250 ўрнига 60-70 тонна буғдойни қайта ишлайдиган ҳолга тушиб қолганди. Харажатлар кўпайгани сабабли маҳсулот таннархи ортиб, фойда ўрнига зарар кела бошлаганди. Ишни изга солиш учун йўл-йўлакай кўрилган енгил-елпи чораларнинг самараси сезилмаганди.

Бу аҳволда меҳнат унумдорлиги ўнғарилмаслиги, маҳсулот сифати яхшиланмаслиги, алалоқибат жамоанинг косаси оқармаслиги аниқ бўлиб қолди. Наманган вилоят ҳокимлиги ва "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси раҳбарияти мавжуд аҳволни бартараф этиш юзасидан бир қарорга келишди. Шунга биноан тегирмон тўхтатилиб, 2001 йил ноябрдан реконструкция ишлари бошлаб юборилган.

Республика ихтисослашган акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"и ва вилоят ҳокимлиги ажратган маблағ билан реконструкция лойиҳасини молиялаштириш осон кўчди.

-Кўзда тутилган мақсад эскирган технологияни батамом янгилаш, ун ишлаб чиқариш жараёнини энг замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш эди, - дейди "Наманган-донмаҳсулот" акциядорлик уюшмаси раиси Раҳмонжон Назаров. – Биз бу жараёнда вилоят ҳокимлигининг, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси раҳбариятининг моддий ва маънавий кўмагини ҳис этиб турдик. Уларнинг маслаҳати билан Швейцариянинг жаҳонга машҳур "Бюлер" фирмаси лицензияси асосида Россиянинг "Микрон" фирмаси ишлаб чиқарадиган унумли машиналар олиб келинди. Бунда Тошкентдаги "Сайхун-ЛТД" хусусий фирмаси воситачилик қилди.

**ИНТИЛИШ**

Мўлжалнинг аниқ олингани, аҳиллик ва режа билан иш юритилгани тез фурсатда ўз самарасини берди. Катта кўламдаги реконструкциялаш жараёни ниҳоятда қисқа муддат – 15 ойда ниҳоясига етди. Истиқлолнинг ўн иккинчи баҳори корхонага қўшалоқ қувонч олиб келди. Кўклам ташриф буюрган илк кунларда янгиланган Наманган тегирмони катта тантаналар билан ишга туширилди. Унинг бир кеча-кундуздаги қуввати 250 тоннадан кам эмас. Бу Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2002 йил 4 декабр) Қарори ижросига наманганлик соҳа ходимларининг амалий жавоблари бўлди.

-Бош тегирмоннинг шунча вақт ишламай туриши вилоятда ун таъминотига таъсир кўрсатмадими?

-Саволингиз ўринли, - дейди суҳбатдошимиз. – Уюшмамизга 11 та акциядорлик жамияти, 4 та МЧЖ ва 15 та нон цехи бирлашган, жами 2,3 минг киши меҳнат қилади. Акциядорларнинг 565 нафари бош корхонамизда ишлашади. Биз реконструкцияга тўхтаганимизда Поп ва Учқўрғон шаҳарларидаги тегирмонларимиз тўла қувват билан ишлаб, аҳолининг эҳтиёжини тўла қондира оладиган миқдорда маҳсулот чиқариб турди.



Шуни ҳам айтиш лозимки, бош корхона ғалла қабул қилиш билан боғлиқ барча жараёнларга етакчилик қилди. Ўтган йили уюшма корхоналарига давлат ресурслари учун 225 минг 623 тонна ғалла, шу жумладан 19557 тонна уруғлик қабул қилинди. Буни етиштириб берган хўжаликларга 14 миллиард 737 миллион сўм ҳақ тўланди.



Уюшма жамоаси йил давомида 99 минг 247 тонна ун, салкам 37 минг тонна омухта ем, 11,3 минг тонна нон маҳсулотлари, 2190 тонна макарон ва 162 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб берди. Амалдаги нархларда бу 14 миллиард 302 миллион сўмдан ортиқ бўлиб, ўсиш 2001 йилга нисбатан 113 фоизни ташкил этди. Шунинг ҳисобига бюджетга 2 миллиард 881 миллион сўмлик тўлов берилди. Акциядорларнинг соф фойдаси 183 миллион сўмга етди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини кузги экишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2002 йил 13 август) Қарори асосида жорий йил ҳосили учун пухта тараддуд кўрилмоқда. Вилоятда ғалла етиштириш давлат режаси 227 минг тонна миқдорида белгиланган бўлиб, бунинг учун 145 та ширкат ва 2019 фермер хўжалиги, турли мулк шаклидаги 86 та бошқа субъектлар билан контрактация шартномалари тузиш тўлиқ якунланган. Экиш олдидан уюшманинг 6 корхонаси томонидан уларга 19 минг 742 тонна юқори навли, унувчан ва серҳосил уруғ етказиб берилди. Ҳозир вилоят бўйича 78 минг гектар майдонда (6118 гектари уруғлик) ғалла парваришланмоқда. 2003 йил ҳосили учун ажратилган қарийб 2 миллиард сўм маблағ икки траншда ғаллакорлар ҳисоб рақамларига ўтказилди.



Р.Назаровнинг айтишича, тизимдаги барча жамоаларда, айниқса, бош корхонада меҳнат ва ижро интизоми қатъий йўлга қўйилган. Ёшлар масъулиятли вазифаларга кўтарилмоқда.

-Ҳурматли Президентимизнинг ёшларга муносабати барчамизга ибрат бўлиши лозим, - дейди у. – Ёшларга суянган одам кам бўлмайди.

Ташаббускор ходимлар фаолияти ҳамма жойда ибратдир. "Намангандонмаҳсулот" жамоасида шу ҳақда гап кетар экан, ишчилардан Аҳмаджон Каримов, Собиржон Раҳмонов, Турғунбой Ғофуров, иқтисодчи Зоя Подъячая, муҳандис Исмоил Нурмирзаев, бўлим бошлиғи Камолхон Жамолов, "Дўстлик" ордени билан тақдирланган Любовь Мусина ва бошқа кўплаб ҳалол, меҳнаткаш ишчи-хизматчилар номини тилга олиш мумкин.

"Намангандонмаҳсулот" ишчилар қадр топган корхона. Бу ерда узоқ йиллар ишлаб пенсияга чиққан 130 дан зиёд кексалар ҳали ҳам жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомида. Байрамлар, оммавий тадбирлар уларсиз ўтмайди, улуғ айёмларда бу отахон-онахонлар ҳамиша йўқлаб турилади. Ўтган йили корхонада қарияларга ғамхўрликнинг ўзига 3 миллион сўм маблағ сарфланди. Уюшма бўйича бу кўрсаткич 10 миллион сўмга боради. Пенсионерлар истиқомат қилаётган уйларни хусусийлаштириш, тиш протезлаш, ногиронлар аравачаси олиш, даволаниш ва коммунал тўловлар масаласида уларга катта ёрдам, моддий ва маънавий кўмак берилди. Табиийки, бу эзгу анъана жорий йилда ҳам давом этмоқда. Кечагина ёзилган Наврўз дастурхони, қувноқ давра кексалар иштирокида файзли бўлди.

"Намангандонмаҳсулот" жамоасининг қаламга олса арзийдиган ибратли ишлари кўп. Янгиланиб иш бошлаган тегирмон туфайли энди ун мўл, супралар урвоқли, тандирлар ҳароратли ва элаклар юкли бўлмоғи аниқ. Дастурхони тўкин одамнинг эса гапи ҳамиша бутун.

Янги корхонадан кўчага чиқар эканмиз, Раҳмонжон Назаров барча Ватандошларимиз учун ҳикматдай бўлиб қолган жумлани такрорлади:

-Худо хоҳласа, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз! Чунки далада ғалламиз яшнаб турибди, тегирмонда донимиз бор.

Иншооллоҳ, ҳамиша шундай бўлғай.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

## "ДАСТУРИНГИЗНИ ОБКЕЛИНГ!"

***Туманда "Дастурингизни обкелинг!" деган гап тез тарқалди. Катта раҳбар. Янги келган. Ҳамма нарсани тартибга солмоқчи, ишларни бошқаришни йўлга қўймоқчи, шекилли. Аммо сир бошқа томонда экан...***

Эркин Саидмаратовни ҳам чақириб қолди: "Дастурингиз билан етиб келасиз". Саидмаратов ўйлаб қолди. Тадбирлар аниқ, режалар маълум. Дастурлар йил бошида топширилган. Эркин ака ўша дастурни олиб, таваккал қилиб катта бошлиқ ҳузурига кирди. Бошлиқ варақлар-варақламас, қовоғини солиб деди:

-Шу дастурми? Дастур бунақа бўлмайди! Тузукроқ дастур билан келинг?!

Саидмаратов бошлиқ ҳузуридан яна икки марта қайтди. Бошлиқнинг важоҳати тобора ёмонлашмоқда. Нима қилсин?! Ўзи нима гап? Ҳайрон. Бошқалардан сўради. Ҳаммаси бир хил гапни айтишди:

-Тош қотмай, эриш керак..

Саидмаратов эриди. Буни ўзи билди, бошлиқ билди. Икки кун ўтиб дастурини олиб борди. Бошлиқ жилмайиб, дастурни варақлаб деди:

-Мана буни дастур деса бўлади! Яхши! Ғайрат қилинг!

Саидмаратов бошлиқ ёнидан хурсанд чиқди. Аммо икки ой ўтар-ўтмас, юрагига яна ваҳима тушди: бошлиқ навбатдаги чоракка дастур сўрай бошлади...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## "СУПЕРЖАННАТИ" ОДАМЛАР

***Битта фарзандни оқ ювиб, оқ тараб камолга етказишнинг ўзи бўлмайди. Ҳаётнинг шундай аччиқ синовлари, чиғириқлари борки, сабр-матонат, ирода билангина уларни енгиш мумкин. Таассуфки, камдан-кам инсонларгина бунинг уддасидан чиқа оладилар.***

Муборак ҳадисларимиздан бирида уч қизни мукаммал тарбиялаб, вояга етказган ота-она жаннати бўлади, дейилади. Шунинг учун ҳам "Бирлашган" қишлоғидагилар Йўлдошбой отани "супержаннати" дейишади. Чунки, ота ва Эътиборхон аялар уч эмас, ўн битта қизни одоб-ахлоқли, инсофли ва билимли қилиб ўстирдилар. Ҳозирда уларнинг барчасини турмушга берган, асосийси, ўн бир қизнинг бирортаси ҳам турмушидан норози эмас. Борган жойида кўним топиб, бахтли ҳаёт кечирмоқдалар.

У ҳолда Йўлдошбой отанинг уйи ҳувиллаб қолгандир, деб ўйларсиз? Йўқ, асло. Ҳар куни бу хонадонга ўғилларидек бўлиб қолган куёвлари ташриф буюришади. Ҳар куни бу ердан невараларнинг қийқириқлари, шўх-шодон кулгилари аримайди.

**Насимжон МАМАДАЛИЕВ**

## МУЛЗАМ БЎЛДИ

***Хурсанд ака 50 ёшдан ошиб, ёмон одат чиқарди. Товламачилик қилади денг. Бировни алдайди, бировни чалғитади, ниманидир ваъда қилади, хуллас пулини олади. Ва пулни қайтармайди. Неча кишилар сарсон. Акаси Юнус бобо ҳам чорасиз...***

Юнус бобо катта дарвозанинг ёнида, курсида ўтирарди. Бир эмас, икки эмас, бир кунда беш киши "Хурсанд очко"ни излаб келди. Ҳаммасининг дарди бир хил: қарзини сўраб келган. Олтинчи киши келганда Юнус бобонинг тоқати тугади:

-Хурсанд очконинг уйими?

-Ҳа.

-Қарз олганди. Хурсанд ака бормикан?

-Ўтиринг ука, - деди Юнус бобо, - Хурсанд бечора вафот қилди... Эрта кетди... Оят ўқиб юборай.

Юнус бобо оят ўқиди. Келган киши пулдан умидини узиб кетди. Қарзини сўраб келувчилар тўхтади...

Юнус ота курсида ўтирганди. 60 ёшлардаги киши келди:

-Хурсандбойдан пул олиб эдим. Шуни бераман деб обкелдим...

Юнус бобо укасини чақирди:

-Хурсан! Буёққа қара! – Хурсанд очко ҳовлидан чиқиб келди. Меҳмон деди:

-Бобо, Хурсанд-ку иймонини ютган. Уни ўлди, деб сиз ҳам иймонингизни йўқотиб ўтирибсиз. Хурсанд "Ўғлим касал бўлиб қолди", деб 20 минг сўм пулимни олган. Воз кечдим. Барибир бермайди бу. Икковингизни ҳам худога солдим...

Меҳмон кетди. Юнус бобо ерга тикилиб жим бўлиб қолди...

**О.МУРОДОВ**

# САРИБЕЛЛИКЛАРНИНГ БЕЛИ БАҚУВВАТ

*Қору музлар эришди,*
*Тоғлар суви оқишди.*
*Кўкда кўкчил булутлар*
*Қайиқ янглиғ сузишди.*

*Ёмғир ёғиб сочилди*
*Турфа чечак очилди.*
*Инжу қопи очилди*
*Ер ифорга қорилди.*

**Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ**

***Янгиқазган қўрғони катта асфальт йўлнинг ёқасида жойлашган. Кўркамлик ва озодалик бу ерлик одамларнинг мақсад-муддаоси. Дов-дарахтлар қувончдан новдаларга барг ёзди. Офтоб нури борлиқни яшнатиб юборди.***

Ҳар хонадон дарвозаси меҳмонларга ланг очиқ. Қозонларнинг остида лов-лов олов ёнади.

-Бу азиз кунни, - дейди Конимех туманидаги "Сарибел" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ўрмонбой Кукенов, - зўр шодиёналик билан кутиб олдик. Отарларда қўзилатиш мавсуми бошланди. 42700 бош она қўйнинг ҳар



юз бошидан 115 тадан қўзи олиш ва унинг 90 фоизини, ёинки жами 34160 бош қўзини ўстиришга қолдириш устида иш олиб бормоқдамиз. Ўлкамизга Наврўз байрамининг келиши билан, чўпонларимизнинг ҳосил тўйи ҳам бошланди.

Ўрмонбой раиснинг дили пок, нияти баланд. У хўжалик иқтисодиётини янада баландлатиш, бунинг учун терини қайта ишлайдиган ва қоракўл теридан аёллар мантоси, қўй терисидан ҳаммабоп кийим-кечаклар тикиш мақсадида янги цех қурдирди.

Ўтган йили бу хўжалик ҳар бир дона қоракўл терини 13308 сўмдан сотди. Бу мамлакат қоракўлчилик хўжаликлари ичида энг баланд натижа бўлди. Бу йил яна 14945 дона қоракўл тайёрлашга киришилди.

Яйлов кезар эканмиз, донгдор чорвадор Сейпназар Шаубаевга дуч келдик.

У яйловда туғилган ёш қўзиларни кўздан кечираётган экан. Чеҳраси очиқ бу инсон ниятига, меҳнатига яраша ҳосилини олмоқда.

-Шаубаев, - дея унинг елкасига оҳиста бир қўлини қўйди ширкат бош иқтисодчиси Серикбой Шуленбаев, – барчани қойил қилмоқда.

-Қандай қилиб? – сўради ҳамроҳимиз.

Шуленбаев буни оҳиста тушунтирди.

-Отасига минг раҳмат бу йигитнинг, ўтган йили боқимидаги 609 бош она қўйнинг ҳар юз бошидан 130 тадан қўзи олди, - деди у, - йил якунида ғалвир сувдан кўтарилганда жами даромади 3 миллион 802 минг сўмни ташкил этди. Буни 12 ойга бўлсангиз, ҳар бирига 317 минг сўмдан тўғри келади. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижаси. Пудратнинг афзаллиги.

Шуленбаев яна бир бош чўпон Жалғасбой Тойрбековни ҳам мисол келтирди. Унинг ўртача ойлик даромади 254,5 минг сўмни ташкил этишини айтди. Бундай мисоллар ягона эмас.

Бош ҳисобчи Сафарбой Қарсакбаев даврага қўшилди.

-Биласизми, - деди у босиқлик билан., - 2002 йилдаги соф фойдамиз 324,5 миллион сўмни ташкил этди. Хўжаликнинг рентабеллик даражаси эса 93 фоизга етди. Чорвадорларимизга тўланган дивиденд 65 миллион сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиздаги меҳнати аъло, ҳосили мўл бундай ширкатлар иқтисодий ислоҳот туфайли баланд натижаларга эришмоқдалар. Ва бугунги Наврўзи айёмни ғолиблик шоҳсупасида тургандек нишонламоқдалар. Хўжаликнинг Янгиқазган, Дўнгалак, Пахтакор, Прекс қўрғонларида баҳор байрамини зўр қувонч билан нишонламоқдалар.

Саксон беш ёшли Савли Намурадова дилидагини тилига чиқарди:

-Кўп йил чўпон бўлдим. Ҳозир

**Я Й Л О В**



фароғатдаман, етти нафар болам атрофимда гирдикапалак. Оллоҳга минг қатла шукрки, шу кунларга етказди. Наврўзга бағишлаб қозонтўлдир қилдик. Янги кийимларимизни кийиб, еттита хонадонга кириб, уларнинг оила аъзоларини Наврўзи олам билан табрикладик. Янги йилга етдик, деб қувондик.



Янгиқазган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Кенжа Тўхмуродов овулу қишлоқларни ободонлаштиришда халқнинг кўтаринки руҳда ишлаганлигини алоҳида таъкидлади.

-Наврўз кунида, - дейди Тўхмуродов, - ҳудудимиздаги ҳамма қўрғонлару ўтовларда байрам шодиёналари давом этади. Янгиланиш фаслида Янгиқазган қўрғонидаги тўртта маҳаллада истиқомат қилаётган қозоқ, қорақалпоқ миллатига мансуб аҳоли ўз урф-одати бўйича байрамга ёрма пиширишади.

Қадимий байрам кунида маҳалла аҳлари столни ҳар хил пишириқлар билан тўлдирадилар. Кўк сомсаю қатлама сингари қирқга яқин таом турлари дастурхонга қўйилади. Ҳар бир маҳалла ўз концерт программасини намойиш этади. Қозоқ, қорақалпоқ термалари басма-басига айтилади.

Спорт ўйинлари: чавандозлик, арқон тортиш, тош кўтариш, шахмат-шашка сингари йигирмага яқин турларда барча иштирок этади.

Наврўзи оламга бағишлаб онахон Қундузой Саъдибонова терма куйлайди:

**Баҳорда ёмғир севалаб,**
**Кўк майсалар ёйилсин,**
**Наврўз нури ёғилиб,**
**Ёмонликни кеттирсин.**

**Кунни-тунни яшартиб,**
**Қадим дунё ранг олар,**
**Улуғ кунда қари-ёш,**
**Кучоқлашиб кўришар.**

Овулдошлари қатори кайфияти баланд ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ўрмонбой Кукеновни суҳбатга тортдик.

-Наврўз – тўкин-сочинлик, меҳр-оқибат, қадриятларимизни қадрлаш байрамидир, - дейди у, - Ўрта Осиё халқлари бу жозибали ва гўзал байрамни қадим-қадимдан нишонлаб келадилар. Дунё халқларининг ҳаммасида ҳам ўзларининг севимли байрамлари бор.

"Сарибел" яйловларида Наврўз айёми билан қўзилатиш мавсуми бақамти ўтаяпти. Бир отардан бир отар ташкил этиляпти. Бу қут-барака, тўкинликка заминдир. Чўпонзодалар кунни-тунга улаб, ҳуррият офтобидан нур эмиб меҳнат нашидасини сурмоқдалар, тилсимотлар эшигини очмоқдалар. Бу уларга бахт, омад, фаровонлик ато этмоқда. Уларга ҳамиша омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Ҳ.ВОХИДОВ**




***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (2001 йил 27 март)ни бажара бориб, бошқармамизда самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Замон талабларига жавоб берадиган маъмурий бино ички имкониятлар билан қуриб битказилди ва янги йил арафасида кўчиб ўтдик.***

Эски бинода эса "Ёнғин-техник марказ" иш бошлади. У олти бўлимдан иборат, ҳаммаси амалий-услубий ва тарихий-маънавий аҳамиятга эга. Чунончи тарихий бўлимда Наманганда ёнғин хавфсизлиги хизматининг ташкил этилиши, илк одимлари, ривожланиш жараёнлари, 1928-1990 йилларда ёнғин ўчириш қисмларининг ташкил этилиши, техник таъминот, ўт ўчириш воситалари акс эттирилган.

Ёнғин хавфсизлигини ташкил этиш бўлими эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги 267-44 сонли қарори ижросига бағишланган. Бу бўлимда тизимни ислоҳ қилиш юзасидан ушбу қарорда белгилаб берилган вазифалар, бажарилган ва бажарилаётган долзарб юмушлар кўпроқ ўз аксини топган. Мавжуд стендларда ёнғин хавфсизлиги хизматининг асосий вазифалари ифодаланиб, уларнинг аксарияти фотолавҳа тарзида намойиш этилган. Шунингдек, бўлим мазкур марказдаги етакчи экспозиция ҳисобланиб, сўнгги йилларда вилоятимизда ёнғин хавфсизлиги мавзусида қанча рангли плакат ишлаб чиқарилган бўлса, қарийб барчаси намойиш этилган.

Ёнғинларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ сабаб ва оқибатлар бўлими эса ўзига хос огоҳликка даъват вазифасини бажармоқда. Ёнғин ҳодисалари, улар келтирган аянчли оқибат ва фожиалар ифодаланган суратлар, фалокат жойидан олинган турли ашёвий далиллар кишиларни ўт билан ўйнашмасликка, доим хушёр бўлишга чақиради. Чет элларда ва республикамизда содир бўлган ёнғинлар, 1986 йили Чернобиль АЭС ҳалокати, 1992 йили Мингбулоқ нефть конидаги ёнғин ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар "Ёнғин-техник марказ"га ташриф буюраётган ёшларга ўзига хос сабоқ вазифасини ўтамоқда, десак муболаға эмас.

Мазкур марказ якшанбадан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч 17 гача ишлайди. У эндиликда музей даражасидаги маърифий масканга айланиб, кўплаб фуқаролар, ўқувчи ва талаба-ёшлар ташриф буюришмоқда. Бу ҳам фаолиятимиз самарадорлигини ошириб, ёнғин билан боғлиқ фожиалар сонини кескин камайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги 452-сонли қарорига биноан "Тошкент-Ўш" А-373 автойўлининг "Қамчиқ" ва "Розак" туннеллари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми ташкил этилди. У тегишли штат бирликлари, техника, зарур шарт-шароитлар билан таъминланди.

Косонсой шаҳридаги ёнғин хавфсизлиги қисми янги бинода фаолият бошлади. Наманган шаҳри, Поп, Чортоқ ва Мингбулоқ туманлари ҳокимларининг қарорларига асосан ёнғин хавфсизлиги қисмларига янги бино қуриш ва фаолият кўрсатаётган қисмлар ҳудудини кенгайтириш учун ер майдонлари ажратиб берилди.

**ЭҲТИЁТ-ШАРТ**

Бу борада амалга оширилаётган яхши ишларимиздан яна бири шуки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг жамоатчиликка яхшироқ ва муфассалроқ етказиш учун "Тарғибот автобуси" ташкил этдик. У ўт ўчириш қуроллари, ёнғин сабаблари акс эттан плакат ва суратлар, видео ва радиотехника воситалари билан таъминланган. "Тарғибот автобуси" мактабгача тарбия ва халқ таълими муассасаларида, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида, маҳалла ва гузарларда ёнғинга қарши фаол тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Гап шу ҳақда кетганда алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли яшаш хонадонларини ёнғиндан сақлаш масаласи тизим ходимлари эътиборида асосий юмушлардан бирига айланган. Шунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам, барча профилактик тадбирларда ҳам бу йўналиш етакчи ўрин тутади. Чунки кўнгилсизликларнинг аксарияти уйларда содир бўлмоқда. Ҳозирги кунда 261 минг хонадоннинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текширилиб чиқилди, уй эгаларига тегишли маслаҳатлар берилди, зарур бўлса чора-тадбирлар ҳам кўрилди. Ўтказилган учрашув ва суҳбатларга 114 мингта яқин фуқаро жалб этилди, уйма-уй эслатмалар тарқатилди. Бунда асосий эътибор очиқ оловдан, газ ва электр асбобларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга қаратилган.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, умумий ёнғинларнинг 11,4 фоизи болаларнинг олов ва гугурт ўйнашларидан келиб чиқмоқда. Вояга етмаганлар орасидаги ёнғинга қарши профилактик тадбирларимизда "Ёнғин хавфсизлиги болалар тасаввурида" мавзуидаги расм чизиш танлови катта аҳамиятга эга. Йилдан-йилга тақдим этилаётган суратлар кўпайиб, ранг-баранг бўлиб бормоқда. Декабрь ойида минглаб ҳаваскор мусаввирлар иштирок этган ушбу беллашувнинг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Косонсой туманидаги 15-ўрта мактаб ўқувчиси Зоҳир Каримов унинг ғолиби бўлди.

Вилоятда байрамлар, тантана ва сайиллар кўплаб ўтказилади. Уларнинг тинч, осойишта якунланиши доимий эътиборимизда. Шахсий таркиб эса бундай айёмларда жанговар постда бўлади. Чунки хотиржамликнинг ўзи ҳам биз учун катта байрам. Энг муҳими, ҳар қандай офатга қарши хушёр турмоқ, огоҳ бўлмоқ ва унинг олдини олмоқ мақсадга мувофиқдир.

**Бойназар ДЕДАБОЕВ,**
**Наманган вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи,**
**ички хизмат подполковниги.**





# НУРОТА ДОСТОНИ

***Наврўз байрамини нишонлашга, қадриятларимизни тиклашга имкон яратди. Бутун элда бўлганидек, тоғли ўлка Нуротанинг шаҳару қишлоқларида Наврўз тантаналари доимо кенг нишонланади. Оммавий сайилларда дошқозонларда тансиқ таомлар сумалак, ҳалим, палов пиширилиб, халққа улашилади. Қизиқчию хонандалар, полвонлару чавандозлар майдон узра ўз маҳоратларини кўрсатишади.***

## ОЙДИН ОРЗУЛАР

Офтоб чараклаб турибди. Замин яшариш палласига кирди. Чўпонзодалар ватани Нуротада ҳосил тўйи қўзилатиш мавсуми қизғин. Қозону карсонлар суту қатиққа тўлди. Кенг-



ликлар қўй-қўзининг маърашидан жозиба кашф этди.

-Хўжалигимизда, - дейди "Ғозғон" ширкатининг раиси Ҳусен Боқулов, - бу йил 14 минг бошдан зиёд совлиқ қўзилайди. Бугунгача тенг ярми ҳосилини берди. Ҳар юз совлиқдан 115 тадан қўзи олмоқдамиз.

Ўз ишининг фидойиси бўлган Боқулов майсазор узра оҳиста борар экан:

-Ниятимиз бу йил туёқ сонини ўн фоизга ошириш, 2005 йилга бориб она қўйлар 20 минг, жаъми туёқ сони эса 30 минг бошга етади, - деди. – Буларни ҳисобга олган ҳолда бу йил 12 минг бошдан зиёд соғлом қўзини ўстиришга қолдирмоқчимиз.

Етти минг аҳоли яшайдиган жозибали Ғозғон қўрғонининг тўққизта маҳалласида Наврўз байрами ўзининг бўй-бастини кўрсатди.

-Эндиликда, - дейди мамлакатнинг машҳур чорвадори Ғаффор Обидов, - ширкатимиздаги Ҳамид ва Абдуназар Шеровлар, Насим Ҳасанов, Шомурод, Абдуҳаким Бомуллаевлар, Шермат Сафаров, Ибод Муродов каби ҳамкасбларим ҳар юз бош совлиқдан 125-127 тадан қўзи олиш ниятида фидойилик кўрсатмоқдалар.

Ҳа, Нуротанинг Оқтоғ, Қоратоғ ва Пашшот этакларию Қизилқум кенгликларида Наврўз бўсағасида қўзилатиш мавсуми намунали олиб борилди. Эндиликда туман ширкатларида 153 минг бошдан зиёд қўй-қўзи боқиляпти. 92323 бош совлиқнинг ҳар юз бошига 90 тадан қўзини ўстиришга қолдириб, туёқ сонини янада кўпайтириш чоралари кўриляпти.

Деҳқонларнинг ҳам кайфияти баланд. Улар ўтган йили ғалладан режадаги 3594 тонна ўрнига 6659 тонна ҳосил йиғиштириб олдилар ва бу йилги натижаларини янада ошириш ниятидалар.

Туманнинг "Нурота", "Қизилча", "Ғозғон" ва Файзулла Хўжаев номли ширкатларининг қоракўлчилари Наврўз айёми арафасида чинакамига жонкуярлик кўрсатиб иш юритмоқдалар.

Қўй келади қўзи билан, бир-бирининг изи билан, деганларидек, қадимий юрт ўғлонлари яйловларни қўй-қўзига тўлдириш учун матонат кўрсатмоқдалар. Мустақил юртнинг фарзандларига шу одат ярашади.

## МУСТАҚИЛЛИК ДАРАХТЛАРИ

Умрқул Нарзуллаев юртнинг жонфидо фарзанди сифатида ном қозонди. Қандай қилиб? Қайси хусусиятлари учун? Бу саволларимизга жавоб излашга қийналмадик. Чунки у халқнинг кўз ўнгида камол топди. Инсон ақл-заковати нималарга қодир эканлигини кўрсата олди.

Ўз фаолиятини оддий тиш докторлигидан бошлаган Умрқул тезда ўзининг билимдонлиги, ширинсўзлиги билан одамлар эътиборини қозонди. Тиш касалликлари учун янги поликлиника биноси қуриб, унга замонавий асбоб-ускуналар келтирди. Ва бу ерда стомотология соҳасида хизмат турларини кўпайтирди. Шу тарика унинг эл ўртасидаги обрўйи ошаборди.

Мустақиллик офтоби Умрқул Нарзуллаевга бахт эшигини очди. У Нуротада биринчи бўлиб фермер хўжалигини ташкил этди. Мана ўшанга ҳам қарийб ўн бир йилдан ошди. Эндиликда "Семруғ"да 65 гектар ер майдони бўлиб, унда ғалла, маккажўхори ва беда етиштирилади.

-Ўтган йили, - дейди Умрқул, - 120 тонна дон олишга эришдим. Бу гектар бошига 43 центнерни ташкил этди. Шунинг 65,5 тоннасини давлатга топширдим. 2 тоннасини ҳайру эҳсонга бердим.

Фермерлик ишининг ривожи техника паркининг кенгайишига боғлиқдир. Нарзуллаев бу борада кўп иш қилган. Ғилдиракли ва занжирли тракторлари, "Херсон" комбайни, жаъми 17 та техникага эга. Иккита ун тегирмони ишлаб турибди.





-Эндиги мақсад, - дейди суҳбатдошим, - тумандаги фермер хўжаликларига хизмат қиладиган машина-трактор паркини очиш ва ҳозирда ишлаб турган техникани таъмирлаш устахонасини янада кенгайтиришдир.

Мулк мулкдорники, унга эгалик қилиш ғоят билимдонликни талаб этади. Нарзуллаевда бу хислатлар жамулжам бўлганлиги учун ҳозир учта автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ишлаб турибди. Иккита шахсий поликлиникасига эга. Уларнинг бири умумий касалликлар бўйича, бири эса тиш касалликлари соҳасида иш олиб бораяпти.

-Ҳозир, - дейди Умрқул, - корхонамизда аввалги 4 ишчи ўрнига 71 киши ишлаяпти. Наврўз байрамига атаб қарияларга чойхона қуриб бердим. Бу ишга ўз жамғармамдан икки миллион атрофида харажат қилдим.

Нарзуллаев келгусида ўз корхонасини ҳам бўйига, ҳам энига кенгайтирмоқчи. Унга бу ишда ўғиллари Фурқат ва Ғайрат кўмаклашмоқда. Ёшлар мустақиллик берган имкониятларни Ватан ва халқ фаровонлигига сарф этиш йўлида тинимсиз изланмоқдалар.

..."Шодия" ишлаб чиқариш кичик корхонаси 1997 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда.

-Жамоамиз, - дейди корхона раҳбари Шаҳло Мерганова, - жойлардаги қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. Бир нечта маъмурий биноларни, Хатирчи ва Навбаҳор туманларидаги коллежларни, бир неча қишлоқ врачлик пунктларини мармар билан пардозладик. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

2002 йилда корхона тендерда қатнашиб, Нуротадаги қишлоқ хўжалигига йўналтирилган касб-ҳунар коллежи биносини таъмирлаш ишларини ютиб чиқди ва ўтган йили 450

**Ф А Х Р**

ўқувчи ўқишга мўлжалланган бино вақтида фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда иккинчи навбати бўйича қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

...Нурота маъданларга кон. Улардан бири "Нурбулоқ" шифобахш сувидир. Бу сувда инсон учун фойдали бўлган 15 та микроэлемент мавжуд.

-Бу йил "Нурбулоқ" ишлаб чиқариш тижорат корхонаси, - дейди директор ўринбосари Нормуҳаммад Худоёров, - Зарафшон, Учқудуқ, Навоий шаҳарларидаги мижозларга етарли миқдорда маъданли сув етказиб беради. Бундан ташқари бир литрли полиэтилен идишларда уч хил: апельсин, олма ва олчадан ичимликлар тайёрлаб бермоқдамиз.

Корхона қудратини янада ошириш учун 40 миллион сўмлик кредит олиб, уни кенгайтириш бўйича сўнгги ишлар амалга ошириляпти.

Бундай тадбиркор ва ишбилармонларнинг фаолиятини мустақиллик дарахтларига қиёс қилгимиз келди.

Мустақиллик дарахтлари. Улар ўз ҳосилини бера бошлади. Бу дарахтлар ўнлаб, юзлаб, минглабдир. Бундай дарахтлар мамлакатимиз келажагидир.

## ФИНЛЯНДИЯ, ИТАЛИЯ УСКУНАЛАРИ ҚЎЛ КЕЛАЁТИР

Бундан икки йил муқаддам Нурота шаҳридаги туғруқхонага Финляндиянинг "Медика-медикал" фирмасидан 1200 минг АҚШ долларига акушерлик-тиббиёт жиҳозлари келтирилиб ўрнатилди. Чорвадор юрт оналари бу ноёб жиҳозлардан фойдаланмоқдалар. Туғруқхонада мустақил юрт фарзандлари туғилмоқда. Акушерлик комплексининг мудири Шаҳобиддин Фахритдинов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:



-Ўзбекистонда ягона саналган бу ноёб ускуналарда УЗИ аппарати, кордиомониторлар, чақалоқларни жонлантирувчи Кювез аппаратлари, мослаштирилган кроватлар, жарроҳлик столлари, наркоз ускуналари мавжуд. Улар ёрдамида она ва бола ҳолати аниқланиб, вақтида керакли ёрдам кўрсатиш имкони туғилади.

...Бир донишманд Нурота халқини унинг тоғлари боқади, деганида минг бора ҳақ эди. Эндиликда "Нуротамармар" ва "Ғозғонмармар" корхоналарида ҳар йили 120 минг квадрат метр мармар тахтачалари тайёрлаб буюртмачиларга сотмоқдалар.

Нуротанинг кулранг, оқ, Ғозғоннинг камалакранг ва қора тошлари ҳамдўстлик мамлакатларига сотилмоқда ҳамда республикамизда қурилаётган биноларнинг пардозлаш ишларида фойдаланилмоқда.

Ҳар бири бир миллион 250 минг АҚШ долларига харид қилинган иккита Италия ускуналари юрт кўрки сифатида ишлатиляпти. Ундан чиқарилаётган жаҳон стандартларига мос бўлган мармар маҳсулотларининг харидори кундан-кун ошиб бормоқда. Эндиликда мармар билан ишлайдиган кичик корхоналар сони юзтадан ошиб кетди. Бу ҳол аҳолини иш билан таъминлашга кенг имконият яратди. Бу корхоналарнинг ишчилари қадимий ва улуғвор Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан қаршиладилар.

## ТУПРОҒИ ЗАР – ОНАЖОН ЮРТ

Олам яшарган, сумалаклар дошқозонда пиширилган, барчада баҳорий кайфият бўлган кун Нуротани айланар экансиз, бўйингиз кўкка етгудек бўлади.

-Бу йилги байрамга, - дейди туман оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг раиси Шерали Пўлатов, - халқимиз кўтаринки кайфиятда келди. "Ёшлик" ўйингоҳида тонгдан шомгача фольклор дасталарининг чиқиши қалбингизни хушнуд этади. Қўчқор уриштириш, хўрозлар жанги, дорвозлик, мотоциклчилар пойгаси, каратэ ва шахмат-шашка ўйинлари авжига чиқади. Пазандаю ҳунармандларнинг 29 хил йўналиш бўйича танлови ўтказилади. Тирик бурчакда бўри, тулки, туя, от ўз қизиқувчиларини кутади.

Байрам арафасида Нуротада икки ойлик тозалик ва ободончилик ойлиги ўтказилди. Ўша кунлари шаҳару қишлоққа зеб берилди. Беш минг туп тут, 120 минг дона терак ўтқазилди.

2003 йил – Обод маҳалла йили муносабати билан обод хонадон, обод маҳалла кўрик-танлови ўтказилди. Ҳар пайшанба кунида Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги дам олиш ва истироҳат боғида бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари анъана тусини олди.

Файзулла Хўжаев, "Бўдиқ", Аҳмад Яссавий, "Эшони судир", "Нурота 60 йиллиги", Ибн Сино номли маҳаллаларда сумалак сайили ўтказилди. Тумандаги 26 маҳалланинг барчасида ҳалим, ёрма, кўк сомса, чалпак, қатлама, патир сингари тансиқ таомлар тайёрланиб, дастурхонларга қўйилади. Чавандозлар тулпорлари билан от ўйини ўтказиладиган ўйингоҳга келиб, ўзларининг чапдаст чавандоз эканликларини намойиш этишади.

Нуротада Наврўзнинг кўрки обод маҳаллалардаги аҳиллигу иноқликка боғлиқдир. Бу соҳада уларга тенг келадигани камдан-камдир.

Нурота каштадўзлик тарихи минг йиллардан зиёддир. Нурота шаҳридаги тадбиркор Адизқул Қаҳҳоров хонадонида 20 хотин-қиз момоларимиздан қолган ҳунарни давом эттириб, бу ноёб санъатни элга манзур этмоқдалар.

-Республикамизда каштачилик санъати бўйича 6 та мактаб мавжуд, - дейди Навоий тасвирий, амалий санъат лицей-интернати директори Амин Қодиров. – Улар Нурота, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона ва Тошкент мактабларидир. Нурота каштачилиги алоҳида ўринга эга. Бу мактаб X-XI асрда бошланган.



Нуротада каштачилик мактабини тиклаш мақсадида туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда иш бошлади. Бунга Швейцария жамғармаси ҳомийлик қилмоқда. Мақсад Нурота тарихи каштачилик мактабини тиклашдир.

...Тоғли эл, боғли эл, чорвадор юрт Нурота Наврўз кунларида янада чирой очди. Халқнинг ғайрат ва ҳиммати ошди. Бу борада туман ҳокимлиги ўзининг катта саъй-ҳаракати билан юртни обод, халқ турмушини фаровон этишдаги эврилишларга етакчилик қилмоқда.

Эй, она юрт, бағрингни кенг оч! Жаҳон сандиғида жавоҳир мисол ярқираган улуғ Наврўзни қабул эт!

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ИСЛОҲОТ КЎМАКЧИСИ

учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан харажатларни қоплаш учун 713 миллион сўм кредит ажратилди. Жами ссуда қарзлари эса 1700,8 миллион сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини янада яхшилаш мақсадида бундай масканларда ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини бажариш учун 2002 йилда банк муассасалари томонидан 1744,2 миллион сўмлик маблағ молиялаштирилди. Натижада 85,7 километр ичимлик суви қувури тармоқлари ва 106,7 километр газ қувури тармоқлари ўтказилди.

Бундан ташқари, ўтган йилда "Пахта Банк"нинг ўз кредит ресурслари ҳисобидан қурилиш ташкилотларига қурилиш материаллари сотиб олиш учун 1104 миллион сўм миқдорида қисқа муддатли кредит ажратилди.

Қишлоқ жойларидаги хўжалик субъектларига банк хизматларини кенгайтириш мақсадида, "Пахта Банк" томонидан 7 та лойиҳа бўйича 199,7 миллион сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди. Масалан, Андижон вилояти хўжаликлари 31,2 миллион сўмлик 3 та, Сурхондарё вилояти хўжаликлари 24,4 миллион сўмлик 2 та "ТТЗ-100" русумли тракторлари, Фарғона вилояти хўжаликлари 14,4 миллион сўмлик 1 та "ТТЗ-80" русумли трактор ва 2 та прицепни лизингга олишди.

Бир сўз билан айтганда, шу йилнинг 1 январ ҳолатига "Пахта Банк" муассасалари томонидан кўрсатиладиган лизинг хизматлари ҳажми 120 лойиҳа бўйича 800 миллион сўмни ташкил этди.

### "ПАХТА БАНК"НИНГ ПЛАСТИК КАРТЛАРИ

Мамлакатимизда банк тизимини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган устувор вазифалар қаторида банкларнинг ахборот-телекоммуникация тизимини ривожлантириш, тўлов тизимини янада такомиллаштириш лозимлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, банклар олдига ягона вакиллик ҳисоб варағи тизимига ўтиш ва бошқарув ахборот тизимини (СИУ) жорий қилиш масалалари қўйилган.



"Пахта Банк" ахборот тизимининг замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш учун янги автоматлаштирилган банк дастурини жорий қилиш ишлари олиб борилди. Ўтган йили банкнинг Ахборот технологиялари маркази, ишчи гуруҳи ва вилоят мутахассислари томонидан дастурнинг тўлиқ "Пахта Банк" хусусиятларини ҳисобга олиши текширилди, барча модулларнинг кенг кўламли синови олиб борилди.

Натижада банкнинг бизнес жараёнларини оптималлаштириш – кредит тармоқлари ишини такомиллаштириш, банк ишини фронт ва бэк-офис функцияларига ажратиш, фоиз ставкаларининг ягона базасини қўллаш, кунлик фоизлар кўчирилиши бўйича ўзгаришлар, кредитлар фоизларининг кўчирилиши ва тўланиши учун ягона фоиз даври ўрнатилиши бўйича таклифлар берилиб, улар банк филиаллари иш фаолиятига қўлланилди. Дастлабки тажрибалар эса ушбу тадбирларнинг келажакда улкан самаралар беришини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда банкда мавжуд филиалларини ягона вакиллик ҳисоб варағи асосида тўлов тизимига ўтказиш, ягона балансни таъминловчи ахборотлар базасини ишга тушириш, марказлашган ахборот-аналитик тизимини жорий қилиш масалалари устида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Акциядорлик тижорат "Пахта Банк"нинг ягона вакиллик ҳисоб варағи ва ягона база тизимига ўтиши иш жараёнларида катта ўзгаришларга олиб келиши, шубҳасиз. Муҳими, банкнинг ресурс, кредит ва молиявий бошқариш сиёсатини марказлашган ҳолда олиб бориш имконияти туғилади. Натижада филиаллар фаолиятини бир неча кун олдинги баланс маълумотлари орқали эмас, айнан ўша дақиқадаги молиявий-иқтисодий ҳолатига қараб бошқариш, оператив ўзгартириш киритиш, ресурс билан таъминлаш мумкин бўлади.



Шунингдек, банкда пластик картлар асосида тўлов тизимини кенг жорий қилиш давом эттирилди. 2002 йилда банкнинг Тошкент шаҳри бўлимларида DUET (BGS SmartCard Systems) дастури инсталяция қилиниб, ходимларга иш ҳақини пластик картлар асосида бериш лойиҳаси амалга оширилди ҳамда маҳаллий банклараро тўлов тизимига қатнашчи-банк сифатида уланди. Ходимларга ва мижозларга хизмат кўрсатиш мақсадида банкомат ва касса терминали ўрнатилди.

Аҳолидан бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида "Пахта Банк"да пластик карт омонат тури йиллик 42 фоиз тўлаш шарти билан таклиф қилиняпти.

Банкнинг Чилонзор ва Бектемир бўлимларида ҳамда вилоятлар бошқармаларида пластик карт хизмат турини ташкил қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга банкнинг йирик мижозлари бўлган корхоналар учун иш ҳақини пластик картлар орқали бериш ва савдо шохобчаларида терминалларни ўрнатиш режалаштирилган. Шу мақсадда банкнинг йирик мижозлари бўлган 3 корхонада ("Ўзпахтасаноат" уюшмаси, Агрегат заводи, Тошкент давлат Аграр университети) банкомат ўрнатилиб, иш ҳақи лойиҳаси амалга оширилмоқда. "Пахта Банк"нинг Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилоят банклари ҳам пластик карт асосида нақд пулсиз тўлов тизимига уланди.

"Пахта Банк"да тўлов пластик картлари тизмини ривожлантириш учун маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларида терминаллар тармоғини кенгайтириш, йирик мижозлар учун банкомат ўрнатиш орқали иш ҳақи лойиҳаларини амалга ошириш, пластик карт асосидаги омонат турларини таклиф қилиш орқали аҳолининг бўш пул маблағини банкка жалб қилиш, кредит пластик картларини жорий қилиш, банк пластик картларини халқаро тўлов тизимлари билан ишлашини таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

**Жаҳонгир ҒАФУРОВ**




# КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...

***“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ чекка туманларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилиб, ёшларимизнинг касб-ҳунар олишга, илмли бўлишига шарт-шароитлар яратилаяпти.***

Шуниси диққатга сазоворки, барча қулайликларга эга бўлган бу биноларда замонавий ўқув қуроллари, касб ўргатиш мосламалари, синфхоналар, лабораториялар, компьютерлар ёшлар ихтиёрида. Ҳозирги кунда минглаб ёшларимиз ўзлари танлаган ҳолда турли хил ихтисосликлар, йўналишлар бўйича ўрта махсус билим олиб, касб-ҳунар ўрганиб, янги лицейларда ўқиб, олийгоҳларга тайёрланишлари мумкин.



Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 30 та ўқув муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 2 та академик лицей, 17 та касб-ҳунар коллежи, 5 та касб-ҳунар лицейи ва 6 та ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Янги технологияларни жорий этиш мақсадида ўқитувчиларимиз Япония, Голландия, АҚШ, Жанубий Корея каби бир қатор хорижий давлатларда малака ошириб келмоқда. Шундан 107 нафари Осиё Тараққиёт Банки лойиҳаси бўйича "Ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусида Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида ўқиб, сертификатлар олдилар.

**ТАЪЛИМ**

Вилоятда асосан қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, иқтисод йўналишлари бўйича касб-ҳунар коллежлари мавжуд.

Замонавий информацион технологияларни ўқув муас-



сасаларига жорий этиш мақсадида 2 та академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежлари Интернет тизими тармоқларига уланган. Ҳозирги кунда ўқитувчи ва ўқувчилар ундан фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари барча ўқув муассасалари билан электрон алоқа ўрнатилган. Гулистон академик лицейида педагог кадрларни масофадан ўқитиш методи жорий этилган.

Корея ҳукумати кредити лойиҳаси доирасида 10 та касб-ҳунар коллежлари учун 420,1 миллион сўм, ТАСИС лойиҳаси доирасида 1 та касб-ҳунар коллежи 20,6 миллион сўмга тенг ўқув лаборатория жиҳозлари ва кўргазмали қўлланмалар билан жиҳозланган.

-Барча коллеж ва лицейлар замонавий биноларда жойлашган бўлиб, янги технологиядаги ўқув қуроллари билан таъминланган, - дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Халил Тўраев. - Келажак ёшларники, шунинг учун ҳам ҳукуматимиз уларни ўқитишга, тарбиялашга маблағларни аямаяпти. Ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирлар ўтказишга, тўгараклар фаолиятига катта аҳамият бераяпмиз. Айниқса, спорт ишларига эътиборни кучайтирганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг роли ва аҳамияти ўргатилмоқда. "Миллий истиқлол ғояси" асосий тушунча ва тамойиллар мавзусида учрашув ва маърузалар ташкил этганмиз. Ўқувчиларнинг 13 нафари "Соғлом авлод учун" миллий кураш бўйича республика беллашувида иштирок этиб, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Вилоятда танилган Янгиер қурилиш-коммунал хўжалиги коллежи, Мирзаобод ижтимоий-иқтисодиёт коллежи, Боёвут ижтимоий- иқтисодиёт, 3-Боёвут саноат касб-ҳунар коллежлари, Оқолтин касб-ҳунар коллежлари эришган ютуқлар диққатга сазовордир. Бу ўқув даргоҳларини битирган ёшлар турли корхона ва ташкилотларда ишлаб, олган билим ва маҳоратларини намоён этишмоқда. Аксарияти эса олий ўқув юртларига кириб билимларини оширяптилар.

-Ўқув лабораторияларимиз, айниқса автомобилларнинг тузилиши хоналари Жанубий Кореядан олиб келинган стендлар, автомобиллар билан жиҳозланиши кўпчилик талабаларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда, - дейди техника фанлари номзоди, Янгиер қурилиш коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Расул Хожиев.

-Кеча Англиядан қайтдим, - дейди Оқолтин касб-ҳунар коллежи директори, педагогика фанлари доктори Е.Ҳайдаров, - булар ҳаммаси Мустақиллик туфайли. Кўп нарсаларни кўрдик, ўрганиб келдик. Эндиги вазифа кўрганларимизни ўзимизда ҳаётга тадбиқ этишда.

-Чекка туманда шундай бир замонавий коллежнинг ишга тушиши қишлоқ ёшлари учун байрам совғаси бўлди, катта бир ғамхўрликдан нишона, - дейди Мирзаобод тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори Ўткир Бўронов. - Бугунги қутлуғ айём арафасида барча сирдарёлик зиёлиларни, олов қалб ёшларни Наврўзи олам билан муборакбод этиб, юртимиз равнақи йўлидаги хайрли ишларида зафарлар тилаймиз.

**Ш.МУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



# “ҚОРАКЎЛТЕКС” МАҲСУЛОТИГА ЖАҲОН ТАЛАБГОР

***Қўшма корхоналарни ишга тушириш орқали аҳолини янги ишчи ўринлари билан таъминлаш муҳим ҳаётий заруратга айланмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури кўпайиб, сифати тобора яхшиланиб боряпти.***

Бухоро вилоятидаги "Қоракўлтекс" Ўзбекистон – Америка қўшма корхонаси бу борада ўзига хос тажриба орттирди. Бу ерда хорижга олий сифатли калава иплар экспорт қилинади. 2001 йили 3400 тонна пахта толаси қайта ишланиб, 2935 тонна жаҳон анозаларига жавоб берадиган саноатбоп калава ип ишлаб чиқарилди. 2002 йилда эса 3052 тонна саноатбоп калава ип тайёрланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш баробарида корхонанинг иккинчи навбати қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

-Ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қиймати амалдаги нархларда 3123905 минг сўм ёки солиштирма нархларда 2562623 минг сўмга тенг бўлди, - дейди қўшма корхона директори Меҳриддин Мансуров. - Ўрнатилган дастгоҳлар қуввати тўқсон тўрт фоиз атрофида ўзлаштирилди. Ички бозорга сотилган маҳсулот улгуржи баҳоларда 3599190 минг сўмни ва экспортга сотилган маҳсулот қиймати 386,9 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Шундай қилиб корхонамиз 2002 йилда асосий ишлаб чиқариш фаолияти юзасидан 461,7 миллион сўм фойда олди.

Бу ердаги иш жараёнлари бошқа корхоналардагидан фарқ қилади. Негаки, цехлар Германия ҳамда Чехиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Хомашё, мутахассислар етарли. Мақсад - мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиш.



Қўшма корхонада 510 нафар ишчи-хизматчи тер тўкмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг ўзида ишчи-хизматчиларнинг озиқ-овқати учун 50 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфлади. Бундан ташқари ишловчиларга 2002 йилда 8 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 2003 йили тайёрланган маҳсулотларни Россия, Германия, Туркия ҳамда бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилиш бўйича шартномалар бор. Бу йил маҳсулотнинг етмиш фоизини экспортга чиқариш кўзда тутилган.

**ЭКСПОРТ**

Биз йигирув, бўяш ва бошқа цехларда бўлиб, иш жараёнларини кузатдик. Ҳамма жой янги тушган келинчакнинг уйидек тоза, ораста. Ишчилар ўзбек қиз-жувонлари. Улар замонавий компьютерларда, дастгоҳларда ишлашни мукаммал ўзлаштириб олишган. Кувончли томони шундаки, ишчиларнинг ҳаммаси компьютерларга инглиз тилида топшириқ бера олади. Барча юмушлар машиналар ёрдамида бажарилади.

Корхона юқори унум билан ишлаяпти. Цехлар тўла одам. Баъзи ишчилар билан суҳбатлашдик.

-Мен Шокир Хўжақулов бўламан, - дея ўзини таништирди ўрта бўйли, қотмадан келган йигит. - Ушбу корхонада цех бошлиғи бўлиб ишлайман. Бу ердаги дастгоҳларда ишлашнинг ўзи қандайдир завқ бағишлайди одамға.



-Аслида компьютерда ишлаш менинг тушимгаям кирмаган, - дейди корхона йигирувчиси Феруза Шаропова. – Истиқлол сабаб шундай корхонада ишлаяпмиз. Маошларимиз ҳам 40 минг сўмдан кам эмас Ишчилар 6-10 ойгача сабоқ олишади. Бу юмушларга хорижлик малакали мутахассислар жалб этилган. Шу сабабдан корхонага ишга киришни хоҳловчилар жудаям кўп.

Бу фикрларни корхона йигирувчилари Дилором Нуруллаева, Дилфуза Зиёева, Юлдуз Наврўзова ҳамда муҳандис Шуҳрат Расулов, чилангар уста Мўмин Сатторовлар ҳам тасдиқлашди.

"Қоракўлтекс" қўшма корхонаси "Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмасининг "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти ҳамда Американинг "Дельфи ЛЛС" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Низом жамғармаси 4761052 АҚШ долларига тенг бўлган мазкур қўшма корхонага чет эл компаниясининг сармояси киритилган. Бундан ташқари, корхонага 1249 минг АҚШ долларига технологик дастгоҳлар ҳамда 234 минг АҚШ долларига лаборатория ускуналари олинди. Шундай қилиб жами 6455 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ишлатилди. Шунингдек, 298148 АҚШ доллари миқдорида қурилиш ишлари бажарилди.

Қўшма корхонадан қайтаётиб, замонавий дастгоҳларда чаққон, эмин-эркин ишлаётган юзлаб қиз-жувонларни, оловқалб ёшларни кўриб, фахрландик. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган газламаларга жаҳон бозорида талабгорлар янада кўпайишига шак-шубҳа йўқ.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**СУРАТДА: қўшма корхонанинг умумий экстерьери.**

# БАНКНИ МИЖОЗ ТАНЛАЙДИ

**ДАВР**

***-"Пахта Банк" билан ҳамкорликда ишлаб ютқизмадим, - дейди Гулистон туманидаги "Абу-Хурайро" фермер хўжалиги раҳбари А.Қобулов.***

– Мисол учун 2001 йилда МХ-135 русумли трактор сотиб олиш учун 12,6 миллион сўм, 2002 йилнинг январ ойида эса экскаваторга яна 10 миллион сўм кредит олдим. Бу техника воситалари ёрдамида ўзимизга қарашли 174 гектар майдонни, 11 та фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, 1155 гектар ерни ҳайдаб бердик ва 13144 минг сўмлик хизмат кўрсатдик, қилинадиган харажатлардан 3028 минг сўм тежаб қолдик. Фермер хўжалигимиз харид қилинган техникалар ҳисобига 16424 минг сўм даромад олди ва 4 та янги ишчи ўрни яратди. Буларнинг ҳаммаси банк берган кредит шарофати билан бўлди.

Банклар иқтисодиётимизнинг қон томири, асосий бўғинларидан бири. Бўлаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотларни банкларсиз тасаввур қилиш қийин. Кейинги йилларда Гулистон шаҳрининг қиёфаси тамоман ўзгариб кетди, пастқам уйлар, тор кўчалар ўрнига равон йўллар, замонавий бинолар қад кўтарди. Янги турар-жой бинолари, спорт иншоотлари, никоҳ уйлари, бошқа бинолар фойдаланишга топширилди. Бўлаётган ижобий ишларда банкларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Акциядорлик тижорат "Пахта Банк"нинг Сирдарё вилоят бошқармаси ва унинг туман, шаҳар бўлимлари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келяптилар. Банк ходимлари Президентимизнинг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг, "Кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини ҳаётга татбиқ қилиш борасида кўзга кўринадиган ишларни амалга оширдилар.

Бугунги кунда банк бўлимлари 3156 кичик ва ўрта бизнес, 2241 деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Тадбиркорлар қўллаб-қувватланиб, уларнинг бизнес режалари инобатга олинган ҳолда кейинги уч йил мобайнида 1161 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 1473,6 миллион сўмлик кредит ажратилди. Жумладан, 2002 йили 293 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 667,3 миллион сўм кредит берилди.

Қисқа муддатли кредитлар корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ажратилган бўлса, ўрта муддатли қарзлар фермер хўжаликлари чорва моллар сонини ошириш, техникалар ва уларга эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун берилмоқда.

-Вилоят агросаноат комплексига қарашли ташкилот ва корхоналарга банк хизмати кўрсатилиб, пахта, ғалла, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун агротехника тадбирларини бажаришга кераkли бўлган тўловлар амалга оширилмоқда, - дейди "Пахта Банк" вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Бекбоев. – Маълумки, зарар билан ишлаётган ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилди. Меҳнатобод туманидаги 7 та, Мирзаобод туманида 8 та ва Сирдарё туманида битта ширкат тўлиқ фермер хўжалигига айлантирилди. Қарорда кўзда тутилган Мини банклар очиш ва банк хизматини фермерларга яқинлаштириш ишлари тўлиқ бажарилди. Тарқатилган 16 та хўжаликда жами 14 та "Мини банк" очилган бўлса, шундан 9 таси "Пахта Банк" бўлимлари томонидан ташкил этилди. Фермерлар туманлар марказига қатнаб сарсон бўлмасликлари учун банк хизматлари ўша ернинг ўзида кўрсатилмоқда. Бу ҳам фермерларга яна бир қулайликдир. Шу билан биргаликда фермерларга ўз фаолиятини юргизиш учун банк ўз кредитлари билан яқиндан ёрдам бераяпти. 46 фермерга кредит берилган бўлса, 38 тасига бошланғич сармоя ажратилди. Янги фермерларга жами берилган кредитлар 62650 минг сўмни ташкил этди.



Шуниси диққатга сазоворки, банклар фермерларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтиришмоқда. 2002 йил давомида банк бўлимлари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган кредитлар ҳисобига 48 та қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинган бўлиб, шундан 17 тасини "Алтай-Т-4" русумли тракторлар ташкил қилди.

Мисол учун Сайхунобод туманидаги "Каркидон" фермер хўжалиги раҳбари Б.Бозоровга "Алтай-Т-4" русумли трактор сотиб олиш учун банк маблағи ҳисобидан 15500 минг сўмлик ўрта муддатли кредит берилган. Олинган техника ҳисобига ўзига қарашли бўлган 87 гектар ер майдонини ва 9 та фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, 2950 минг сўмлик техника хизмати кўрсатилган. Фермер хўжалиги қўшимча 5 та ишчи ўрни яратиб, олинган техника ҳисобидан 4035 минг сўм даромад олган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуни эътироф этиш керакки, фақатгина ўтган йилнинг ўзида ўрта ва кичик бизнес субъектлари ҳисобига янгидан 531 та ишчи ўринлари яратилди.

Сирдарёда банклар кўп. Энди мижоз учун улар орасида ҳақиқий рақобат бошланган. Мижоз билан яхши муносабатда бўлиш, унинг муаммоларини тушуниш, ечиш учун маслаҳатлар бериш, хоҳиш-истакларини қонун ва ўрнатилган тартиблар доирасида вақтида бажариш банк обрўсини, мижозлар сафини оширади. Деҳқон ва фермер хўжаликларига қулайлик яратиш мақсадида туманларда 2002 йили 9 та мини банк очилиб, уларнинг сони бугунги кунда 11 тага етди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги қарорига асосан ширкат хўжаликлари ўрнига ташкил этилаётган деҳқон ва фермер хўжаликларига яқин жойларда 12 та мини банк очилиши режалаштирилган.

Банк тизимида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган ходимлар талайгина. Бўлим бошлиқлари Абдукарим Мусаев, Маҳмуд Худоёров, Алишер Расулов каби тажрибали мутахассислардан ёшлар ибрат олишмоқда. Ёш банк ходимларининг касб маҳоратини, малакасини оширишга, мижозлар билан муомала маданиятини яхшилашга бу ерда катта эътибор берилаяпти. Бозор иқтисоди шароити, рақобат ҳар бир ишни сифатли, ўз вақтида бажаришни тақозо этаяпти.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




***Мирзачўл ўз номи билан чўл. Бир вақтлар бу чўл саҳросининг бағри-тош эди. Бу ерда бир томчи сув олтинга тенг бўлган. Мирзачўл ҳақида халқнинг азалдан тўқиб келган эртакларидан ҳам қанчадан-қанча орзу умидлари чиппакка чиққанини биласиз. “Фарҳод ва Ширин” афсонасини инсоннинг бу нотанти чўл билан олишувини тасвирловчи энг ажойиб афсона, деса бўлади. Буюк ипак йўлидан Мағрибдан Машриққа ва бошқа томонларга манзил тутган карвонлар шу чўлда ташназир бўлиб ҳолдан тойганлар.***

Ташналикда томчи сув олмосдан қиммат. Олам сув билан мунаввар. Серқуёш ўлкамизнинг гўзаллиги сув билан, қадимдан деҳқончиликнинг юксак даражада ривожлангани ҳам сув билан боғлиқ. Албатта



илгарилари ҳам дарёлар тўлиб-тошиб оқарди. Қадимдан ҳам Марказий Осиё дарёларидан оққан 110 миллиард кубометр сувнинг 73,3 миллиард кубометри Амударёга, 34,1 миллиард кубометри Сирдарёга тўғри келган.

Лекин табиат инъом этган бу бойликдан Мирзачўл бебаҳра эди.

Бир замонлар Мирзо Улуғбек навкарлари билан кимсасиз чўлга кийик овлаш учун чиқибди. Бир маҳал султон Сирдарё ёқасига келиб қолибди. Шунда у навкарларига қараб "Биз Сирдарё билан Зарафшонни бир-бирига туташтирмоғимиз лозим. Шунда кийик овлайдиган жойларимиз боғ-роғларга айланади" дебди.

Сирдарёни чўлга буриш учун ҳаракат бошланибди. Афсуски, барча уринишлар зое кетибди. Аммо “Мирзанинг чўли” деган гап ўшандан қолган экан.

Балким бу ҳам бир ривоятдир. Лекин бу ривоят ва афсоналар ҳақиқатга яқин. Чунки кўплаб подшоҳлар Мирзачўлга сув чиқаришга ҳаракат қилганлиги рост.

Бунга Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги кўҳна сардоба тарихий далил.

XVI асрда Бухоро амири Абдуллахон Жиззах-Туркистон йўлларида кўплаб сардобалар қурган. Бизнинг давримизгача етиб келган ушбу сардоба ҳам Абдуллахон даврида қурилган.

Мирзачўлнинг унумдор бўлиқ ерларидан фойдаланиш учун тарихда кўп ҳаракатлар бўлган. Сирдарё эса ташна чўлга бир томчи ҳам сув бермай денгизга шошар эди. Мирзачўлдаги дастлабки текширув ишларини 1869 йилда ҳарбий топограф Г.Аминов бошлаб берди. У чўлга Зарафшондан сув чиқаришни таклиф қилди. Бироқ чўлни ўзлаштиришга Зарафшоннинг қурби етмас эди.

Шундан сўнг Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг буйруғи билан 1872 йили инженер-технолог Н.Ульянов бошчилигида текшириш олиб борилди. Бу инженер Сирдарёдан Мирзаработ станциясигача, яъни 150 минг гектар ерни суғорса бўладиган канал лойиҳасини тузди. Аммо лойиҳанинг пухта эмаслиги кейинчалик амалда маълум бўлди. Лойиҳанинг энг катта камчилиги, унда техникавий жиҳатлар ҳисобга олинмаган эди.

Канални Тошкент, Хўжанд ва Қурама уездлари аҳолисининг кучи билан қазиш мўлжалланган эди.

Саккиз йиллик уриниш 1880 йили Кауфманнинг ўлими сабабли тўхтаб қолди. Бу пайтгача атиги 13,5 чақирим канал қазилган эди, холос.

Чор Россиясининг пахта хом ашёсига талаби кучли бўлганлиги учун 1894 йили чўлни ўзлаштириш масаласи яна қайта кўтарилади.

1895 йили "Николай ариғи" деб номланган ушбу каналдан сув оқизилади.

1910 йилда қайта ишлаб чиқилган анчагина пухта лойиҳа тасдиқдан ўтади. Қазиш ишларига Путилов



заводидан 70 тоннали бир ковшли йирик котлованлар, ер қазиш учун эса Любенск машинасозлик заводидан кўп ковшли экскаваторлар олиб келинади. Ниҳоят 1913 йилнинг 4 октябрида канални очиш маросими бўлиб ўтади. Дарҳақиқат, ўлкамиздаги бу воқеа ирригация иншоотлари қурилиши борасидаги катта ғалаба эди.

Ўшанда 84 чақиримлик ушбу каналдан секундига 47 куб метр сув ўтган ва бу канал орқали 7600 гектар экин майдонлари суғорилган.

Ушбу канал турли даврларда ҳар хил номлар билан аталиб келинган. Аввалига Романов номли, кейин Шимолий Мирзачўл канали, собиқ шўролар даврида Киров номи билан аталди.

Ҳозирги вақтда “Дўстлик” номи билан аталган ушбу каналдан 230 метр куб секунд сув ўтади. Узунлиги 116 чақирим. Ушбу канал орқали 225 минг гектар ерга оби ҳаёт берилади.

Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Гулистон ва Сайхунобод туманларидаги 50 минг гектарлик экин майдонлари ҳам шу каналдан олинган сув орқали суғорилади.






-Мирзачўллик ирригаторларнинг тажрибасини вақти келганда кўплаб мамлакатлар ўрганган, - дейди “Дўстлик” каналининг 2-бўлими бошлиғи, тажрибали мироб Маматқул Очилов. – Сирдарёда сув иншоотларининг фаолиятисиз вилоят равнақини кўриб бўлмайди. Чунки қишлоқ хўжалигида эришадиган ютуқларимиз аввалambor сув билан боғлиқ.

Умуман сув ҳақида гапириш ҳам, ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Дарёлар оқаяпти, демак сув бор ва сув ҳақида истаганча сўз айтиш мумкин. Лекин сув билан боғлиқ муаммоларнинг ичига кириб борсангиз, шунчалик сўз айтиш қийин.

Тарихнинг кейинги йилларида суғориш ишларида кескин жадаллик бўлди. Янги ерлар очилди, экинзорлар кўпайди. Лекин булар ягона денгизимиз Оролнинг насибасидан қирқилганини ҳам ҳаммамиз биламиз.

Ҳозирги вақтда миробларга жуда катта бир масъулият – сувни тежаб, оқилона фойдаланиш юклатилди.

Сувнинг маълум қисми суғориш пайтида исроф бўлаётгани ҳам сир эмас. Ўз навбатида сувнинг анча қисми ерости сувларига қўшилиб, унинг юқорига кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

-Ҳозирги вақтда мукаммал сув иншоотларини барпо қилиш орқали сувни тежаш, сувнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш керак, -дейди Сирдарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жўрабой Шарипов.

- Биз вилоятимиздаги мавжуд каналларнинг сувини тақсимловчи иншоотларни энг замонавий жиҳозлар билан қайта барпо қилмоқдамиз. Масалан, Жанубий Мирзачўл каналидаги 145-пикет сув тақсимловчи иншоотдаги иш фаолияти франциялик мутахассислар билан ҳамкорликда тўлиқ компьютерлаштирилди. Бў ердаги барча ишлар, яъни сув бекитгич ва очқичлар автоматлаштирилган. Каналдаги сувнинг сатҳи, миқдори ва тақсимотини компьютерлар назорат қилиб боради. Умуман нафақат бизнинг вилоятимизда, бутун республикамизда суғориш ишларини такомиллаштириш орқали сувни тежашга эришишимиз мумкин.

Кўҳна тарих саҳифаларида қайд этилишича, заҳматкаш ота-боболаримиз жуда қадимдан бошлаб ҳар томчи сувдан ҳисобли ва оқилона фойдаланиб келишган. Ўтмишда бир қўш ерга бериладиган сув “Мўнди” билан ўлчанган. Қолган сув ўлчамлари қуйидаги атамалар билан номланган. “Бир сув” (ариқда бир кеча-кундузда оқиб ўтган сув), “бир тегирмон” (бир дул донни тегирмонда тортгунча кетадиган сув), “бир қўш” (бир қўш хўкиз билан ҳайдаладиган ерни суғориш учун етадиган сув) ва “бир булоқ” (ариқдан оқаётган сувнинг бешдан бир бўлаги).

Жанубий Мирзачўл каналидаги 624-сув тарқатиш иншоотида бўлганимизда, шу бўлимнинг бошлиғи Зулқайнар Давидов бизни Франциянинг “BRL” компанияси ўрнатган сув ўлчовчи дастгоҳлар билан таништирганди. Мен ана шунда ота-боболаримиз мирobчиликда бундан юз йиллар аввал сув тақсимоти бўйича жуда мукаммал даражага етганларига яна бир карра амин бўлдим.










***Гуллар ичида биринчи бўлиб, совуқ забтига ҳам дош бериб униб чиқадиган бойчечакни биз кўпроқ қир ва адирларда, тоғ ёнбағирларида кўрамиз. Лекин баҳор элчиси бўлган бойчечак чўл далаларига ҳам гўзал бир ярашиқ берар экан.***

Буни биз Мирзачўл тумани ҳудудидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги марказига қараб кетаётган йўл бўйидаги эски бедазорда кўрдик. Ҳаво бироз совуқ бўлишига қарамасдан, кенг далада униб чиққан нозик-ниҳол бойчечаклар чўлда ҳам баҳор бошланганидан далолат берарди.

Бойчечаклар одатда гўзал ва файзли жойларда ўсади. Демак, Мирзачўл ҳам фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари, яратувчанлик қудратлари, эзгу ишлари туфайли обод масканга айланганлигига шу бойчечак



шоҳид бўлса, ажабмас. Чунки олдинлари минг йиллар давомида қақраб ётган чўлда ҳаёт аломати сезилмасди. Лекин бу заминда битмас-туганмас бойлик инсонлар кўзидан яшириниб ётарди.

Вақти келиб, ўзбекистонлик турли миллат вакилларининг жасорати ва матонати туфайли бепоён чўлу биёбонларга обиҳаёт келтирилди. Одамлар бу ерларга ўтроқ яшаш учун кўчиб кела бошладилар. Янги-янги қишлоқлар пайдо бўлди. Кўркам-кўркам бинолар қад ростлади. Инсон меҳнатининг ҳосиласи сифатида бунёд қилинган боғларга булбуллар ва бошқа қушлар учиб келиб қўним топишди. Чўлда ҳаёт жонланди. Замин ҳам ўз саховатини инсонларга инъом этишда тантилик қилди.

Бугунги кунда биргина кўрикнинг гултожи бўлган Мирзачўл туманида 50 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилигининг ота-оналари турли жойлардан чўлни ўзлаш-



тириш ва шу ерда абадий макон қуриш учун келишган бўлса, бугун уларнинг фарзандлари, яъни Мирзачўлда туғилганлар бу ерни ота маскан сифатида эътироф этишиб, ўзларини ҳақиқий мирзачўлликман, деб аташмоқда.

Улар ҳам оталари каби чўлни янада обод қилиш ва келгуси авлодга янада гўзал бир диёрни қолдириш учун бор куч-ғайратларини аямаётир. Ҳа, Мирзачўлда юрт фаровонлиги, эл дарди билан ёниб яшайдиган инсонлар сони ортиб бормоқда. Улар бор шиддатларини, меҳнатларини, эзгу мақсадлари-



ни туман истиқболи учун бахшида қилмоқдалар.

Туман иқтисодиётида ривожланиш бўлса, бу аввалambor шу туманда яшовчи инсонларнинг турмуш даражаси юксалишига, тўқ ва фаровон яшашларига имкон ва имтиёз яратади. Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асл моҳиятини, мақсад маъносини, унинг келажакдаги самарасини мирзачўлликлар ҳам яхши англаб етишган. Шунинг учун улар бозор иқтисодиёти тамойилларига мос иш тутумини юритишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида одамларнинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгара бошлади. Айниқса, ерга эгаликнинг ширкат, ижара шакллари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг вужудга келиши қишлоқ аҳлида мулкка эгалик туйғусининг ўсиши, ишга нисбатан янгича муносабатларнинг тубдан ўзгаришига кескин таъсир қилди.

Натижада бугунги кунда қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг асосий қисми нодавлат сектори зиммасига тўғри келмоқда. Чунки, ҳозирги кунда туманда 800 дан ошиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётир. Уларга йигирма олти минг гектарга яқин ер майдонлари узоқ муддатга ижарага берилган. Қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтказишда фермерлик усули қўл келаётир. Чунки, бу усулда ер ўз эгасини топмоқда. Қолаверса, туманда ҳам қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароити яратилган. Бугунги кунда фермерлар ҳосил салмоғи ва сифатини яхшилаш, ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликда юқори кўрсаткичларга эришиш учун бор мавжуд имкониятларни ишга солмоқдалар.

Фермер бугун чин маънода ернинг ҳақиқий эгаси. Қишлоқ мулкдорлар синфини шакллан-



тиришни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фермерларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, молия-



вий иш юритишнинг услуб ва механизмларини ривожлантириш, шартномавий муносабатларда уйғунликни таъминлаш аграр соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасини таъминловчи асосий тамойиллардир.

-Туманимиз меҳнаткашлари шўро даврининг асоратлари бўлган боқибеғамлик, ўзибўларчилик ва бошқа салбий хислатлардан аста-секинлик билан озод бўлмоқдалар, - дейди туман ҳокими Муса Анорбоев. – Кўпроқ ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, яъни жойлардаги мавжуд хомашё ҳисобига ишлайдиган корхоналарни барпо қилиш керак. Шунингдек, ҳунармандчиликни ривожлантириш зарур. Ахир ота-боболаримиз моҳир тўқувчи, косиб, чилангар уста, наққош бўлишганку...

Туманда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ҳам бирмунча ишлар қилинаётир. Чунки бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантирмасдан туриб, кишиларни бой қилиб бўлмайди. Мирзачўл туманида ҳозирги вақтда мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектла-



ри, олтмишга яқин хусусий фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, зардўзлик, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа ҳунармандчилик турлари ривожланиб бормоқда.

Кейинги йилларда туман иқтисодиётида янги йўналиш – ташқи дунё билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга интилиш кучаяётир. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил қилиш учун имконият изланаётир.

Тумандаги “Иржар-Текстил” Ўзбекистон – Покистон қўшма корхонаси ўтган йили инвестиция дастурига киритилди. Бундан ташқари, яқин вақт ичида тумандаги “Ғалаба” фермер хўжалиги ҳамкорлигида Россия Федерациясининг “Мель-Инвест” корхонаси билан суткасига 50 тонна сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган тегирмон комплекси қурилади. Туманда қўшма корхоналарнинг барпо этилиши нафақат харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шу билан бирга янги иш жойларининг очилишида муҳим рол ўйнаши шубҳасиз.

**Уйғунлик**

Мирзачўл туманида турли миллат вакиллари яшашади. Улар ўртасидаги тотувлик мустаҳкам қарор топган. Бу ерда яшаган инсонлар, қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, ягона Ўзбекистон учун, унинг шаъни, шуҳрати ва қудрати учун фидойидирлар.

Айнан шу туманда республикамиздаги ягона Анорқул Кулмонов номли Жиззах вилоят қозоқ мусиқали драма театри фаолият кўрсатади.

-Бизнинг театримиз жамоаси икки миллат вакилларининг азалий дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, - дейди театр директори Тоспўлат Пармонов. – Биз ўзбек драматургларининг асарларини саҳналаштириб, қўшни Қозоғистон республикасида намойиш этиб, ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари билан таништирмоқдамиз.



Биз театрда бўлганимизда, у ерда Наврўз байрамига бағишланган оқинларнинг айтишуви ўтказилаётган экан. Бу айтишувда бир неча бор республика кўрик-танловларида ҳам ғолиб бўлган тумандаги 18-мактаб директори Бўтакўз Алихонова энг яхши термалари билан ҳаммани лол қолдирди.

*Торлет, Наурыз!*
*Мерекелі жыл басы*
*Қарттарымның қадірмеді,*
*совғасы*
*Боз баланың үкіленген үміті*
*Бой жеткеннің сыңғыр*
*қаққан сырғасы.*

Бугун Мирзачўлда Наврўз. Эзгу мақсадлар йўлида яшаб, меҳнат қилаётган туман аҳли учун ҳар қандай байрам ҳам ярашади.

Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, “...ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақатгина ўзимизнинг қўлимиздадир”.

Дарҳақиқат, заҳматкаш ва



фидойи Мирзачўл тумани халқи ҳам ўз меҳнати ва эзгу интилишлари билан ана шундай одим ташламоқда.

**Раззоқ БОТИРОВ.**
**Б. АКРАМОВ олган суратлар.**







# “ПАХТА БАНК” –

***Республика Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, ислоҳотларнинг бориши ҳамда 2003 йилнинг долзарб вазифаларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида аграр тармоқ аҳволи масаласига атрофлича тўхталди. Бу бежиз эмас, албатта.***

Ҳозирги кунда қишлоқда бозор муносабатларига оид қандай ижобий ўзгаришлар юз бермоқда? Қишлоқ хўжалик ширкатлари шаклланмоқда. Уларнинг аъзолари мол-мулк пайлари эгаларига айланмоқда. Зарар кўриб ишлаган ва паст рентабелли хўжаликлар негизида фермер хўжаликларини ташкил қилиш давом этмоқда.



Ширкат ва фермер хўжаликлари, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабат ва ҳисоб-китоблар тизими тубдан ўзгармоқда. Барча мол-мулк шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида молия ҳисоб марказлари ташкил этилди. Сарф-харажатларни назорат ва ҳисоб-китоб қилиш ишлари чек тизими асосида олиб борилмоқда. 2002 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар фаолиятини молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу масалаларнинг ҳар томонлама муваффақиятли ҳал этилиши бутун банк тизимининг ва биринчи навбатда “Пахта-Банк”нинг хизматига бевосита боғлиқдир. Зеро, Республикадаги энг йирик акциядорлик тижорат банки бўлган “Пахта-банк” аграр соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг молиявий воситачиси бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий қисмига хизмат кўрсатаётган Пахта Банк бугунги кунда устав капитали ва активлари салмоғи бўйича Ўзбекистондаги йирик универсал банк даражасига кўтарилди.

Акционерлар сафи ҳам аввалги йилдагига нисбатан анча кенгайди. Уларнинг сони 56 мингдан 69 мингтага етди. Шулардан 54 минги жисмоний шахслардир. Банкнинг йирик муассислари сафида “Ўзпахтасаноат” акциядорлик Ассоциацияси, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” Давлат акциядорлик корпорацияси, Агромашсервис, Ўзагросуғурта компанияси ва бошқа нуфузли ташкилотлар бор.

Ўтган йили акциядорларнинг банк фаолиятини бошқаришдаги роли банкнинг молиявий мустақиллиги янада кенгайиши билан уйғун холда ўсиб борди. Кредит, инвестиция ва кадрлар сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича келишилган ҳолда қарорлар қабул қилинаётгани, банк бошқаруви ва кенгаши йиғилишларида банк фаолияти якунлари мунтазам кўриб борилаётгани корпоратив бошқарув тизимини янада мустаҳкамлади ва ишнинг самарали давом этишига ёрдам бермоқда.

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

“Пахта Банк” томонидан бозор иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бири бўлган хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб қувватлаш, уларнинг банк кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, банк ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш борасида ҳам кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Буларнинг натижасида банк мижозлари ўртасида хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларининг сони сезиларли даражада ортганини кўриш мумкин. Мисол учун, 2003 йил давомида ана шундай мижозлар сони 13607 тага кўпайиб, жами 59084 тани ташкил этди. Мана шу далилнинг ўзиёқ “Пахта Банк”ка нисбатан ишонч нечоғли мустаҳкамланиб бораётганидан яққол далолат бериб турибди. Ўз навбатида, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига 2002 йил давомида 11632 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, 8647,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.



Ўтган йил давомида банк томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган кредитлар миқдори 5310,9 миллион сўмни ёки жами ажратилган кредитларнинг 37 фоизини ташкил қилди. Микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш мақсадида “Бизнес Фонд” жамғармаси томонидан ажратилган 696 миллион сўм ва Республика Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилган 75,9 миллион сўм маблағ ўз муддатида тўлиқ ўзлаштирилган.

Микрокредитлашни янада ривожлантириш, банк ресурс базасини ошириш мақсадида халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик олиб борилиши натижасида “Пахта Банк” ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида 2002 йилнинг сентябр ойида 7,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномаси имзоланган эди. Ушбу шартномага асосан ажратилган дастлабки 300 минг АҚШ доллари банкнинг 6 та филиали томонидан тўлиқ ўзлаштирилди.

## МИНИ-БАНКЛАР – ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИДА

Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда ялпи иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Мустақилликдан кейинги йилларга назар солар эканмиз, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганлигига яна бир бор амин бўламиз.

Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, товар-моддий бойликлари билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, ерларнинг сифатини яхшилаш, аҳолини ва қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашё билан таъминлаш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришдек мақсадларга эришиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

“Пахта Банк” томонидан ўтган йил давомида 641 та ширкат (жамоа) хўжалигига 6,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Кредит қўйилмасининг 64,4 фоизини эҳтиёт қисм ва техника воситалари, 10,4 фоизини уруғлик, 9,9 фоизини қорамол ва ем-хашак, 15,3 фоизини минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва шу каби эҳтиёжлар учун берилган кредитлар ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг маблағлар айланишида юзага келадиган узилишлар олдини олиш мақсадида банк томонидан “Ўзагромашсервис” уюшмасига 4,8 миллиард сўм, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” ДАК корхоналарига 5,8 миллиард сўм, жами 10,6 миллиард сўмлик факторинг операциялари амалга оширилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун “Ўзагромашсервис” уюшмасига 1,8 миллиард сўм, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” ДАК тизимидаги корхоналарга хомашё ва минерал ўғит харид қилиш учун 314,8 миллион сўм кредит ажратилди.

Тармоқда қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Лекин ҳар қандай корхона ҳам бундай эҳтиёжни ўз ҳисобидан қондириш имкониятига эга эмас. Шундан келиб чиқиб, республика қишлоқ хўжалиги банк маблағлари ҳисобидан лизинг шартлари асосида 544,1 миллион сўмлик трактор, прицеп ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланди. Шунингдек, жорий йилда “Қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси” билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналарига 1805 та трактор лизинг асосида етказиб берилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 2002 йилги пахта ҳосили учун ажратилган 333,7 миллиард сўм, 2002 йилги ғалла ҳосили учун ажратилган 124,8 миллиард сўм маблағ, 2003 йил ғалла ҳосили учун йўналтирилган 24,9 миллиард сўмлик бўнаклар нафақат ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш, балки соҳада дебитор-кредитор қарзларни қисқартириш имконини ҳам беради.

Ўтган йилнинг 5 январида Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори қабул қилиниб, унда 83 та хўжаликни, хусусан, Сирдарё вилоятидаги Меҳнатобод ва Мирзаобод, Фарғона вилоятидаги Ёзёвон туманларида тўлиқ фермер хўжаликларига айлантириш белгиланган эди. Шунингдек, янги ташкил этиладиган фермер хўжаликларига қулай шароит яратиш мақсадида тижорат банкларига мини-банклар очиш вазифаси ҳам юклатилганди. Унгача ҳам банк томонидан республикамизнинг турли ҳудудларида мини-банклар очиш ишлари олиб борилаётган эди. Ҳукуматнинг навбатдаги қароридан сўнг эса уларнинг сони 58 тага кўпайиб, жами 162 тани ташкил қилди. Бугунги кунда улар орқали 7,5 мингга яқин фермер хўжалигига хизмат кўрсатилмоқда.

Жорий йилда банк иштирокида қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-кувватлашга оид қатор чора-тадбирларни амалга ошириш



мўлжалланмоқда. Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки кредит линияси ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасидаги Элликқалъа, Қаш-қадарё вилоятидаги Нишон, Андижон вилоятидаги Марҳамат, Сурхондарё вилоятидаги Шеробод ва Тошкент вилоятидаги Оҳангарон туманларида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ана шу тадбирлар сирасига киради. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда лойиҳани бошқариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 августдаги 356-сонли қарорига асосан Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида “Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш” лойиҳаси учун махсус Агентлик ташкил этилди.

Лойиҳанинг умумий миқдори 43,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, у 4 йил давомида амалга оширилади. Лойиҳа 5 та – “Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати”, “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш”, “Ирригация ва дренаж тармоқларини яхшилаш”, “Хусусий машина-трактор паркларини ривожлантириш” ва ниҳоят “Лойиҳани бошқариш” йўналишларидан иборат. Яқинда Республика Молия вазирлиги, қишлоқ хўжалигини таркибий қайта тузиш агентлиги билан қарз маблағларининг 600 минг АҚШ долларилик биринчи босқичини ўзлаштириш бўйича қайта кредитлаш шартномаси имзоланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарорига асосан, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалдаги аванс бериш механизми ўрнига, фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқариш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмини синаб кўришга розилик берилди. Ушбу қарорга мувофиқ, “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хомашёси ва ғалла етиштириш бўйича фермер хўжаликларининг харажатларини кредитлашнинг вақтинчалик тартиби” ишлаб чиқилди.

Мазкур тартибга мувофиқ, Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси” билан биргаликда тайёрлов корхоналари билан шартнома имзолаган фермер хўжаликлари аниқланиб, уларнинг кредитга бўлган эҳтиёжлари ҳисоб-китоб қилинди. Шунингдек, тегишли вилоятлардаги банк бўлимларида фермер хўжаликларига мазкур механизм тўғрисида тушунчалар бериш, улар билан кредит ресурсларига бўлган ойлик талабларни ҳисоблаш ишлари олиб борилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2003 йилни фойда билан якунлайдиган хўжаликлар сони 2002 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайиши кутилмоқда. Бу эса ўз навбатида кредитга лаёқатли мижозлар сонини ошириб, тармоқда банк кредит қўйилмаларининг ортишига имкон яратади. Шунингдек, жойларда туман марказларидан узоқда жойлашган фермер хўжаликларига қулай шароит яратиш учун мини-банклар тизимини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган.

## БУНЁДКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

“Пахта Банк” кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, давлат корхоналари ва ҳиссадорлик жамиятларига, компанияларга ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш, шу билан бир қаторда халқ хўжалигининг муҳим қурилиш иншоотларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси инвестиция Дастурини бажаришда ҳам фаол қатнашиб келаяпти. Хусусан, 2002 йил учун тасдиқланган қурилиш иншоотлари манзил рўйхатига кўра, “Пахта Банк” муассасалари томонидан капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари бўйича 299 объектни 24725,7 миллион сўмга молиялаштириш режалаштирилган эди. Жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан 294 объектни – 21478,0 миллион сўмга, тижорат кредитлари ҳисобидан 2 объектни – 614,8 миллион сўмга ва корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобидан 3 объектни – 2492,9 миллион сўмга молиялаштириш кўзда тутилган эди. Амалда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари бўйича 23083,8 миллион сўм миқдорида, шу жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан 20647,6 миллион сўмга, марказлашган кредитлар ҳисобидан 140 миллион сўмга, тижорат кредитлари ҳисобидан 760,2 миллион сўмга ва хўжаликларнинг хусусий маблағлари ҳисобидан 1536 миллион сўмга молиялаштирилди.

2002 йилда “Пахта Банк” муассасалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан 14852,1 миллион сўмга Фарғона вилояти ҳокимлиги объектлари, 2572 миллион сўмга Нукус “Оролбўйи” БД объектлари, 509,6 миллион сўмга Бухоро “Оролбўйи” БД объектлари, 166,1 миллион сўмга Давлат ўрмон қўмитаси объектлари ва бошқалар молиялаштирилган.

Ўтган йили Андижон вилоятининг Ойим қишлоғида ип-йигирув фабрикасининг давом этаётган қурилиши

Шажара

# ЗАНГИОТАНИНГ ТАБАРРУК УДУМИ

***Урф-одатлар ва анъаналарнинг фазилати беқиёсдир. Унда миллатнинг қадри, ўзлигини англаши, ўтмиши ва келажаги ётади. Чунки улар халқнинг миллий ва маънавий оламига озуқа бериб турадиган муҳим омилдир. Уларсиз ҳаётимиз маъносиз ва ғариб бўлиб қолади.***

Мамлакатимиз мустақил экан, миллий урф-одатларимиз бўй-басти билан тикланиши ва замонамизнинг янги удумлари билан бойиб бориши лозим. Қадимий ва навқирон наврўз асрлар мобайнида кишилар онгида ҳаётбахш руҳ уйғотиб, замонлар синовидан ўтган.

***Бу не ҳолким, ёшарибдур***
***само ҳам, ер ҳам?***
***Ёшартирмиш қалбларни***
***Наврўзи олам!***

деганида шоир қанчалар ҳақ сўзни айтган.

Умуман Наврўз байрами кўкламда юз берадиган табиат уйғониши, бутун борлиқ жисмида юз берадиган янгиланиш, сарин еллар нафаси билан йўғрилган яшаш нашидасининг ажойиб тимсолидир.

Қиш изғиринлари чекиниб, оппоқ қорли либосларини ечган қирадирларда кўклам элчиси бойчечак юз кўришди. Она-Ўзбекистонимизда янги йил, яна Наврўз кириб келди. Бу йил серёғин келган қиш, заминимизда сув мўл бўлишлигини таъминлаб хурсанд қилган бўлса, баҳорнинг илк кунларидан бошлаб ёққан кўклам ёмғирлари бободеҳқонларимизга олам-олам қувонч келтирди.



Бугун юртимизнинг барча гўшаларида Наврўз байрами нишонланаётир. Бу байрам барчага руҳий кўтаринкилик, ҳаётга интилиш, ҳаётни, оламни янада гўзал қилишга ундамоқда.

Пойтахт вилоятининг Зангиота туманида ҳам бу йил Наврўз янада ўзгача бир гўзаллик ва тароват билан нишонланмоқда. Чунки зангиоталиклар пок ниятларни дилга тугиб, буюк келажак сари, яъни авлодларга буюк ва қудратли заминни мерос қолдириш учун мустақилликка эришганимизнинг илк йилларидан бошлаб катта шижоат, умид ва ишонч билан меҳнат қилиб келмоқдалар ва кўзлаган мақсадларига эришмоқдалар.

Уларнинг қилаётган эзгу ишларига ва ўзларига улуғ мутафаккир ва мутасаввуф донишмандлардан бири бўлган Зангиотанинг руҳи мададкордир. Чунки исмлари Ойхўжа ибн Тошхўжа бўлган Зангиота шу туман ҳудудида умргузаронлик қилганлар.



Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳам бу пири комил инсонга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараган. Шундан бўлса керак, Зангиота мақбарасини ҳам Амир Темур қурдирган. Ҳозир бу табаррук масканга бутун ислом оламидан зиёратчилар келиб турибдилар.

Муҳтарам Президентимиз ҳам туман ҳудудида шундай буюк зотларнинг қадамжолари борлигини айтиб: "Бутун ислом дунёсида маълум ва машҳур Зангиота мажмуининг кейинги йилларда тубдан қайта таъмирланиб, гўзал ва обод зиёратгоҳга айлантирилгани савобли ишлардан бири" эканлигини таъкидлаган эдилар.

Зангиота туманининг ерлари ниҳоятда унумдор, деҳқонлари уста миришкор. Туман қишлоқ хўжалиги кўпроқ сабзавот, полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган. Тошкент шаҳри аҳолиси зангиоталик деҳқонлар етиштирган сабзавот ва полиз маҳсулотларидан қишин-ёзин баҳраманд бўладилар.

Тумандаги "Ўзбекистон", Алишер Навоий номли, "Тошкент", "Зангиота" ширкат хўжаликлари, "Бўзсув" деҳқон-фермерлар уюшмаси деҳқонлари сабзавотлардан



республикамизда энг юқори ҳосил олишга эришмоқдалар.

"Қўйлиқ" хусусий иссиқхонаси эса мамлакатимиздаги энг йирик сабзавот фабрикаларидан биридир. 23,5 гектар майдонни эгаллаган ойнаванд далаларда куз ва қиш мавсумида йилига икки минг тоннадан зиёд сархил сабзавот ва резаворлар етиштирилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда Зангиота туманининг ўзига хос тажрибаси яратилаётир.

Аввалamбор мулк шаклидаги ўзгаришлар қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди. Эндиликда ҳар бир фермер ва ширкат хўжалиги ижарачилари шахсий меҳнатидан келиб чиққан ҳолда, қилаётган меҳнатларига муносабатларини ўзгартирдилар. Натижада турли хилдаги мулкчилик кўринишларига асосланган иқтисо-



диётни барпо этишмоқда. Бугун баъзи бир ўз ишини пухта биладиган зангиоталик деҳқонлар учун 5-10 миллионлик йиллик даромадлар чўт бўлмай қолди. Чунки улар ўзлари мулк эгаси бўлгач, имкон қадар ердан унумли фойдаланиб, ҳосилдорликни кўпайтириш эвазига эса катта даромад қилиш учун қатъий ҳаракат қилмоқдалар.

Бугун деҳқонман, деган зангиоталикларни фақат далада учратасиз. Қайсидир бири картошка ёки карам экаётир, яна бири яқин кунларда бозорларимиз кўрки бўла-



диган қулупнайни парваришлаш билан банд. Кимдир эса етиштирган резаворларини йиғиштирмоқда.

Айниқса, кўкламда Зангиота боғларига келсангиз, баҳор гўзаллигини, табиат инъомини, турли мевали дарахтларнинг камалак мисол гўзаллигини шу ерда кўрасиз ва баҳорга яна бир бор ошуфта бўласиз.



Илгарилари Зангиота асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган туман бўлган. Бугунги кунда эса у ўн йил олдинги тумандан батамом фарқ қилади. Туман иқтисодиёти мустақиллик йилларида беқиёс даражада ўсди ва янада ривожланиш сари дадил бормоқда.

Саноат, ўрта ва кичик бизнес ривожланиб, туман иқтисодиёти йилдан-йилга юксалиб бораётир. "Излаган имкон топади", дейдилар. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш натижасида бугун саноат туманнинг етакчи тармоғига айланди. Бугунги кунда туман ҳудудида жойлашган саноат корхоналарида жаҳон андозаларига мос қишлоқ хўжалик техникалари, сув насослари, полиэтилен плёнкалари ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда "Фаровон" масъулияти чекланган жамият корхонасида турли хил ичимликлар тайёрланмоқда ва улар ўз маҳсулотларини экспортга ҳам чиқаришаётир. Шунингдек, чет эл инвестициялари жалб этилиб, хорижликлар билан янги-янги қўшма корхоналар, янги линиялар ва кичик корхоналар барпо этилмоқда.

Ушбу корхоналарнинг ишга туширилиши туман иқтисодиётини



юксалтириш билан бирга, янги иш ўринларини барпо этмоқда.

Зангиота туман ҳудудидаги қўрғон ва қишлоқлар қиёфаси ҳам йилдан-йилга гўзаллашиб, янги-янги иншоотлар – маданий, маиший, тиббий масканлар қурилиши ҳисобига чирой очиб бормоқда. Энг замонавий лойиҳалар асосида қурилган Қатортол қишлоғи ва туман марказини Назарбек ва Иттифоқ қишлоқлари билан боғловчи "Шойимкўприк", Эркин қишлоғидаги "Ёнғоқ", Назарбек қишлоғидаги "Назарбек" гузарлари, янги мактаб ва яқинда ишга туширилган ва бугунда 200 дан ортиқ бўлғуси тиббиёт ходимлари таҳсил олаётган Зангиота тиббиёт коллежи шулар жумласидандир.

Туманда маориф ва маърифат ишларини юксалтиришда "Фаровон" МЧЖ корхонасининг ҳам муносиб улуши бўлаётир. Ушбу корхонанинг кўмаги билан тумандаги Алишер Навоий номли хўжалик ҳудудида 500 ўринли замонавий мактаб қуриб берилди.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Зангиота туманида ҳам ёшларни нафақат маънавий, балки жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш, саломатлигини тиклаш ҳам доимий эътиборда. Ҳозирги кунда туманда бешта ўйингоҳ, сув ҳавзаси, икки теннис корти, 36 та футбол майдонлари, 28 та спорт залларида спортнинг бир қатор турлари бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари туман ҳудудида соғломлаштириш, болалар ва ўсмирлар мактаби ишлаб турибди. Ўтган йили ишга тушган "Олтин тақа" спорт мажмуаси республикамиздаги ягона спорт клуби, десак бўлади. Бу ерда икки юз-



дан ортиқ ёшлар спортнинг бокс, кикбокс турлари билан шуғулланиш билан бирга от спорти билан ҳам шуғулланадилар. Етмишдан ортиқ зотли отлар улар ихтиёрига бериб қўйилган.

Зангиота туманининг обод ва кўркам бўлиб боришида албатта маҳаллаларнинг беқиёс ўрни бор. Айниқса обод маҳалла йилида тумандаги маҳаллаларда жуда катта ишлар олиб борилаётир. Айниқса, шундоққина пойтахт биқинида жойлашган Хонобод қишлоғини ортиқча таърифлашга ҳожат йўқ. Хонободда Наврўз байрамига алоҳида тараддуд кўрилди. Кўчалар чиннидек қилиб тозаланди. Минглаб турли дарахт кўчатлари экилди. Байрам арафасида маҳаллалардаги боқувчисини йўқотган ва ногиронларнинг аҳволидан хабар олиниб, совға-саломлар топширилди.

Ҳа, бугун зангиоталик бағрикенг, шижоатли, саховатли инсонлар ҳар йили янги йил – Наврўзни жуда кўтаринки руҳ билан кутиб оладилар. Чунки келаётган йилнинг яхши келиши кўп жиҳатдан инсонларнинг эзгу ишлари, мақсадлари, интилишлари билан боғлиқ.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Нурмамат АЛМУРОДОВ**
**олган суратлар.**

Ризқ

# НОН – НЕЪМАТЛАР СУЛТОНИ

***Фарғона водийсида қайси бир ёши улуғ билан суҳбат қурмайлик, дуога қўл очишади: Тинчлик-осойишталикда яшаётганидан, дастурхонлари нозу неъматлар билан тўлиб-тошганидан, энг асосийси ҳамма хонадонда нон борлигидан шукроналик йўғрилган сўзларни тилга олишади.***

Тўғри-да, дунёда қорни тўйиб нон емаган юз миллионлаб одамлар борлигини кўз олдимизга келтирар бўлсак, шукур қилмасликнинг ўзи инсофдан эмас.

Савдо пештахталаридаги бир-биридан хуштаъм, дастурхонга қўйсанг кўрк бағишловчи турли-туман



нон маҳсулотларини кўриб кўз қувнайди. Кўнгилларга хотиржамлик тушади.

"Марғилоннон" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида тайёрланаётган нон, булочка, макарон ва қандолат маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлаётир. Акциядорлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва хилма-хиллигига эътибор қаратаётир. Натижада 61 хил нон ва булочка, 3 хил макарон, 16 хил қандолат маҳсулотлари эл дастурхонига тортиқ этилаётир. Макарон ва қандолатга бўлган талаб-истакларни инобатта олиб шундай маҳсулотларни тайёрлаш кўпайтирилди. Ноннинг ширмой нон, оби нон, оширма нон, туркмен чуреги, пиёзли ва майизли нон турлари аҳоли томонидан суйиб харид қилинаётир.

Жамоада 170 нафар киши ишлайди. Уларнинг ярмига яқини аёллар. Аёл бор жойда покизалик, саришталик бўлади. Яқинда халқаро хотин-қизлар байрами билан уларга совға-саломлар улашилди. Наврўзи оламга эса ҳар йилгидан бошқача тайёргарлик кўрилган.



-Маҳсулот таннархини пасайтириш учун харажатларни камайтириш йўлидан борганлар доғда қолмайди, - дейди акциядорлик жамияти раиси Баҳодир ака Тошматов. – Биргина унни қопсиз келтиришнинг ўзидан 800 минг сўм тежалди. Газ, сув, электр энергияси ва ёнилғи-мойлаш материалларидан ҳам тежаб-терғаб фойдаланиш муҳити вужудга келтирилди. Ҳамма цехларга ўлчагичлар ўрнатилди. Ҳисобини билганнинг ҳамёнига барака киради. Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтган йили 88 тийин сарфланди. Бозор иқтисодиётида рақобат кучайиб бораётгани жуда кўнгилдагидек ҳол, - дея сўзини давом эттиради акциядорлар сардори. – Айрим ҳолатларда ноҳолис рақобат вужудга келаётир. Марғилон кўчаларида ўнлаб хусусий тадбиркорлар томонидан бир қарашда жуда чиройли булка нонлар сотилаётир. Аммо шундай булка нон ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти сертификатсиз фаолият кўрсатаётгани ташвишли. Стандарт талабларига жавоб бермайдиган, одамлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли юқори бўлган нонлар тайёрланаётган хонадонларда бўлсангиз, у ердаги санитария аҳволидан кўнглингиз ранжийди. Булка ва булочка нонларини нон корхоналари дўконларидан харид қилганларнинг соғлигига зиён етмаслиги кафолати бор.



Баҳодир ака ишчиларга яратилаётган шарт-шароитлар хусусида фахр билан гапирди. Дивидендлар йил сайин ортиб бораётгани, ойлик маошлар миқдорлари кўпайиб бораётгани айни муддао. Ўтган йили ишчи-хизматчиларга 12 миллион 337 минг сўм моддий ёрдам берилди. 42 миллион сўм мукофот пуллари тарқатилди. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган асал, лимон маҳсулотларини ишчилар бепул олишди. Акциядорларнинг 20 нафар фарзандларини имтиёзли дам олишлари ташкил этилди. Ходимлар дам олиш уйларига юборилди.

Наврўз байрами арафасида корхона томонидан жуда катта хайрия ишлари қилинди. Марғилондаги кўзи ожизлар мактаби, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ўнлаб меҳнат ва уруш фахрийлари, маҳалладаги кам таъминланган оилалар ва муҳтож қарияларга мурувват кўрсатилди.

Нонни неъматлар султони, дейишади. Эл дастурхонига сифатли ва мазали нон маҳсулотлари тайёрлаб бераётганларнинг ўзлари ҳам нондек азизу мукаррам бўлиб юраверишсин. Шодликлар элчиси Наврўзингиз муборак, азиз ҳамюртлар!

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА**

# УРГУТ ТОҒЛАРИГА БАЙРАМ ЯРАШАР

***Ургутда оқ кулоҳли тоғларга туташган Тўпхона аталмиш бир мавзе бор. Кексаларнинг гувоҳлик беришича, минг йиллардан бери Наврўз ана шу қадимий адирлар бағрида байрам қилинади.***

Бу тепаликлар Ватанимиз тарихидаги кўплаб яхши-ёмон кунларнинг шоҳиди бўлди. Кўпгина олимлар улуғ фалакиётшунос олим, темурий ҳукмдор Мирзо Улуғбек айнан Тўпхона этакларида шаҳид этилган, деган тахминни илгари сурадилар.

1868 йил 11 май куни генерал Абрамов бошчилигидаги чор армияси қўшинлари Ургутга бостириб кирадилар. Ана шу Тўпхона этакларида минглаб юртдошларимиз Ватан озодлиги учун курашиб шаҳид бўладилар. Ҳа, Тўпхона ургутликларнинг яна қанчадан-қанча шонли ва қонли кунларининг гувоҳи бўлмаган, дейсиз.

Шу боис маҳаллий аҳоли бу гўшани муқаддас билади. Ҳар йили Наврўз кунлари шодиёна, ўйин-кулги билан бирга, юрт учун жон фидо қилган мард, жасур ўғлонларни хотирлайди.

-Баҳор келдими, Наврўз яқинлашдими, кўпкари мавсуми келди, деяверинг, - дейди биз билан суҳбат чоғида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Улаш ака Пўлатов. – Чавандоз зоти борки, Камангарон қишлоғига, Қуруқсой этаклари томон от чоптиради. Биз томонларда кўпкарига қизиқмайдиган, ҳеч бўлмаса бир мартагина наврўз арафасида Қуруқсойга бориб, улоқ ўйинини томоша қилиб завқланмаган кишиларни топиш қийин. Бир пайтлар ўзимиз ҳам ўша кенгликларда от чоптириб улоқ талашганмиз.



Рост, Қуруқсой этаклари баҳор кунлари ўзгача тароват касб этиб, чавандозлару ишқибозларни ўз бағрига чорлайди. Отларнинг кишнаши, томошабинлар олқиши, чавандозлар ҳайқириқлари Аллаёрон қояларига урилиб акс садо беради. Айни кунларда ҳам Камангарон катта тўйхонага айланган. Нафақат Ургут ёки Самарқанд, балки қўшни вилоятлардаги моҳир чавандозлар ҳам бу томонга ошиқмоқда.

Янги келин тушган ҳар бир хонадонда Наврўз кунлари қариндош-уруғ, қўни-қўшни жамланишади. Айниқса, қизалоқлар баҳорги либосларда ял-ял ёниб "келин кўрди"га келишади. Миллий кийимларда, бошига тиллақош тақиб сарандоз ёпинган гўзал келинчаклар қўлрўмолча тутиб, таъзим билан меҳмонларга чой узатади. Ёши улуғ онахонлар баҳор неъматлари билан тўлиб-тошган дастурхонлар бошида ўтириб, ёшларнинг бахту тахтини, юрт тинчлигию халқ омонлигини тилаб дуога қўл очишади.



Ургутликларда халқимизнинг азалий қадриятларидан яна бири ўз мавқеини сақлаб қолган. Бу удум халқ тилида "дарвешона" ёки "деги дарвешон" (дарвешлар қозони) деб юритилади.

-"Деги дарвешон" ҳар йили баҳорнинг бошларида ҳар бир маҳаллала ўзгача шоду хуррамлик, тантана билан ўтказилади, -дейди, туман ҳокими ўринбосари, Ургут шаҳар ҳокими Шуҳрат Алиев. – Таомилга кўра бундай тантаналарнинг бошида маҳалла оқсоқоллари туришади. Маҳалладаги ҳар бир оила қурби етганича ўтказилажак байрам харажатларига ўз улушини қўшади. Тўпланган маблағ ҳисобидан қўйлар сўйилиб, қозонларда ош дамланади, сумалаклар қайнайди. Кўпкари, кураш, хўроз уриштириш каби халқ ўйинлари ҳаммани хушнуд этади. Хуллас... минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал.

Эҳ-ҳе, Ургутнинг Наврўз билан боғлиқ қадимий ва гўзал қадриятлари ҳақида гапирган билан гап тугамайди.

Бу йилги Наврўзда юртимиз мустақиллигининг мучал тўйи ҳам нишонланади, десак янглишмаймиз. Шу боис ургутликлар бу йилги наврўзни айрича ният ва истаклар билан кутяптилар. Айни кунларда далаларда ургутлик деҳқонлар ҳамални амал билан қарши олишмоқда. Ўтган йили туман ғаллакорлари давлатга 24 минг тонна сара дон етказиб бериб, режани 120 фоизга етказиб бажаришганди. Жорий йилда улар яна шунча ғалла тайёрлашни ўз зиммаларига олишган. Ўтган йили туманнинг кумуш тола ижодкорлари ҳам режани 119 фоизга етказиб, давлат хирмонига 200 тоннага яқин пилла топширишди. Сўнгги йилларда табиий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, туман далаларида кунгабоқар етиштириш йўлга қўйилаётир. Гарчи ўтган йили кўзланган натижаларга эришилмаган бўлса-да, жорий йилда туман деҳқонларининг саъй-ҳаракатлари, чеккан заҳматлари беҳуда кетмаслиги аниқ.

Маълумки, қишлоқ туманлари ичида аҳоли сони бўйича Ургут етакчи ўринда туради. Ҳозирда аҳоли сони 360 минг кишига яқинлашиб қолди.



Шу боисдан туман раҳбарияти аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, ёшлар таълим-тарбияси каби масалалар ижросига жиддий эътибор қаратаётир. Ҳар йили наврўз кунларида кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш анъана тусини олган. Бу йилги тантаналарда 2000 га яқин ана шундай оилалар ҳолидан хабар олиш, 20 дан ортиқ кичкинтойларнинг суннат тўйини ҳам айнан наврўз куни турли ташкилотлар ва саховатпеша тадбиркорлар ҳомийлигида ўтказиш кўзда тутилган.

**Удум**

Туманда ҳозирги кунда 3 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Тез кунларда уларнинг сони янада ортади. Ургутлик ва туркиялик тадбиркорлар ҳамкорлигидаги гилам тўқиб чиқарувчи қўшма корхона тез кунда ишга тушади. Қолаверса, Италия билан ҳамкорликда йилига 40 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган яна битта корхона очиш режага киритилган. Қисқаси, йил давомида уларнинг сонини 6 тага етказиш мўлжалланмоқда. Бу эса 5000 та қўшимча иш ўринларини яратишга имкон беради.



–Ургутда ким кўп қўли гул ҳунарманду, қўли очиқ тадбиркор кўп, - дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Холмаҳмад Нуруллаев. – Айниқса, эзгулик байрами арафаларида уларнинг ҳиммати янада жўшиб-тошади. Ғўс қишлоғидаги 660 ўринга мўжалланган мактаб ва қўшимча синфхоналарнинг фойдаланишга топширилишида ҳам ғўслик тадбиркорларнинг ҳиссаси катта. Шунингдек, бу қишлоқда хашар йўли билан қурилаётган тиббий-маиший мажмуада ҳам бугунга қадар 72 миллион сўмлик иш бажарилди. Йилнинг охиригача "Оққўрғон" ширкат хўжалиги ва унга яқин ҳудудларда 2000 ўринга мўлжалланган бешта мактаб ва қўшимча синфхоналар қуриш ниятидамиз.

Юртбошимиз томонидан 2003 йилнинг Обод маҳалла йили дея эълон қилиниши ургутликлар томонидан ижобий қаршиланди. Маҳаллаларни ободонлаштиришга эътибор янада кучайтирилди. Ҳозирги кунда туманда уларнинг сони 102 тани ташкил этади. Маҳалла фаоллари ўз ҳудудларида тинчлик-осойишталик, тартиб-интизомни сақлаш, ободончиликни ривожлантиришга, маънавият ва маърифатни ривожлантиришга эътибор қаратишмоқда.



Ургут шаҳридаги Ғузни маҳалласида бўлганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рофе ака Носировни каттаю кичик бирдек ҳурмат қилади. Унинг маҳаллада олиб бораётган ишлари эл эътирофига сазовор бўлди. Маҳалланинг равон кўчалари, масжиду чойхоналари, ҳашаматли иморатлари, шифо масканлари шаҳар ичида кичик бир шаҳарчани эсга солади.

-Ўтган йили фуқаролар йиғинининг собиқ раиси, халққа узоқ йиллар хизмати сингган инсон, марҳум Меҳрож ака Амонов хотирасига маҳалламиз марказида кичик бир ёдгорлик ўрнатдик. Ҳашар йўли билан кўчаларимизни, маҳалла ҳудудидаги жамоат иншоотларини қайта таъмирладик. Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урдик. Ҳашар йўли билан, тадбиркорларимиз кўмаги билан маҳалламиз ёшлари учун 200 ўринли спорт мажмуаси қуришни режалаштирганмиз. Дастлабки ишлар бошлаб юборилган. Насиб этса, ушбу спорт мажмуасини ёшларимизга мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида байрам туҳфаси сифатида топширмоқчимиз.

-Бу йилги Наврўзни қандай кутиб оляпсиз, - сўраймиз маҳалла оқсоқолидан.

-Бизнинг маҳалла ҳам Наврўз каби қадимий. Бинобарин, азал-азалдан ғузниликлар Наврўзи оламни қувонч ва шодлик билан кутиб олишган. Бу йил ҳам одатдагидек. Маҳалламизда "деги дарвешона" уюштирилади, ёши улуғ кексалар, беморлар, кам таъминланган оилалардан хабар оламиз. Хуллас... э, гапираверсак, мақтанчоқликка йўясиз-да!



Маҳалладаги ўзгаришларнинг ўзиёқ Рофе аканинг ваъдага вафодорлиги, серҳаракат ва фидойилигини кўрсатиб турибди. Акс ҳолда у Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ "Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланмаган бўларди.

Ургут ҳақида гап кетар экан, ундаги қутлуғ зиёратгоҳлар, тарихий обидалар ҳақида гапирмай иложимиз йўқ. Туманга ташриф буюрган меҳмонларнинг аксари Чорчинордаги Эшони Валихон, Камангарондаги Хожа Аҳрори Вали, Хўжадўкдаги Ширвоқ ота, Ғўсдаги Ғавсул аъзам каби муборак қадамжоларни зиёрат қилиб кетади.

Ўтган йили мустақиллик арафасида нақшбанлия сулукининг сўнгги буюк намояндаси Эшони Валихон бобо даҳмаси устида муҳташам мақбара қад кўтарди, - дейди "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Ургут туман бўлими раиси Улфат Саидов. - Ҳозирда Ғавсул аъзам қадамжоларини қайта тиклаш устида иш олиб борилмоқда. Бу ўринда ҳам Ғўснинг тадбиркор, серҳиммат халқининг ташаббускорлигини эътироф этиш жоиз. Шу кунга қадар мазкур ёдгорлик мажмуаси қурилишидаги сарф-харажатлар ҳажми 30 миллион сўмдан ошди. Маълумотларга кўра, яқин кунларда мажмуанинг очилиш маросимини кенг миқёсда нишонлаш кўзда тутилган.

Хуллас, бу йилги Наврўзни ургутликлар одатдагича меҳнат ва фаоллик, қувонч ва кўтаринкилик, умид ва шукроналик билан кутиб олишмоқда. Такрор бўлса-да, айтайлик: Ургутда Наврўз барибир бошқача нишонланади. Ишонмасангиз, ўзингиз бу қадимий ва навқирон туманга ташриф буюринг. Ургутликлар шодиёнасига, хурсандчилигига шерик бўлинг. Шунда... Шунда ортиқча таърифу тавсифга ҳожат ҳам қолмайди.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**






## БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ВАТАНДОШЛАР!

*Табиат уйғонди сени соғиниб,*
*Ялпиз, кўкатлардан сомсалар ёпиб,*
*Сумалак таъмини қўмсаб, энтикиб*
*Наврўзим мен сени соғиндим бу кун!*



АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ "ТАДБИРКОРБАНК",
унинг барча бўлимлари жамоалари мамлакатимиз аҳлини
умумхалқ байрами –
НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН
чин дилдан самимий табриклайдилар.
Улар барча юртдошларимизнинг чеҳралари баҳор қуёшидек чароғон,
кайфиятлари доимо кўтаринки бўлишини,
кўнгиллари эзгу ҳис-туйғуларга лиммо-лим тўлишини ният қиладилар.

